

АБАДИЯТ ГУЛШАНИ



**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2013**

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

A-12

УЎС. 0900.

Лойиҳа муаллифи

Ўткир Раҳматов

*«Халқ сўзи» ва «Народное слово»
газеталари бош муҳаррири*

Тўплаб нашрга тайёрловчи


Мақсуд Жонихонов

A-12

Абадият гулшани: мақолалар, шеърлар/
лойиҳа муаллифи Ў. Раҳматов, тўплаб нашрга
тайёрловчи М. Жонихонов. – Т.: «Sharq», 2013. –
128 б.

ISBN 978-9943-26-073-3

10 42160
291



ISBN 978-9943-26-073-3

УЎК: 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)6

Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан яна бири — бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз.

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.

Ислом КАРИМОВ

Навоий боғи

Навоий – шоирлар султони. Демак, у она тилимиз заргари, маънавиятимиз юлдузи, маданиятимизнинг ёрқин тимсолидир.

Давлатимиз раҳбари 1999 йил Навоий шаҳрида буюк шоир ва мутафаккир ёдгорлик мажмуига бағишланган тантанали маросимда шундай деган эди: “Ҳазрат Навоий шундай буюк зот экан, унинг тафаккур дурдоналари бўлмиш боқий сатрлари замонлар оша яшаб келаётган экан, бу улуғ меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, маънавиятни юксакликка кўтаришда инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Айни пайтда бу вазифа, илгари ҳам айтганимдек, ҳар биримизнинг Навоийни янада яхшироқ ўқишга, Навоийни янада теранроқ ўрганишга, унинг умр дафтарида ибрат ва сабоқлар олишга даъват этади”.

Бинобарин, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимизда Навоий ҳайкалининг қад ростлаши маънавий меросимизга, унинг атоқли шахси хотирасига бўлган юксак муносабат, эътибор ва эъзоз даврининг бошланганини билдирган эди.

Кеча, бугун ва бундан кейин ҳам давом этадиган маънавиятимизнинг юксалиш жараёни – биз учун ниҳоятда зарур, жаҳон ҳамжамиятида ҳеч кимдан кам бўлмаган ва албатта буюк давлат қуришга қодир, тамаддунлар яратган, истиқлол туфайли ўзлигига қайтган, куч ва қудратини, улуғлигини тиклаётган халқ ва мамлакат сифатида танилишимиз ва тан олинишимиз учун керак ва муҳимдир.

... 2010 йил август ойи. “Халқ сўзи” газетаси таҳририятида халқимиз ўз қалбида тахт қуриб берган ҳазрат Навоийни, унинг асарларидаги боқий қадриятлар ифодасини ўзига хос тарзда акс эттирмақ мақсадида “Абадият гулшани” саҳифаси тайёрлашга киришилди.

Очигини айтиш керакки, биз Навоий оламига кириб борар эканмиз, ундан ўргандик, сабоқ олдик, унинг асарларига, ҳикматларига яна қайта маҳлиё бўлдик.

Дастлаб, Навоий ғазалларига шарҳ битишга кўплаб таниқли олимларимизни, ижодкорларимизни жалб қилишга интилдик.

Кўп ўтмай “Абадият гулшани” саҳифаси муштарийлар эътиборига тушди. Юзлаб хатлар кела бошлади. Нафақат Тошкентда яшаб, фаолият юритаётган навоийшунослар, балки вилоятдаги олимларимиз, ўқитувчилар, турли-туман касб эгалари Навоий асарларидан олган завқ-шавқлари тўлиб тошган мактубларини ўқиб, ҳам мамнун бўлдик, ҳам ҳайратга тушдик.

Негаки Навоий даҳосига бўлган ҳурмат, унинг сиймосидан, яратган асарларидан юракларга кўчган ғурур ва ифтихор туйғулари ҳар бир мактубда жўш уриб турарди.

Табиийки, “Абадият гулшани” ана шундай мактубларда битилган Навоий хазинасидаги жавоҳирларнинг мағзи, мазмуни хусусидаги кичик тадқиқотлар, мақолалар ва дил изҳорларига бағишланиб кетди.

Энг муҳими, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган халқчил сиёсат, бунёдкорлик юмушлари, инсон манфаатларининг устуворлиги-ю, ёшлар таълими ва тарбияси, адолат, тинчлик, хотиржамлик, фаровонликнинг барқарорлиги – Навоий орзулари ва ниятлари билан уйғунлигига амин бўлдик.

Навоий бамисли олти юз йил наридан туриб бу саодатли замоннинг қадрига етишимиз, истиқлолимиз меъморининг халқимиз ва мамлакатимиз учун қилган меҳнатларини, унинг самараларини теран англашимиз ва янада гўзал ва бахтли келажагимизни яратишга астойдил ғайрат-шижоат кўрсатишга даъват қилаётгандай туюлди бизга...

“Абадият гулшани”нинг фаол муаллифларидан бири, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби, таниқли олим Суйима Ғаниева “Мен Навоий боғининг оддий хизматчисиман” деган эди бир суҳбатда...

Дарҳақиқат, “Навоий боғи” — ниҳоятда гўзал. Унга кирган кишининг албатта, авваламбор маърифат ва маънавият чиройидан қалби чароғон тортади.

Ватанпарвар, халқпарвар, тенгсиз шоир, оламшумул файласуф бобокалонимиз келажакка — авлодларига улкан умид боғлаган зот эди. Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида алоҳида таъкидлаганидек, “Инсон қалбининг қувонч-у қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало Навоий асарлари билан кириб келади.”

Шу боис ва умуман фарзандлик нуқтаи назаридан, уч йил давомида газетамизнинг “Абадият гулшани” саҳифаларида чоп этилган мақолалар, эътироф-у дилномаларни тўплаб китоб ҳолида нашр этишга жазм айладик. Ишончимиз комилки, унинг саҳифаларини варақлаб, разм солиб, мутолаага киришган ҳар бир муштарий унутилмас баҳралар топади, Навоий деб аталмиш Фусункор Олам билан яна бир бор юзлашиш бахтига муяссар бўлади.

**Ўткир Раҳматов,
«Халқ сўзи» ва «Народное слово»
газеталари бош муҳаррири.**

Икки орзу риштаси

ёхуд улуг шоирнинг “Муножот” асари хусусида мухтасар сўз

Маълумки, Алишер Навоий умрининг охирларида бирмунча йиллар аввал юраги тубидан урин олган Ҳаж сафари иштиёқи яна оловланади. У 1499–1500 йиллар давомида бир неча марта бевосита ва билвосита яқинлари орқали Ҳусайн Бойқародан Ҳаж сафарига изн сўрайди. Ҳар гал Султон аввалига ижозат берар, лекин дарҳол ўзи шахсан шоир ҳузурига ташриф буюриб, уни сафардан қолдиришга кўндириб қайтар ёхуд энг нозик дўстларни орага қўйиб шоирни аҳдидан қайтаришга муваффақ бўлар эди. Навоийнинг “Вақфия”да ёзишча, “икки орзу риштасидан (бири ҳаж, иккинчиси — ижод — С. Ф.) ўзгаким, гириҳи кўнглум пардасидин ечилмади ва икки мурод ғунчасидин ўзгаким, тугуни жоним гулшанидин очилмади...

*Мениким бу савдо низор айлади,
Ҳавас илгида беқарор айлади.
Не шмонки, топқай қарору сукун,
Бировким, бу фикр этгай они забун”.*

Ушбу орзуси рўёбга чиқмаслигига кўзи етган чоғларида Навоий руҳий азоблар гирдобидида қолар, ҳар қандай расмий, норасмий давлат юмушларию мадад истаб келувчилардан ғоят толиқар эди, албатта.

“Муножот” асарида “Илоҳи, эмди ҳамким, барчадин кечмак хаёлин қилурмен, ўзлугум билан кеча олмон яқин билурмен. Илоҳи, андоққи, бу балоларга солдинг, қутқор ва андоққим, бу ибтилоларга кижурдунг, чиқор”, — дея илтижо қилиши шоирнинг юқорида ёдга олинган тушкун кайфиятидан дарак беради. Шу билан бирга ҳаммадан воз кечиш мумкин ва осон, лекин “ўзлуги”дан кечиш мутлақо мумкин эмас, бу аниқ. Бинобарин, “ўзлук”ни муқаддас сақламоққа, уни таҳлика ва лоқайдликлардан халос этмоққа интилиш ниҳоятда зарур, деган шоирнинг юксак эътиқодини юзага чиқаради.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Навоий илтижолари замирида муҳитта йўналтирилган армон ва ўкинчли мулоҳазалар мужассам. Шоир илтижоларининг бир неча ўрнида нафсу ҳаво (дунё, бойлик маъносида — С. Ғ.) майли, ҳирсу риё кабилардан сақланишда мададкорлик қилишни ўтиниши фикримиз далилидир.

Навоий ўзининг ижтимоий қарашларига оид фикрларини “Маҳбуб ул-қулуб”да давом эттириб, уларни чуқурлаштирган, янги-янги тушунчалар билан бойитган. Унинг замона тескарилиги, давр кажрафторлиги ҳақидаги ўкинчли нолалари, зулмкорлик, беҳаёликлардан малул бўлган дилидан отилиб чиққан аламли нидолари ўз аксини топган эди: “Давр бевафолари жавридин дод ва даҳр беҳаёлари зулмидин фиғону фарёд. То олам биносидур бу ўтга ҳеч ким менча ўртанмайдур, то бевафолик ибтидосидур бу ёлинг ҳеч мендек чурканмайдур. Замон аҳли бевафолигинин кўксумга туганлар ва даврон хайли беҳаёлигинин бағримда тиканлар”. Булар “Муножот”даги: “...гоҳи атфол тошин бошимға ёғдурдум, гоҳи аҳбоб маломати нишин кўнглумға еткурдум. Илоҳи, қайси исён тийралиги билаким, офиятим юзи қарормади, қайси бедод суҳбатиким, мен қаро юзлукка бормади” каби дардли армонларда ўз аксини топгандек кўринади.

Навоий “Илоҳи, замиримга худписандлиғни ёвутма ва хотиримни эл нафйу айбжўлуғиға тутма”, — дея илтижо қилар экан, у ўз умри охирига қадар илғор инсонпарварлик тарафида ғоят мустаҳкам турганлигидан далолат беради. Хулоса тарзида айтиш керакки, Навоийнинг «Муножот» асари шоир ҳаёти охирида эътиқодлари мустаҳкам, имони комил, ижодда ғоявий ниятлари юксак, ҳаёти ва орзу-умидлари пок ва холислигига ишонса-да, яна бир бор Оллоҳдан нотинч руҳиятига осудалик тилаб, авлодларини маънавий камолотга, эътиқодий устуворликка, ўзлигини қадрлаш ва уни муҳофаза этишга чорлаш мақсадида ёзилган, ўтмишга эмас, келажакка қаратилган дил сўзларидир.

Суйима ҒАНИЕВА,
профессор.

“Ким қилса иморатки, қадр топгай”...

Президентимиз Ислом Каримов Навоий шахрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида: “Буюк гуманист шоиримиз фаолияти ва ижодига тегаран назар ташласак, унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг, мафкура ва маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олганидан ҳайратга тушамиз”, деган эди.

Истиклол шарофати туфайли буюк аждодларимиз қатори Алишер Навоий ҳам халқимиз кўз ўнгида ўз улуғворлиги билан қайта намоён бўлди. Юртбошимиз ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг дастлабки йили озод ватанимиз солномасида “Навоий йили” сифатида улуғланди. Гўзал пойтахтимиз Тошкентнинг марказида Навоий номидаги Миллий боғ барпо этилди. Энг муҳими, улуғ ва буюк шоир меросини бутун кўлами, кенг қирралари билан ҳар томонлама чуқур ўрганиш, бу борада тарихий адолатни қарор топтириш учун барча имкониятлар яратилди. Алишер Навоий ҳар бир хонадонга чинакам маънода кириб кела бошлади. Чунки Алишер Навоий ўзининг бутун фаолияти давомида Инсонни, унинг энг гўзал фазилату хислатларини ўзига хос, бетакрор меҳр-муҳаббат билан куйлади. Унинг қайси бир асарини олиб кўрманг, инсоний хислат ҳақидаги фикрлар мужассамлашганини дарров пайқайсиз. Бундай хислатларнинг энг мукамалларидан бири фақат ўзини ўйламаслик, балки жамиятдаги одамлар билан иноқ яшаш, халққа ғамхўрлик қилишдан иборатдир.

Тарихчи Хондамирнинг далолат беришича, ўз даврида бунёдкорлик, саховатпешалик, ҳомийлик бобида Навоийга тенг келадиган киши топилмаган. Алишер Навоий томонидан 4 мадраса, 25 дан ортиқ масжид, 11 хонақоҳ, 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк ва бир тўғон, 9 ҳаммом қурилган. Бу кишини ҳайратга соладиган 300 дан ортиқ ажойиб иншоотларни қуриш осон кечмай, катта ташкилотчиликни, маблағни, обрўни, бағрикенгликни ва ниҳоятда Ватанга содиқликни талаб қилган.

Навоий ўзи қурдирган мадраса ва хонақоҳларда истиқомат қилувчиларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва бош-

қа зарур нарсалар билан ҳам таъминлаб турган. Бу ерларда ҳар куни мискин-бечораларга таом тарқатилган, турли ёрдамлар кўрсатилган. Хондамирнинг ёзишича, “Халосия” хонақоҳида ҳар йили 2000 та пўстин, чопон, кўйлак, тақия ва кафш улашилган.

Шунингдек, “Жамоатхона”, “Зиёратгоҳ”, “Ҳавзи моҳиён”, “Лангари сармозори шайх Муҳъйи”, “Хумчаи”, “Хожа Юсуф Ҳамадоний сармозори” ва бошқа хонақоҳлар Навоий томонидан қурдирилган.

Меҳру мурувват, хайру саховатда ўзи намуна бўлган Навоий ёзган асарлари орқали ҳам кишиларни яхшилик қилишга, бир-бирини қўллаб-қувватлашга чақирган. Чунончи, “Маҳбуб ул-қулуб” асарида саховат ва ҳиммат бобида алоҳида фикр юритиб, саховатни инсоният боғининг мевали дарахтига ўхшатади, одамийлик мамлакатининг мавжли уммониға, бу уммоннинг бебаҳо гавҳарига қиёс қилади.

Алишер Навоийнинг хайру саховат, меҳру мурувват бобидаги фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, уни хайру саховат тажассуми, меҳру муҳаббат тимсоли, ҳомийлар ҳомийси бўлган зот дейиш мумкин. Саховатни бир боғ тарзида тасаввур этсак, Навоий бу боғнинг боғбони, бир мулк деб билсак, Навоий унинг соҳиби, бир салтанат десак, Навоий бу салтанатнинг султони сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади.

“Алишер Навоий умр бўйи етим-есир, бева-бечора, ногирон ва муҳтожларга мурувват кўрсатиб келган. Эл-юрт учун ўз ҳисобидан мактаб-мадрасалар, шифохона ва ҳаммомлар, йўл ва кўприқлар, боғ-роғлар бунёд этган, илм-фан ва маданият аҳлининг чинакам ҳомийси бўлган бу беназир зотнинг мана шундай савобли ишларида ҳар биримиз учун ибрат ва сабоқлар бор эмасми?”.

Юртбошимизнинг Навоий ҳазратлари ҳақида айтган бу гаплари, унинг номи билан аталувчи вилоят аҳлиға ҳам бевосита тааллуқлидир. Вилоятдаги 400 дан ортиқ тарихий ёдгорлиғу обидалар мустақиллик туфайли қайта кашф этилди. Мустақиллик фарзанди бўлган вилоятда олиб борилаётган кенг бунёдкорлик ишлари бунинг ёрқин намунасидир. Вилоят ҳудудида бир неча минг йиллик тарихға эга бўлган Сангбур, Учтут, Сармишсой, Сангжумон каби тарихий масканлар ва

қатор тарихий обидалар билан бир қаторда бугунги замонавий кошоналар ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Юртбошимиз Навоий вилоятига ҳар сафар ташриф буюрганларида тарихий обидалару шаҳарлар тарихига алоҳида эътибор қаратадилар. Бу саъй-ҳаракатлар туфайли Работи Малик ва Сардоба, Қосим Шайх Азизон мажмуаси, Мир Саид Баҳром мақбараси, Қизилтепадаги Тошмасжид мажмуаси, Хатирчидаги Гадоё Селкин Ота ва Оқмасжид, Нурота чашма мажмуасига қайта ҳаёт бағишланди. 2003-2010 йиллар мобайнида Навоий вилоятидаги 14 та тарихий обидани таъмирлаш ва тиклаш ишларига 6 млрд. сўмдан ортиқ бюджет ва ҳомийлар маблағлари сарфланган бўлса, 2009–2011 йиллар мобайнида биргина қадимий Нурота мажмуасини қайта таъмирлаш ишларига 7 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, бу жойлар бугунги кунда таниб бўлмас қиёфа кашф этди.

Айниқса, 2004 йил 9 октябрь, 2008 йил 17–19 апрель кунлари Навоий шаҳрида Сармишсой тарихига бағишлаб ўтказилган Халқаро анжуманлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Бу анжуманларда Норвегия, Япония, Польша, Мўғулистон, Россия каби ўнлаб хорижий мамлакатларнинг қадимшунослари ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси вакиллари иштирок этдилар. Сармишсой қоя тошларида ўн мингдан ортиқ петроглифлар жойлашганлиги эътироф этилиб, уларнинг бу жойни очиқ осмон остидаги музейга айлантириш тўғрисидаги таклифлари барчанинг узоқ йиллар давомида кутилган орзуси эди. Бу тарихий ёдгорликларни асраш, авайлаш, уни кейинги авлодларга ёдгорлик сифатида қолдириш давлат аҳамиятга молик масала эканлигини навоийликлар чуқур ҳис этмоқдалар.

Шоир туркий тилни юксакликка кўтарди. Истиқлол туфайли Ўзбекистонимизда ўзбек тилига берилаётган эътибор ҳар қадамда сезилмоқда. Шунингдек, Навоий орзу қилган турли миллат ва халқларининг тилларини ўрганиш Навоий орзулари амалга ошаётганлигининг ёрқин намунасидир. Навоий баркамол авлод бир неча тилни билиши зарурлигини уқтирган:

*Ибрию юнонию сурёни ҳам,
Ҳинду агар сўрса, билиб они ҳам.*

Демак, кўп тиллилик бугун учун ҳам зарурият. Бугун ёшларимиз ўзбек тили билан бирга рус, инглиз, немис ва жаҳон халқларининг қатор тилларини пухта ўрганмоқдалар. Бугун биргина шоир номи билан аталувчи вилоятда мактабларда дарслар олти тилда олиб борилмоқда, радио ва телевидениеда эса уч тилда эшиттиришлар ташкил қилинмоқда. Навоий Давлат педагогика институтида эса ўзбек, рус, инглиз ва қozoқ тилларида дарс берувчи педагог ўқитувчи мутахассис бакалаврлар тайёрланмоқда.

Навоий турли миллат ва диний эътиқодга мансуб бўлган халқларни севади. Уларнинг дўстлик, биродарлик ғоясини шеърларида талқин этади:

*Кўнгулни олса малоҳат била тафовут йўқ,
Хитойи ўлсину ё армани ва ё ҳинду.*

Юртбошимизнинг “Навоий бобомиз куйлаган, орзу қилган халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик бугун гўзал Навоий вилоятида қарор топганига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди”, — деган сўзлари мустақиллик фарзанди бўлган шоир номи билан аталувчи вилоятда ўз аксини топди.

Навоий ўз асарларида меҳнатни улуғлайди. Меҳнатга бўлган қизиқишни Фарҳод образи орқали очиб беради. Фарҳод жисмонан бақувват, паҳлавон сифат йигит, у хунар ўрганadi. Шоир Фарҳодни тоғдан сув чиқаришда қийналаётган жафокаш инсонларга ҳиммат қўлини чўзганлигини қўйидагича ифодалайди:

*Хунарни асрабон неткумдир охир,
Олиб тупроққаму кеткумдир охир?!
Темурчидан тилаб дам бирла кўра,
Белиға боғлабон чармин танура...*

Фарҳоднинг саъй-ҳаракати ўз самарасини кўрсатди. Арман ўлкасининг тоғли мавзесида сув иншооти бунёд этилди.

Алишер Навоийнинг меҳнат аҳли номига қуйидаги сатрлар акс садо берди:

*Ариққа қўйдилар “Наҳрул ҳаёт” исм,
Фалакваш ҳавзга “Баҳрун-нажот” исм*

Булар улуғ шоирнинг ҳаётбахш орзулари эди. Истиқлол туфайли юрт тақдири учун курашчи миллионлаб Фарҳодлар бунёдкорлик ишлари билан шуғулланмоқдалар.

Кейинги икки йил мобайнида вилоят марказидаги шоир номи билан аталувчи 102 гектарлик боғнинг марказида, улуғвор хайкал ёнбошида 2400 кишилик Амфитеатр ва Ёшлар саройининг қад ростлаши навоийликларнинг қувончига қувонч қўшиб, уларнинг сеvimли дам олиш оромгоҳига айланди.

Бу ишларда Президентимизнинг вилоят марказида Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимдаги сўзлаган нутқи куч ва қувват бағишламоқда: “Бир пайтлар қуш учса, қаноти, одам юрса, оёғи қуядиган Қизилқум саҳросини гуллаган воҳага айлантираётган сиз, азиз Навоийликлар ўз олийжаноб ишларингизга аввало, Навоий даҳосидан руҳ ва илҳом, Навоий қаҳрамонларидан ўрнак ва ибрат олиб яшаётганингиз барчамизга қувонч ва ифтихор бағишлайди”, деган сўзлари аҳолининг барча қатламларини, айниқса ёшларни шу кеча-кундуз жунбушга келтирмоқда.

Вилоят аҳли Навоий даҳосидан руҳ ва илҳом олиб, Қизилқум саҳросини гуллаган бўстонга айлантирмоқдалар. Бугун Президентимиз ташаббуси билан улуғ Ҳазрат номини шарафлаган вилоятда ташкил этилган эркин иқтисодий-индустриал зона Қизилқум бағридан 564 гектар ерни эгаллаб, чет эллик ҳамкорлар билан дастлабки 20 га яқин замонавий корхоналарни бунёд этиб, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси билан 100 дан ортиқ маҳсулотларни экспорт қилмоқдалар. Логистика маркази бир кеча-кундузда 300 тоннадан ортиқ юкни қабул қилиб, жўнатмоқ қобилиятига эга. Бу корхоналарда вилоятнинг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган ёш мутахассислар ишламоқдалар.

Буларнинг барчаси Алишер Навоий орзу қилган қаҳрамонликларнинг ёрқин намунаси:

*Ким қилса иморатки, қадр топгай,
Чун исми тарихларда боқий қолгай,
Не чоққача ул биноки маъмур бўлиб,
Ани исми эл тилига машҳур бўлгай.*

Сулаймов ИНОЯТОВ,
*Навоий Давлат педагогика
институтини профессори.*

Инсон зийнати

Навоий дейди: “Тавозуъ халқни киши муҳаббатига шефта қилур ва улусни фоил маваддатига фирефта қилур. Дўстлиғ гулшанида назорат гуллари очар ва ул гулшандин унсу улфат базмида турлук гуллар сочар!” (Маъноси: тавозеъ, мулойимлик одамларни муҳаббатга сазовор этади ва халқни фаолият эгаси — ўша тавозеъкор киши муҳаббатига гирифтор этади.

Тавозе дўстлик гулшанида назарларни хушнуд этувчи гулларни, шу гулшандаги яқинлик, улфат гулларини бошга сочади”).

Англашиладики, одобли, хуштавозе одамлар кўпчиликнинг ҳурматига сазовордирлар, улардан яхши дўст, бамаъни улфатлар чиқади. Одобли одамлар душманларни ҳам ром қила олиши мумкин, душман кўнглига ҳам йўл топа олади. Тавозе кишининг муомалалари уятсиз, ҳаёсиз мутакаббирларни ҳам инсофга келтириб, яхши йўлга қайтариши мумкин. Хуштавозе кишилар бировга бир дирам бермай, хурсанд қила оладилар, уларнинг ширин сўзи дилга қувват, нозик ҳаракати руҳга мадад. “Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дусига сазовор этар ва ул дуо баракати била умрдин бархурдор (бахраманд)”. Одобли бола киши кўзига улуғсифат кўринади, унга меҳру муҳаббатингиз ортади. Бундай ёшларга беҳуда, ёмон кўз билан қарашдан одамлар ўзларини тиядилар. Одоб муҳаббатнинг пайдо бўлиши ва тараққий топишида катта аҳамиятга эга, дейди шоир. Чунки муҳаббат ўзаро ҳурмат асосида вужудга келади. Барча ошиқ-маъшуқларнинг қиссаси бунга мисол. Лайли ва Мажнун, Вомиқ билан Узро, Фарҳод ва Ширин орасидаги муҳаббатни олиб кўринг, уларнинг назокатли муомаласи, мулоқотлардаги хуштавозелик юз чандон ишқни кучайтирмадими? Шоирнинг бу мисолларидан шуни тушунамизки, одобни, тавозени кенг маънода тушунган, уни инсон зотининг ҳаёт тарзи, хулқ-рафторига асос қилиб кўрсатган. Навоий хуштавозеликка қарама-қарши қилиб манманлик, кўрслик ва такаббурликни тилга олади. Унинг назарида бундай одатлари бор кишилар яхши кишилар эмас. Шоир шуни ҳам зукколик билан қайд этадики, одобу тавозе — кишининг ўзини ерга уриши эмас, балки ўзгаларни

хурмат қилиши, одамийлик равишини пухта эгаллаганини билдиради. Камтаринлик, хоксорликни мутелик, лаганбардорлик деб юрганлар адашади. Аксинча, хоксор одамларда ички инсоний гурур, ўз қадрига ва ўзгалар қадрига етиш ҳисси устун ривожлангандир. Хоксорлик кўп ўқиш, кўп билиш ва ҳикмат-донишга эҳтиром белгиси:

*Илмдин орий улуснинг жоҳили худкомаси,
Ўрганурға жидду жаҳд этган жаҳон алломаси.*

Манманлик эса нодонлик ва худпарастликдан келиб чиқади. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да худпараст мутакаббирларга танбеҳ берар экан, уларнинг тоифалари, қилиқлари ва руҳиятини ҳам очиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Худписандларни Навоий умумлаштириб, икки гуруҳга бўлган. Биринчи гуруҳга у ўзининг номақбул аҳволига кўнган, аммо ундан қутулолмаган кишиларни киритган. Бундай кишилар “ўзининг аҳволи ва аъволи” элга ёқмаса ҳам ўзларига “маҳбубул марғуб кўринган” ва улар шу билан қаноатландилар. Аммо шундайлар ҳам борки, бу одамлар “жамии ҳолоти ва нохуш хаёлотни”ни писанд ва шоиста ҳисоблаб, ўзларини энг азиз ва муҳтарам кишилар қаторида кўрсатиш ва бемаза қилиқларини манзур, маъқул фазилят, дея жар солишни канда қилмайдилар, бошқаларни шунга кўндирмоқчи бўладилар. Навоий буларни иккинчи гуруҳга киритиб, энг хавфли ва жамиятни бузувчи нохуш кишилар, деб баҳо беради. Улар, дейди шоир ғазабланиб, бири ўзини ҳуснда Юсуфи Канъоний, иккинчиси мусиқа ҳунарида Юсуф Андигоний қилиб кўрсатишга интилади: лақма суҳбатларини жон озиғи, бемаза ашъорини Салмоннинг қасидасидан баланд, деб мақтаниб юради.

Кўринадики, ҳалимлик, поклик, вафодорлик, Навоий назарида, кишининг мақбул сифатидир. “Ҳилмни ҳаводис дарёсида кишилик кемасининг лангари деса бўлур ва инсоният мезони тошига нисбат қилса бўлур”. Демак, ахлоқий камолот учун мулоийм, ҳалим бўлиш ҳам зарур. Бироқ ҳалимларнинг “камчилиги” шуки, улар ростгўй, ҳақталаб бўладилар, қаерга борсалар ҳақ гапни айтадилар, бу эса аксар одамларга ёқмайди: “Ҳақгўй кушнинг тамкин била зикр айтуви қошида

қарлуғочнинг бемалол янғшамоғи малолат келтирур”. “Аmmo ел агар кўкка етсун — сабукбордур ва бемиқдор ва тоғ агар туфроққа ботсунки, соҳиб виқордур, ҳилм шиор”. Шундай бўлгач, барибир ҳақгўй, батамкин одамнинг қадри баланддир.

Қисқаси, яхши одоб, яхши хулқ — саодат калити. Зеро, Алишер Навоий барча иллат ва нуқсонлардан холи бўлмоқни инсон камолотининг асоси, деб билди. Шу боис ҳаёти давомида ўзи шунга қатъий амал қилди, барчани ўзни озод ва обод этишга, комиллик сари йўл солишга чорлаб келди.

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

“Бор эди инсон гули мақсуд анга”

Навоий “Хамса”сида қайд этилган мавзулар кўлами ниҳоятда кенг. Ҳаёт ҳодисотлари, инсон турмуши, ички кечинмалари билан боғлиқ барча жиҳатлар қаламга олинган. Шоир ўқувчи эътиборини энг муҳим тушунчаларга қаратади. Уларнинг ҳар бирига алоҳида урғу беради: кўнгул, иймон, саховат, адаб, қаноат, вафо, ишқ, ростлик, илм кабилар теран шарҳланади. Асарда инсон, инсонийлик белгилари, “одамийлар одамийси”, яъни бугуннинг тили билан айтганда, комил шахс ҳақида кўпгина фикрлар учрайди. Навоий инсонни улуғлайди. Унинг кўнгли муқаддас эканлигини такрор-такрор таъкидлайди. Айни пайтда ҳар бир киши эзгу ном қолдириши, умрини яхшиликлар қилиш билан безаши муҳимлигини уқтиради.

Шоир оламдаги барча нарсаларнинг яратилишидан мақсад инсон эканлигини бир ўринда “Лек боридин ғараз инсон эди” дея таъкидласа, бошқа бир байтда:

*Бу чаман ўлмоғида мавжуд анга,
Бор эди инсон гули мақсуд анга,*

дея таъкидлайди.

Навоий элга фойда келтириш, яхшилиқ қилиш, одоб-ахлоқли, саховатли, қилмиши ростлик ва тўғри-

лик, сабр-қаноатли, шукр қилиб яшайдиган, ҳалол меҳнатни қадрлайдиган, ширин сўз, нафс ва тамаъдан йироқ кишиларни алоҳида қадрлайди. Шоир инсоннинг суврати билан сийрати, яъни ташқи кўриниши билан ички дунёси мос тушишини айтади. Айтадиган сўз билан қиладиган иш мувофиқ бўлмаса, фойдасиз эканлигини уқтиради:

*Кимники, инсон десанг, инсон эмас,
Шаклда бир, феълда яксон эмас.*

Комил инсоннинг кўнгли, сўзи, кўриниши, феъл-атвори, қиладиган ишлари бир хил бўлади. Ҳақиқий инсон сабр-қаноатли, шукрлидир. Инсонни давлати, мол-мулки эмас, қаноати сарбаланд этади:

*Мулк ила ўзни демагил аржуманд,
Мулки қаноат била бўл сарбаланд.*

Навоий асарларида шукр қилиб яшаш ғояси кўп тилга олинади. Қитъаларидан бирида икки кишининг ҳолатини тасвирлаш орқали шукроналикни улуғлайди. Биров келяпти: оёғида кийишга калиши йўқ. Иккинчиси келяпти — оёқнинг ўзи йўқ. “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил” деган мақол мазмунига жуда мос. “Ҳайрат ул-аброр”да бу фикр яна ҳам чуқурлаштирилади:


*Бир анинг неъматига шукр эрур,
Кимсаки, шукр айласа кўпрак берур.*

Навоий комил инсонга хос яна бир муҳим белги сифатида ҳалол меҳнатни улуғлайди. Бировнинг миннатли ошидан ҳалол меҳнат билан топилган озгина нарса ҳам қимматлироқ. Узи меҳнат қилиб топган бир дирҳам бировнинг “ганж”и — катта хазинасидан яхшироқ:

*Бир дирхам олмоқ чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки биров берса ганж.*

Комил инсонга хос яна бир сифат — ростлик, тўғрилиқ. Бу тушунча Навоийнинг кўп асарларида изоҳланади. Шоирнинг бу борадаги хулосаси қуйидагича:

*Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи,
Йўқ сўзиким, ҳам сўзию ҳам йўқ.*



Туз — бу тўғрилиқ, ростлик дегани. Инсоннинг сўзи рост бўлиши зарур. Нафақат сўзи, ўзи ҳам, сўзда бошқа-ю, ишда ўзгача бўлиш мувофиқ эмас.

Навоий асарларида, “Хамса”сида ҳам инсонийликнинг етакчи омили сифатида ўзгаларга яхшилик қилиш эканлиги кўп бор қайд этилади. Кимки, ўзгаларга яхшилик қилиш, фойда келтиришни одат қилса, бундан ўзига кўпроқ наф етади:

*Нафбинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзунга кўпрак дурур.*

Яхшилик қилиб яшаш — бахт. Уни ҳамма ҳам қилолмайди. Яхшилик қилолмаган одам ёмонлик ҳам қилмас, шунинг ўзи яхшилик қилиш билан тенг.

Навоий талқинича, дунёда бировга ситам етказиш, унинг қалбига озор бериш — ёмонлик нишонаси. Ёмонликнинг жазоси қаттиқ бўлади. “Фарҳод ва Ширин”да шундай байт бор:

*Бировгаким бировдин етти офот,
Ҳамоноким қатиғроқдур мукофот.*

Шоир “Хамса”да кўп ўринларда ана шу “офот” — ёмонликнинг натижаси — “мукофоти”ни кўрсатиб ўтади. Бу жазонинг мезони қандай? Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да “бир ришта”ча — кичик, ингичка ипча зиён етказишнинг “меvasи”ни муносиб нисбатлайди. Ана шу озор илон бўлиб қайтади. “Ришта” — кичиклик, озлик. Кимгадир берилган азобнинг миқдори. Унинг кўриниши, шакли илонга ўхшаб кетади. Аммо илон — совуқлик, зиён, қўрқув тимсоли:

*Кимгаки бир ришта еткурдинг зиён,
Қатлингга ул риштани билгил йилон.*

“Бир ришта”нинг (кичиклик) катта нисбати “йилон”. Навоий баъзи байтларда ушбу фикрларини яна ҳам кучайтиради. “Ришта — илон”дан “ришта — аждаҳо”га айланади. “Аждаҳо” — ёвузлик, азобу ўлимнинг ифодаси. “Фарҳод ва Ширин” достонида шундай байт бор:

*Бировким риштае узди жафодин,
Эваз тутмоқ керак кўз аждаҳодин.*

Жабру жафо — ёмонликнинг катта узви. Унинг бўлак-бўлакчалари ҳам барибир зиён. Шоир талқинича, бир ришта жафо зоҳир этилса, унинг оқибати жуда қўрқинчли. “Тутмоқ керак кўз аждаҳодин” дейиш — ана шу етажак азобнинг даражаси.

Навоий “Хамса”сида “ришта” кўпгина тушунчаларни нисбатловчи сўз. У озор, тама, қўрқув, айни пайтда гўзаллик ифодаси сифатида намоён бўлади. Юқоридаги байтларда ришта ўзгаларга етказиладиган озорнинг энг кичик шакли тарзида талқин этилиб, ундан келадиган кулфатларнинг беҳадлиги кўрсатилган. Ана шу руҳдаги фикрлар мана бу байтда бошқачароқ баён этилган:

*Бировким тама риштае қилғуси,
Анинг бирла бўғзидин осилғуси.*

Умуман, “Хамса” инсонийлик, комиллик, маънавий етукликдан сабоқ берувчи ўзига хос қомусдир. Унда ёшу қари, эркаку аёл — ҳамма-ҳамма учун ўғит бўладиган, ҳаёти давомида амал қилиши зарур бўлган кўпдан кўп сабоқлар ўз ифодасини топган. Уларни ўрганиш ҳар биримизнинг бугунги кундаги муҳим вазифаларимиздандир.

Тоҳир ХУЖАЕВ,

Навоий давлат педагогика институти доценти.

“Парим бўлса учиб қочсам...”

Ҳар қандай улуғ санъаткорнинг шеърида сўз унинг ўзи акс эттиришни истаган фикр ва туйғудан бир неча ҳисса ортиқ маъноларни ифодалайди. Шунинг учун ҳақиқий шеърнинг ғоявий-бадий таркибида ҳамиша нималардир сир бўлиб, аллақандай маъно гавҳари яширинлигича қолаверади. Энг зукко шеършуноснинг ҳам таҳлил имконияти чекланган. Чунки у ҳар қанча уринмасин, сўзнинг мажозий моҳиятини барча ранг, оҳанг товланишлари билан идрокдан ўтказа олмайди. Бирданига бир неча рамзий мажмуаларни таркибига бирлаштира олган шеър — чинакам шеър. Навоийнинг:

*Парим бўлса учуб қочсам улусдан то қанотим бор.
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор,*

— дея бошланувчи ғазали шу даъвонинг ёрқин исбо-

тидир. Уни ўқиган бугунги ўқувчи қандай хулосаларга келади. Тахминан бундай: Шоирни “улус” жуда бездирган эканда, қанот чиқариб қочишни кўзлабди. Шоҳ унга илтифот кўрсатганида, балки у «халойиқ суҳбатидин минг ғам»га гирифтор бўлмасмиди. Бунга сабаб ўша жаҳолатли замон, адолатсиз феодал тузум ва ҳоказо.

Ҳазалнинг шахс ва замон ўртасидаги зиддиятлардан мулоҳаза кўзгагани яхши, албатта. Лекин бу шоирнинг қўлига қалам тутқазган асосий дард ёки бош мақсад эмас.

«Парим бўлса» демоқ билан одамда пар пайдо бўла қолмайди. «Учуб қочсам» дейиш улусдан қутулиш чораси эмас. «Қанотим куйса...» Дарвоқе, қанот нимадан куяди? Куёш оташиданми? Йўқ, қалб куёшининг нуридан. Навбатдаги байтни ўқиб англаймизки, лирик «Мен» «Парим бўлса учуб қочсам...» дея асоссиз сўзламаган экан! Унга самога учган Исо пайғамбар ўрнак. У Исога ҳамнафас бўлмоғни истайди:

*Чиқиб бу дайрдин Исога нечун ҳамнафас бўлмай,
Биҳамдиллаҳ, тажарруд бирла ҳимматдин қанотим бор.*

Дайрдин чиқмоқ — бу дунёни тарк қилмоқ. Аммо “нобакор олам”дан баланд кўтарилиш учун ҳам қанот керак. Шу маънода тажарруд — воз кечиш ва ҳиммат тилга олинган.

Дийдорталаб ошиқларнинг суҳбати — илоҳий суҳбат. Улар учун, Ибн Арабий айтмоқчи, жимлик ва сукут орифликнинг олий белгиси, негаки, “билган гапирмай, гапирган билмайди”. Ҳақиқий ишқ аҳлининг икромига кўра, “Қай ерда тинчлик бўлса, Ҳақ ила бирлик бўлар”. Халойиқнинг ўткинчи манфаатларга дахлдор машмаша ва ғавғолари ана шу хаёлий бирликка халал беради.

*Халойиқ суҳбатидин минг ғамим бордурки, муфт ўлғай,
Агар минг жон бериб билсамки, бир ғамдан нажотим бор.*

“Халойиқ суҳбатидин минг ғам” исканжасида қолган киши нажот тилаши табиий. Аммо бу “минг ғам”дан биттасида ҳам нажот йўқ. Агар бўлганида текинга “минг жон бериб” бўлса-да, уни билиш мумкин.

*Чекиб агёрдин юз жавру тортиб ёрдин минг ғам,
Не ўзга халқдин ғайрат, не ўзимдин уётим бор.*

Биринчи мисрада гап ёр ва агёр ҳақида. Агёр — душман ёки ғаним. У юз жавр кўрсатган бўлса, ёр ёхуд дўст минг ғам етказган. Шу боис ўздин ҳам, “ўзга халқдин” ҳам узоқлашилган.

Навоийнинг “Чекиб агёрдин юз жавр...”, дейиши, бу — “нафси золим”га тегишли. “Ёр” эса вужуди мутлақдир. Нафсни енгиш — “ўзлик иморатин” бузиш. Акс тарзда “Не ўзга халқдин ғайрат, не ўзимдин уётим бор”, дейиш ҳолатига кўтарилиш имконсиздир.

*Кечиб кўздин ёзай бир хатки, даҳр аҳлиға кўз солмай,
Бу дамким кўз саводидин қаро, кўздин давотим бор.*

Нега кўздин кечиб «бир хат» ёзиш керак? Фақат «даҳр аҳлиға кўз солмаслик учунми? Йўқ, албатта. «Жон кўзи» Ёрни кўриб, «Дил ондин хабар» бергач, хусн шавқи жон ичинда жойлашиб, «кўнгилни арш» айлайди.

*Тилар кўнглим қуши Анқодин ўтса нори юз водий,
Мунингдек сайр этарга Қофдин ортуқ саботим бор.*

Бу икки мисрада фано водийсига сайр эътиборда тутилган. Чунки Анқо қушидан ҳам “нори юз водий”га ўтишга аҳли фаногина қодирлигига Навоийнинг ўзи бир ўринда гувоҳлик берган:

*Уруж истар эсанг, бу дайр ичинда фоний ўлғилким,
Малак узра қадам босиб ўтар ақли фано густох.*

Демак, шеър қаҳрамонининг анқо манзилидан ҳам «нори юз водий»га сайр этарга саботи етарли. Ахир, унинг кўнгли «фано кучидин зўрбозу» истаётир. Ғазалнинг сўнгги байтини ўқиймиз:

*Навоий, билки, шах кўнгли манга қайд ўлмаса, биллаҳ,
Агар кавнаинга хошок чоғлиғ илтифотим бор.*

Профессор А. Ҳайитметов мазкур ғазал шоирнинг йигитлик вақтида яратилганига таяниб, ўша шоҳ «Навоийга душманлик назари билан қараб, унга Ҳиротда кун бермаган золим Абу Саид эди. Унинг даврида Навоий Ҳиротда ниҳоятда қийналиб, бир пулга зор бўлиб,

туришга уйи йўқ, ейишга овқати йўқ ҳолда яшайди... Ҳиротдаги хушомадгўй феодаллар подшонинг Навоийга муносабатининг ёмонлигини билиб, унга нисбатан яхши қарамаганлар. Натижада, шоир юқоридаги ғазалда тасвирланган аҳволга тушган ва охири Ҳиротдан кетиб қолган», деб ёзади. Ғазалдаги умумий руҳ, мистик кечинмаларнинг бағоят қуюқлиги, сўз ва оҳангдаги ғамгинлик шундай хулоса чиқаришга асос беради. Аммо ғазалнинг ғоявий-бадиий мундарижаси бошқа мулоҳазаларни ўртага ташлашга ҳам монелик қилмайди.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
навоийшунос олим.

ҲИКМАТЛАР

- * Кимки кўнгилни қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга аччиқ тил заҳарли найзадек санчилади. Кўнгилда тил найзасининг жароҳати битмас; у жароҳатга ҳеч нарса малҳамлик қилмас.
- * Агар бир кўнгилда тил найзасининг жароҳати бордир, фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир. Мулойим сўз — ваҳшийларни улфатга айлантиради; сеҳргар — оҳанг билан афсун ўқиб, илонни инидан чиқаради.
- * Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз. Кўп, бемаза сўзлайдиган эзма — кечалари тонг отгунча тинмай ҳурадиган итга ўхшайди. Тили ёмон одам — халқ кўнгилни жароҳатлайди, ўз бошига ҳам офат етказди.
- * Нодоннинг ваҳшийларча бақирмоғи — эшакнинг бемаҳал ҳанграмоғи. Хушсухан одам юмшоқлик билан дўстона сўз айтади; кўнгилга тушиши мумкин бўлган юз ғам — унинг сўзи билан даф бўлади.
- * Сўзда ҳар қандай яхшиликнинг имкони бор, шунинг учун ҳам айтадиларки; «нафаснинг жони бор...»
- * Ўзи хунук, гапи бемаъни, овози ёқимсиз одам қурбақага ўхшайди. Бахт бағишловчи тоза руҳ манбайи ҳам тил; ёмонликлар келтирувчи наҳс юлдузининг чиқар жойи ҳам тил. Тилини тиёлган одам — донишманд оқил; сўзга эрк берган одам — беандиша ва пасткаш. Тил ширин ва ёқимли бўлса яхши; тил билан дил бир бўлса яна яхши. Тил билан дил — инсондаги энг яхши аъзолардир. Бўстонда — гулсафсар, гулгунча ва райҳонлар энг ёқимли гуллардир.



Х О Р И Ж Д А Ҳ А М А Р Д О Қ Л И

- * Алишер Навоийнинг шоҳ асари “Хамса” жаҳон адабиётида ўзининг муносиб ўрнига эга. Навоийнинг “Хамса” асари таркибига кирган “Сабъаи сайёр” дostonи асосида XVII асрда грузин шоири Нодар Цициашвили “Барамгуриани” асарини яратган. Шоир Навоийнинг ушбу dostonини Низомий ва Хусрав Деҳлавийларники билан қиёсий ўрганиб, уни онгли равишда ўзининг келажак асари учун асос қилиб олади.
- * Ҳиндистонда Алишер Навоийнинг асарлари таржималари орасида кенг тарқалгани “Мажолис уннафоис” асаридир. У форс тилига бир неча бор ағдарилган. Бу ишда дастлаб Султон Муҳаммад Фаҳрий (1521 й., Ҳирот), Муҳаммад Қазвиний (1523 й., Истанбул) ва Шоҳали Абдулали (1598 й., Нишопур) хизматларини таъкидлаш керак. Изланишлар шоирнинг бу асари Ҳиндистонда ҳам таржима қилинганлигини кўрсатмоқда. Бу хайрли ишга Абдулбоқий Шариф Вафо қўл урган. У мазкур асарнинг 1491 йили кўчирилган нодир қўлёзмасидан фойдаланган ҳолда унинг форс тилига таржимасини муваффақиятли амалга оширган.
- * XVI асрнинг охириларидан XVII асрнинг бошларигача Навоий асари итальян тилида 4 марта, немис тилида 5 марта чоп этилган. Булар орасида “Фарҳод ва Ширин”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Маҳбуб ул-қулуб” асарларидан немис тилига ўтирилган асарларни таъкидлаб ўтиш жоиздир.
- * Немис олими Альфред Курелла Навоий ижодига юксак баҳо бериб шундай илиқ сўзларни айтган экан: “Буюк новатор Навоийнинг dostonлари, рубоий ва эпиграммаларида тараннум топган озод руҳга Гёте бутун шодлигини бахшида этган бўлур эди”.

Рубоийлар

Олам бор эмиш, Навоӣё, шўрангиз,
Оламдағи эл боштин-аёғ рангомиз.
Ишқ истар эмиш сени адам Мисри сари,
Борғилки, эрур эл тилаган ерда азиз.

* * *

Номангки, тириклигимдин улдур матлуб
Очиб ўқуғач бир неча лафзи марғуб,
Кўп тўлғаниб ашк ичра ўзумдин бордим,
Ул навъки, су ичига тушкай мактуб.

ИСТАНГИЗ

Истаганлар, бизни саҳрои балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти фанода истангиз.

Вомиқу, Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро
Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул арода истангиз.

Юз аларнинг ишқича дарду, балоу ғуссага
Толиб ол бошига қолган можарода истангиз.

Эйки, истарсиз саводул важҳ фиддорайндин,
Бохабар бўлмоқ мени юзи қарода истангиз.

Кўнглум ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.

Нуқта янглиғким, вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.

Оғзи шавқидин Навоӣй итти, они истар эл
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.

ҲИКОЯТЛАР

Мажнунни даштда бир киши учратиб қолди. У ўзи билан ўзи сўзлашмоқда эди. У киши Мажнундан сўради:

— Сен ким билан сўзлашмоқдасан?

— Эй бахтли одам, мен Лайли билан сўзлашмоқдаман, — деб жавоб берди Мажнун.

— Ахир у сендан жуда узоқда-ку!

— Эй ғофил, у менинг жонимдан ўрин олган! Уни ёдга олиш жонимга озиқ бағишласа, йўл йироқлиги учун уни унута оламанми?

Кимки ишқда камолот касб этса, унинг вужудида маъшуқ ёди мужассамлашган бўлади. Агар сиз ҳам ишқ борасида лоф урмоқчи бўлсангиз, ундан сизга дард келса ҳам шодлик ўрнида қабул этинг!

* * *

Басра шаҳрида бир очкўз киши бор эди. У нодонлик билан олтин-кумуш йиғишга муккасидан кетган эди. Ҳотам Той саховат ва қарам кўрсатишда қанча ном қозонган бўлса, у динор ва дирҳам йиғишда ундан машҳурроқ эди. Ушбу хасис ва пасткаш киши кўп машаққат чекиб битта-битталаб кумуш йиғар эди. У катта бир хазина тўплагач, уларни ер тагига кўмди. Бу тубан-табиат яна шунга тенг келадиган бойликни тўнига гир айлантириб тикиб олган эди. Яширган беҳисоб олтинлари ўша шум ҳирсли кишининг кўзига ҳатто кундуз кунлари ҳам осмонда ярақлаган юлдузлар каби кўринар эди. У ўзича, танимга қувватгина эмас, балки жонимга сихат ҳам ана шу олтинларим туфайли, деб ўйларди.

Иттифоқо, бир куни у савдо-сотик қилиш учун дарё соҳилига келди. У ерда савдо қилган молидан тушган ҳаром пулларга таом олиб еди. Шундан сўнг, қолини ювмоқчи бўлиб дарё лабига энгашди. Аммо тўнига тиккан олтинлари оғирлик қилиб, уни сувга тортиб кетди. Хасис киши ана шу ёмон феъли туфайли дарёга чўка бошлади. У сувдан чиқмоқчи бўлиб, изтироб билан чунон талпинар, биров келиб қутқарар, деган умидда бақириб-чақирар эди. Аммо одамлар ёрдамга етиб келгунга қадар у дарё тубига чўкиб бўлди. Чунки унинг

олтиндан бўлган лангари беҳад оғир эдики, шу сабабли у сув тубида садаф ичидаги гавҳардек қолиб кетди.

Унинг жонига офат етказган нарса, албатта, ўзи йиққан симу зар эди. Шунингдек, унинг яшириб қўйган хазинаси ҳам талон-торож бўлди. Олтин-кумуш йиғиш оқибатда ана шундай мудҳиш воқеа билан тугади. Сен бундай жирканч ишлардан қўлингни торт! Уларга зинҳор майл кўрсатма, чунки бу фано денгизи — дунё доимо даҳшатли тўлқин уриб туради.

“Лисон ут-тайр” (насрий баёни) дан.

Саховатпеша ва адолатпарвар

Алишер Навоий ҳазратлари оталаридан мерос мол-мулклари ва ўзларига давлат амалдори сифатида ажратилган ерлардан келадиган даромад ҳисобидан (ҳазратнинг мол-мулк ва ерлардан келадиган даромадлари кунига 18 минг шоҳрухий динорни ташкил қиларди) Ҳиротда «Ихлосия» мадрасаси, «Халосия» хонақоҳи, масжиди жомеъ, «Шифоия», «Низомия» мадрасаларини, шу каби Марвда «Хисравия» мадрасасини, Ҳиротдан ташқарида «Работи ишқ», «Работи санг», шоир Аттор қабрига мақбара, Нишопур шаҳри атрофидаги жойлардан бирига «Работи яздобар», Гулист булоғидан Машҳад томон саксон чақирим узунликдаги ариқ қаздириб, шу ва бошқа ариқларга ўн олтига кўприк барпо эттирган.

Ҳотамтой шоир фақат ана шу иншоотларни бунёд қилибгина қолмай, мадраса, масжид, хонақоҳларда яшовчи талабалар, бева-бечора, етим-есирларнинг ҳам моддий эҳтиёжларини таъминлаб турганлар. Масжид ва мадрасага ажратилган ерлардан келадиган даромад эвазига талабаларга нафақа, ишчиларга маош, кундалик озиқ-овқат, кийим-кечак бериларди. Мадраса ва масжидда яшовчилар энг биринчи шарт — ободончилик, тозалик, саранжом-саришталикка қатъий риоя қилишарди. Қиш фаслида қор ёрса ёки теварак-атрофдаги ариқлар балчиқ ва қум билан тўлиб кетса, тозалаш ишларига талабалар эмас, фаррош, ходимлар жалб этилган ёки мардикор ёлланган. Талабаларни дарсдан қолдириб жамоат ишларига жалб этиш маън қилинган.

Навой ҳазратлари бунёд эттирган ҳар бир мадраса талабалари учун юзта пўстин, юзта тўн, юзта чакмон, юзта кўйлак, юзта тўнбон (чолвор), юз жуфт кавуш улашарди. Шу каби уларнинг уй-рўзгор анжомлари — кигиз, полос, бўйра, ёритқич шамлар учун тўрт юз олтин пул сарфланган.

Саховат ва мурувватлиликда ҳотамтой бўлган Навоий ҳазратлари тўрт юз элик ботмон (57600 кг.) бугдой, икки юз етмиш ботмон (34560 кг.) нон, ўттиз ботмон (3840 кг.) чалпак, бир юз ўн ботмон (14080 кг.) ҳолва, тўққиз юз товоқ узум шинниси ёки мавизоб, бешта қорамол, ўнта кўй ва ботмон-ботмон гўштни мадрасадагилар учун инъом қилардилар. Бундан ташқари, қиш фаслида янада кўпроқ саховат кўрсатиб, ҳар куни йигирма ботмон (2560 кг.) нон, уч тангалик гўшт, агар гўшт топилмаса, гўжа оши пиширтириб берардилар.

Ҳазрат ўзлари барпо қилдирган иншоотларини қурган усталарни ҳам тақдирлаб юрардилар. Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ» асарида бу тўғрида шундай ёзади: «...Ушбу жаннатмисол масжидни безаш ва пардозлаш ишлари поёнига етгандан кейин, 905 йил шаъбон ойининг ўн тўртинчиси чоршанба (1500 йил 13 март) куни талбир эгаси Амир Алишер ош тортиш маросимини ўтказиб, хатиб, имом воизлар, қорилар, мутавалли, ходимлар, усталар ва иморат ишчилари бу маросимга чақирилиб, зиёфат маросимлари амалга оширилди. Қарийб юз кишидан иборат гуруҳнинг қобилиятли қоматлари қимматбаҳо пўстинлар, аъло тикилган чакмонлар ва бошқа хил либослар билан безатилди.

Шундан кейин бу табаррук мақомнинг томи юзасини мустаҳкамлаш ва чидамлилигини оширишга ишора қилди. Иморат ишчилари асбоб-ускуна тайёрлаш, усталар эса уларни ишга солишга киришиб, бир оз вақт ичида сони тахминан ўн тўрт жариб миқдордаги бино томларини икки қаватли қилиб ёпиб, устини сомонли лой билан сувадилар, кўнгилни бу ишлардан батамом фориғ қилдилар. Шу пайтда ҳидоятли Амир яна бир тўй керак-яроғини ҳозирлаш тўғрисида қайта-қайта фармон берди. Фармонбардорлар бу ишга маш-

ғул бўлиб, бу чақириққа эллик бош қўй ва тўққиз бош от сарфладилар...»

Хондамир мазкур асарининг бир бўлимида Навоий ҳазратларининг хайр-саховатларини яна бир бор қаламга олиб ўтади: «Ул ҳазрат Навоий мазкур йилнинг шаъбон ойи ўрталари (1499 йил март ойи охири)да яна бир бор фахрли шаҳар Ҳиротни ўзининг муборак чеҳраси билан нурга тўлдирди. Шу сабабдан, машойих, саййид ва олимлардан тортиб, барча аҳоли ва фуқаро гоятда шоду хуррам бўлдилар. Шу аснода ҳидоятли Амирнинг қўнгли Ансория остонасида катта йиғин қилиб, Ҳирот шаҳри улуғларини меҳмон қилишни, улардан фотиҳа сўрашни тилаб қолди. Мулозимлари чақириқни тартибга солиш ишлари билан шуғулланиб, етмиш беш қўй, йигирма бош от ва ўттиз ботмон қанд сарфладилар. Бошқа харжларни шунга қиёслаш лозим...»

Навоий ҳазратлари эл учун шу даражада фидойилик қилардиларки, мурувват истаб келган ночор фуқаро, масжид, мадраса, хонақоҳда яшаётган кишилар ёзда қум чанги, қишда лойда юришдан қийналмасин, деб йўлларга тош ҳам ётқизганлар. Шу тариқа, Мир Алишер келаётган даромадларни, бор мол-мулкларини илму фан, маърифат ишларига, эл ободлиги-ю, равнақига сарфлар эдилар.

Умид БЕКМУҲАММАД

Ҳикматлар

Одабий эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

* * *

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

* * *

Билмагани сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

* * *

Кимки фалак сари отар тошни,
Тош ила озурда қилар бошни.

Муҳаббат тилсими

Деди: Қайдин сен, эй мажнуни гумроҳ?
Деди: Мажнун ватандин қайда огоҳ.

Деди: Недур сенга оламда пеша?
Деди: Ишқ ичра мажнунлуқ ҳамеша.

Дедиким, ишқ ўтидин де фасона!
Деди: Куймай киши топмас нишона.

Дедиким: Куймакингни айла маълум!
Деди: Андин эрур жоҳ аҳли маҳрум!

Деди: Қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?
Деди: Рух эрмас эрди танға пайваст.

Дедиким: Дилбарингнинг де сифотин!
Деди: Тил Ғайратидин тутмон отин.

Деди ким ишқига кўнглунг ўрундур,
Деди: Кўнглумда жондек ёшгурундур.

Деди: Васлига борсен орзуманд
Деди: Бормен хаёли бирла хурсанд.

Деди: Кўксунгни гар чок этса бебок?
Деди: Кўнглум тутай ҳам айла деб чок!

Деди: Бу ишқ тарки ихшироқдур!
Деди: Бу шева ошиқдин йироқдур!

Дедиким: Шаҳға бўлма ширкат андеш!
Деди: Ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш.

Деди: Кишвар берай, кеч бу ҳавасдин!
Деди: Бечора, кеч бу мултамасдин.

Нечаким бўлди мушкул сўз хитоби,
Басе осон анга етди жавоби.

“Фарҳод ва Ширин” достонидан

Не десанг, чин дегил

Мана беш юз йилдан ортиқ муддатки, Алишер Навоий халқ фаҳри, тилимизнинг байроқдори, шеърият мулкининг султони, маданият ва маънавияти-мизнинг порлоқ қуёши бўлиб келмоқда. Навоийга ўхшаш шоирлар тасодифан дунёга келмайди. Бунинг учун жуда яхши шаклланган ижтимоий-маданий муҳит ва ривожланган иқтисодий-сиёсий шароит зарурдир. Навоий ўн бешинчи аср фарзанди. Лекин унинг ижодий шахсияти Амир Темур асос солган буюк салтанат билан, шу салтанатдаги маърифий-маънавий кўтарилишлар билан чуқур боғлиқ.

Амир Темур Мирзо Улуғбек тақдирида қанчалик муҳим ролни бажарган бўлса, темурийзода Ҳусайн Бойқаро ҳам Навоийнинг Навоий бўлишига алоҳида ҳисса қўшган. Шунинг учун Амир Темур ҳукмронлиги даврларида шаклланган ва ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида ибратли натижалар берган давлатчиликдаги бирлик туйғуси Навоийни кўп илҳомлантирар эди.

Навоий фикри очик, руҳонияти соғлом, тўғрилик, ростлик ва ҳақиқатни умр моҳияти деб билган эл учун ижод қилиш заруриятини чуқур ҳис этган. Сўз билан одамни алдаш, сўз билан ёлғонни ҳақиқат-

га айлантиришга уриниш миллат манфаати учун катта зиён ва кечирилмас қабоҳат эканлигини Навоий ҳар нарсадан ортиқроқ тушунган. Улуғ шоир бутун ижодиёти мобайнида «Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил», деган талаб ва шиоридан мутлақо чекинмаган. Бу – ижод тажрибасида жуда сийрак учрайдиган ҳодиса.

Навоий ўн бешдан зиёд шеърӣй шаклларда қалам тебратган. У ғазал, рубоӣй ва бошқа турдаги шеърларида инсонга хос жамики ғўзал ҳис-туйғулар, эзгуликка чорловчи маъноларни тасвирлаб берган десак муболаға бўлмайди.

Навоийнинг ўзбек тилида илк маротаба «Хамса» яратиши чинакам ижодий жасорат эди. «Хамса» – беш улкан дostonни ўз ичига олган мукамал асар. Ҳар dostonнинг ўзи бир оламдирки, ундаги ғоялар, ҳақиқатлар, неча ўнлаб қаҳрамонлар тақдири инсоният қалбини абадула-бад завқлантиришга қодир. Алишер Навоийнинг буюклиги ва халқимиз тарихидаги хизматлари мутафаккир шоирлиги билангина белгиланмайди, албатта. Навоий бадиӣй ижод жаҳҳасида қанчалик тенгсиз бўлса, илмда, яъни олимликда ҳам шунчалик беназир.

Алишер Навоийнинг ғазалларидан бирида шундай гап бор:

*Дедим: Назм аҳлининг сархайли ким бўлғай? Деди хотиф:
– Навоий бўлғай, улким сен тилайдурсен агар бўлғай.*

Ўша хотиф – ғойибдан овоз бергувчи адашмаган: Навоий чиндан ҳам шоирларнинг сардори, туркий шеърӣятнинг султони дир. Алишер Навоий шеърӣяти санъаткорликнинг буюк мактаби.

Ёшларимиз Навоийни қанчалик чуқур ва пухта билса, маърифат, эзгулик, комиллик сирларини шунчалик кенгроқ эгаллайди. Навоийнинг сўзлари дилига ўрнашган одам, ўзи истасин-истамасин одамийлик шарафи ва куч-қувватини идрок этади. Навоий сабоқларига амал қилган киши ўз-ўзидан халқ дарду ташвишларини енгиллатишга бел боғлайди, фикрни – фикрсизликка, илм-маърифатни – нодонлик ва жаҳолатга қарши қурол ўрнида ишлатади.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,
навоийшунос олим.

“...Гуҳари шарифроқ йўқ ондин”

Мир Алишер Навоийнинг аксарият асарлари, хусусан, “Хамса”даги бир неча боблар сўз таърифига бағишланган. Уларни мутолаа қилар эканмиз, сўзнинг қудрати, таъсир кучи, жилвасига алоҳида урғу берилганлигига гувоҳ бўламиз. Шоир, аввало, ҳаёт моҳияти ҳисобланган тўрт унсур: сув, ҳаво, олов, тупроқнинг ҳам, етти қават осмондаги етти сайёранинг ҳам сўз туйфайли вужудга келганини таъкидлайди:

*Тўрт садаф гавҳарнинг дуржи ул,
Етти фалак ахтарининг буржи ул.*

Инсонни ҳайвонот олаmidан фарқловчи асосий белги ҳам сўз эканлигини айтади:

*Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.*

Шундай экан, сўз гавҳарининг шарофати шунчалар юксакки, унинг қаршисида энг қимматбаҳо нарсалар ҳам қадрсизланади:

*Сўз гуҳариға эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.*

Дарҳақиқат, сўз — боқий, азалий ва абадий. Уни қанча қўлласангиз, истифода қилсангиз, шунча сайқаллашади. Навоий бу жараённи олам аҳли куёшдан фойдаланган билан унинг нури тугамаслиги, денгиз сувига игнани ботириб ёки намлаб олган билан у камаймаслигига ўхшатади:

*Олам эли зарра йиғса жовид,
Нурини кам айлағайму хурийд.
Игна учи била жазб этиб нам,
Ким баҳр сувини айлағай кам?*

Сўз инсоннинг дилидагидан, кимлигидан далолат берувчи нишонадир. Буни Алишер Навоий бир неча тимсоллар воситасида исботлайди:

*Ғунча оғизлиқ санами нўшлаб,
Сўздан агар айласа, хомўш лаб,
Лаъли майи ақлни маст айласа,
Маст неким, бодапараст айласа.
Сурат ила бўлса маҳи осмон,
Сурати девор ҳамон, ул ҳамон.*

Бошқа бир маҳбуба гарчи қамар рашкини келти-
рувчи чиройга эга бўлмаса ҳам, киприклари саф торт-
маган, ўзи ғамздор кўринмаса ҳам такаллум пайтида
аччиқ сўзга ширин жавоб қайтарса, у барчани ўзига
мафтун эта олади:

*Гар чиройи рашки қамар бўлмаса,
Лаъли лаби тунги шакар бўлмаса,
Айламаса ғамзани новакфидан,
Қилмаса кирпик сафини сафшикан,
...Лек такаллум чоғи айлаб итоб,
Талх ҳадис ўлсаву ширин жавоб,
...Барчасидин ҳазм этар аҳли уқул,
Гар худ узоқ чекса бўлурлар малул.*

Хуллас, сўз — дунёнинг энг буюк мўъжизаси, олам-
нинг ибтидо ва интиҳосидир. Шу маънода Алишер На-
воий асарлари бизни дунёнинг энг сирли мўъжизаси
ҳисобланган сўзга эҳтиёткорлик ва масъулият билан
муносабатда бўлишга, уни қадрлашга чорлайди.

Сиддикжон МЎМИНОВ,
филология фанлари доктори.

“Кимки ишқи пок эрур”

Киши агар бировни жуда қаттиқ, яъни чин юрак-
дан яхши кўрса, севгисини тил билан изҳор этиши
ўта мушкул. Шу боис қанчадан-қанча ошиқлар севги-
лисига етолмай армонда қолган. Бу янглиғ асл туйғуни
— муҳаббатни одатда хайрли, табиий ҳаракатлар, эзгу
амалларгина ифода этишга қодир.

Навоий ҳазратларининг бир ғазали шундай бошла-
нади:

*Оразин кўрдим ниҳон, ашк айлади сирримни фош,
Ёшурун қалмас ўғурлик уй ароким бўлса ёш.*

Яъни, шоир таърифлаётган ошиқ ҳам ўз севгисини
маҳбубасига айтолмайди, бошқалар тугул, ҳатто, энг
яқин сирдошидан ҳам пинҳон тутати. Сабаби — муҳаб-
бати чин. Фикру ўйи ўша паривашда. Унинг висолига
етиш, ҳеч бўлмаса жамолига бир кўз солмоқ орзусида

жони озорда. Кўз юмди дегунча хаёлида унинг чеҳраси намоён. Соғинч ҳамда айрилиқ дардидан кутилмаганда киприклар орасидан томчилар қалқади. Ана холос! Қанчалик яширмасин, худди ёш бола бор уйда ҳар қандай сир тезда ошкор бўлгани сингари ниҳоят ошиқлик ҳам фош бўлди. Бироқ бу аломатлар хайрликдир.

Одатда савобга дохил амаллар, дейлик хайру эҳсону мурувватлар овоза этилмайди. Муқаддас зиёратлар пеш қилинмайди. Акс ҳолда у чин эмас. Қолаверса, миннат ҳамдир.

Шуларни назарда тутган ҳолда ҳазрат Навоий яна бир ғазалида ҳақли равишда

*Ул пари ишқида эрмасдур малоийик маҳрашим,
Кимки ишқи пок эрур, сирри анинг пинҳон керак,*

дея уқтирадилар.

Отабек ИСМОИЛОВ,
*Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*

Қитъалар

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

* * *

Биравки, жабҳасида чин эрур тута олмас
Мурод шоҳидининг соидини коми била.

Агарчи фаннида соҳиб камол эрур сайёд,
Қачон балиғ тута олғай сув мавжи доми била?

* * *

Ул турфа қуш ҳавосида кўз тўкти дурри ашк,
Жон ёйди риштасин анга айлаб ҳавойи қайд.

Лекин гар инжу сочса киши дона ўрниға,
Товусни қачон қилур ўргамчи доми сайд?

Рубоийлар

Номангким, эрур боиси иқболу тараб,
Еткурса тараб мени ҳазинга, не ажаб?
Ёлғуз мендин кетармади ранжу тааб,
Ким бўлди бaсе халқ ҳаётига сабаб.

* * *

Бир айбга гарчи халқ қилғай мансуб,
Фақр аҳлидин изтироб эмастур маҳсуб.
Сидқ эрса худ этмак керак ўз феълини хўб,
Кизб эрса маломат доғи бордур матлуб.

* * *

Сув кўзгусини боғ аро айларда шитоб,
Сиймоб қилур эрди таҳаррук била тоб.
Дай қилди бу симобни андоқ кўзгу,
Ким кўзгу анинг қошида бўлғай сиймоб.

* * *

Эй улки, сўзунг тушти ҳабиб оллида хўп,
Мендин йўлига бошинг қўюб, туфроғин ўп.
Аҳбобга ҳам бирин-бирин хизмат этиб,
Арз айла, ниёз ила дуо кўптин-кўп.

Деҳқонлик зикрида

Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар. Агар ростлиқ ва салоҳи бордур, ўйи Солиҳ ноқасидин намудордур. Қўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкига бўюн сунуб олида равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, деҳқон аларни суради андоқки Одам. Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракот, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракот.

Деҳқонки, тузлук била дона сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочқон дона кўкаргунча, ўруб хирмон қилиб, маҳсулин кўтаргунча қурту қуш андин баҳраманд ва дашт ваҳши анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод ва гўрлар хотири анинг била шод. Кабутарларга андин мастлиқ, тўрғайларга андин нишотга ҳам-

дастлик. Ҷуроқчиға андин рӯзи, бошоқчининг ёруб андин кўзи.

Барзагарға андин ком ҳосил, пуштакашға андин мурод восил. Гадо андин тўқ, кадхудо тўқлуғи ҳам андинўқ. Мусофирға андин таом, мужовирға андин ком. Ўтмакчи танури андин қизиқ, аллоф бозори андин иссиқ. Фуқаро ризқи вофий, ғурабо қути андин кофий. Зоҳидға андин ҳузури тоат, обидға андин лофи қаноат. Сойил харитасида андин муҳайё ақтои, шоҳ хизонасида андин баҳру кон матои.

Деҳқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур. Боғи жаннатдин намудор, полизида руҳ қути падидор. Ашжорининг ҳар бири чархи ахзар, ул шажар ва раёҳин ва фавоқиҳи нужум ва ахтар. Фуқаро сирка ва душоби андин, ағниё нуқлу майи ноби андин.

Гуногун фавоқиҳ билаким боғда тазйин, чаман мулкида боғланиб таъбия ва ойин.

Мундоқ киши керакки, бухдин муарро бўлса ва кизбу имсоқдин мубарро. Шоҳ молин берурдин ибo қилмаса ва забун шерикка жафо қилмаса, то донаси дурри саодат бар бергай ва тухм сочиб, анжуми улувви рифъат тергай. Мундоқ деҳқон Одамнинг фарзанди халафидур, балки марзуқлар анга фарзанд ва ул Одами сафийдур.

*Кимки деҳқонлиғ айлади пеша,
Дағи нон бермак ўлди анга шиор.
Буйла кимса улувви рифъатдин.
Одам ўлмаса, одамий худ бор.*

“Маҳбуб ул-қулуб”дан

Асарлардан сатрлар

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам.

Тўрт девон бирла назми панж ганж,
Даст берди чекмайин андуху ранж.

Назму насрим котиби тахминшунос
Ёзса юз минг байт эрди қиёс.

“Лисон ут-тайр”дан.

Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,
Қадам Рум аҳлиға ҳам қилса ранжа,

Чекиб Хусрав доғи тиғи забонни,
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни,

Яна Жомий Ажамда урса навбат,
Арабда доғи чолса кўси шавкат...

“Фарҳод ва Ширин”дан

Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро қодире.

“Садди Искандарий”дан

Қитъалар

...қилганча бордур яхшилиғ

Замонда ҳусн элига жон фидо қилиб, не навъ
Вафони мен киби бир бенаво тамаъ тутқай.

Замона аҳлида йўқтур вафо — не етқай анга
Ки, кимса хўбларидин вафо тамаъ тутқай.

* * *

Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳу эътибор
Ким, анинг зотида бедоду ситам бўлғай қилиғ.

Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса
Ким, ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордур яхшилиғ.

* * *

Чун ғараз сўздин эрур маъни анга,
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини
Кўрма ким дер ани, кўргилким не дер.

“Сабъаи сайёр”да ранглар жилоси

Сўз санъатида турли рангларни эстетик мақсадларда ифода қилиш шоирдан алоҳида истеъдод ва катта маҳорат талаб қилади. Шу жиҳатдан Алишер Навоийнинг шеърляти, хусусан, унинг «Сабъаи сайёр» дostonи ўзбек адабиётида муҳим ўрин эгаллайди.

«Сабъаи сайёр» дostonида ранглар тимсоли Баҳром, Дилором ва етти ҳикояга кирган образларни яратишда муҳим бадиий воситалардан бири вазифасини бажарган ва асар мазмунини янада чуқурроқ ифода-лаш учун хизмат қилади. Рангларнинг ранг-баранг жилолари, айниқса, дostonга кирган етти ҳикояда ўзининг сезиларли ўрнини эгаллаган.

“Сабъаи сайёр”нинг ҳикоялар қисмида биринчи иқлимдан келган дарвеш Қора қасрда шанба куни Баҳромга Ахий билан Фаррух ҳақидаги афсонани гапириб беради. Қора ранг билан шанба куни ва Зуҳал (ёки Кайвон, Сатурн) сайёраси боғланиб, қасрнинг ранги, Баҳромнинг юриш-туриши ва ўша кунги барча воқеалар қора ранг билан тасвирланади.

Бу ҳикояда шоир чуқур қайғудаги Баҳромнинг руҳий ҳолатини тасвирлаш учун ҳамма воқеа ва ҳодисаларни қора рангга бўйайди....

Ҳатто шеърлятда ижобий маънода қўлланиб келинадиган “Қора гесу” (қора соч) каби сўз бирикмалари ҳам салбий мазмунда ишлатилади.

Бошига солиб ул қора гесу,

Ҳар туки сою бир қора қайғу.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» дostonида якшанба кун воқеалари баён қилинади.

Бу сарлавҳада ҳаммаёқ сариқ либосга бурканганлиги таъкидланмоқда. Сариқ рангнинг олтин билан ҳамоҳанг бўлиб товланиши бир неча марта алоҳида қайд этилган. Бунинг асосий сабаби Баҳромга сўзланган иккинчи ҳикоянинг мазмуни олтин билан боғлиқдир. Унда бош қаҳрамон Зайд Заҳҳоб қалбаки тахт ясаб, шоҳ олтинидан бир қисмини ўмариб қолади.

Олтин ранг Навоий талқинида тиниқлик, хурсандчилик ва олижаноблик рамзидир. Олтин рангининг бир оз бўлсада ўзгариши унинг олижаноблик мазмунини бузади, шармандалик ва нафрат уйғотувчи рангга ай-

лантиради. Олтиннинг шундай мазмунда ишлатилган-лигини Зайд Заҳҳобнинг фирибгарликларидан яққол кўрамиз.

“Сабъаи сайёр” дostonининг учинчи куни, яъни душанба куни.

Бу ерда энди ҳамма нарса яшил рангда ифодаланган. Баҳромнинг қадам ранжида қилган жойи Яшил қаср. Учинчи иқлим шоҳи томонидан қурилган. Бу иқлим ҳомийси яшил ранг нур таратувчи ойдир. Душанба куни ҳам унинг номи билан боғлиқ. Қасрдаги маликанинг кўриниши, кийган либослари яшилдир. Унинг қомати ҳам сарв дарахти сингари яшил.

Баҳром ҳам яшил рангга кирган. Шароб бадийи восита орқали яшил рангга ўхшатишган. У яшил ранг билан жилоланадиган зилол суви билан қиёсланади. Жом ҳам яшил, зумрад рангида. У Хизр ичган ҳаёт булоғига ўхшатилади. Хизр сўзининг ўзи ҳам арабча бўлиб «яшил», «яшил бўлиш» маъноларини англатади.

Алишер Навоийда Баҳром сешанба куни тўртинчи қасрда вақтини ўтказади.

Бу ерда ҳамма нарса қизил ранг орқали ифодаланган, қизил рангга хос бўлмаган сўзлар ҳам қизилга мослаб тасвирланган. Баҳром дам оладиган жой — Қизил қаср. Тўртинчи иқлим шоҳи томонидан қурилган. Бу иқлим қизил рангли сайёра Баҳромга мансуб. Марс сешанба куннинг ҳомийси ҳисобланади. Баҳром билан вақтни хушчақчақлик билан ўтказётган гўзал қизнинг либослари ва умуман қиёфаси қизил ранг билан безанган. Унинг гўзаллиги ҳатто қуёш билан қиёсланмоқда, либослар эса қуёш ботаётганидаги шафаққа ўхшатишган. Жомнинг ранги ҳам қизил, ундаги шароб ҳам қизғиш. Баҳромнинг кийимлари ҳам қизил, кўзлари эса майдан қизарган.

Е. Э. Бертельснинг таъкидлашича, Низомий ўз дostonида қизил ранг орқали рус маликасини назарда тутган, чунки, Низомийнинг «Хамса»га кирган сўнги «Искандарнома» дostonида бу ҳақда анча батафсил маълумотлар келтирилиб, улар қизил ранг билан боғланади.

Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» дostonининг кейинги ҳикояси чоршанба куни билан боғланган.

Бу ўринда шоир ҳамма воқеа ва ҳодисаларни кўк

ранг билан безайди. Қаср кўк, унинг гумбази ҳам мовий. Бешинчи иқлимнинг ҳомийси Меркурий сайёраси бўлганлиги учун у ҳам кўк. Чоршанба кунининг рамзий ранги кўк. Баҳром кўк қасрга мовий ранг либос кийиб киради. Унинг атрофидаги ҳамма нарсалар ҳам кўк рангда.

Кейинги кун ҳикоясини Навоий сандал қасрида гапиради:

«Пайшанба куни Баҳромнинг сандалосо хилъат била гулшани сандалбўйда ором тутуб сарви сандал насим билан бодаи сандал шамим ичмак ва ул сандаллар лахлахасидан димоғи муаттар бўлуб кўзи уйқу майли қилмоқ».

Сандал ҳиди таралиб турувчи гулшан олтинчи иқлим шоҳи томонидан қурилган Сандал қасрдир. Бу иқлимнинг ҳомийси Юпитер сайёрасидир. У пайшанба куни билан боғланган. Баҳром ҳам мана шу сандал рангига мослашиб кийинган. Унинг билан вақтни хушчоғликда ўтказаетган малика ҳам сандал либосда. Ундан сандал ҳиди уфуриб турипти. Шароб таъмидан ҳам сандал мазаси келмоқда. Ҳатто Баҳромнинг руҳий ҳолати ва воқеаларнинг кечиши ҳам сандал рангига ҳамоҳангдир.

Еттинчи оқ рангга бағишланган бобнинг сарлавҳаси қуйидагича ифодаланган:

«Одина куни Баҳромнинг кофурий асвоб била мушқин зулфи кофурий либос била тахти ож узра жоми биллуридан бодаи кофур мизож ошом қилғони ва ул кофур қорликдин ҳижрони ўти таскин топиб ўз ғазоли мушқбўсидин хабар топқони».

Алишер Навоий оқ ранг орқали Дилоромнинг Баҳромга бўлган пок севгисини тасвирлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ранглар тимсоли асарнинг бошланишидан то охиригача маълум эстетик тартибда баён этилиб, мақсад бадиий воситалар орқали янада чуқур қилиб ўқувчига тақдим этилган.

Саидбек ҲАСАНОВ,

*ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
Давлат адабиёт музейи директори,
филология фанлари доктори, профессор.*

Рубонийлар

* * *

Гар ошиқ эсанг зебу такаллуфни унут,
Яхшию ёмон ишда тахаллуфни унут.
Ўткан гар эрур ёмон таассуфни унут,
Келган гар эрур яхши тасарруфни унут.

* * *

Ёшимға бағир қони чу эрди монанд,
Кўз асради ёшдек бўлуб андин хурсанд.
Турмади кўзумда етказ ул сарви баланд,
Бўлмас киши фарзанди кишига фарзанд.

* * *

Дедим зақанинг тутуб, сақоғингни ўпай,
Кўз қошингга суртубон қабоғингни ўпай.
Гулдек юзунг ислабон дудоғингни ўпай,
Йўқ, йўқ-йўқ, агар десанг, аёғингни ўпай.



Ватандан яхши ёр бўлмас

*Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.*

Биринчи байтда келган “гурбат”, “ғариб”, “шодмон”, “шафиқ” каби араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларни қўллашда улуғ шоир ғоят маҳорат кўрсатади ва ифодаланиши лозим бўлган ғоявий ниятни қабарик гавдалантиришга эришади. Мисраларни ташкил этган ўша таянч сўзларнинг ғариблик, кимсасизлик, мусофирлик, ўз ватанидан узоқда қолишлик каби маъно жилолари ҳар қандай шеърхонни ҳам ҳушёр торттиради. Мисраларда зидловчи маъно ташувчи сўзлар (шодмон, шафиқ ва меҳрибон) ни қўллаш орқали айтилмоқчи бўлган мақсад янада қувватлантирилади. Яъни ғарибликда, мусофирлик ва дарбадарликда юрган одамнинг кўнглига шоду хурсандлик сиғмаганидек, унинг истиқболига ҳеч қандай меҳру-шафқат ва мурувват ҳам келмайди. Рубойининг иккинчи байтида эса бадииятга алоҳида урғу берилади. Биринчи байтдаги бўлиқ мазмун ўқувчига рангин манзараларда тақдим этилади. Бу байтда ҳам қарама-қарши маъноли сўзларни қўллаш санъатига урғу берилади, айниқса, “олтун қафас”, “қизил гул”, “тикон” ва “ошён” сўзу ибораларини қўллашда бундай уриниш ёрқин намоён бўлади. Қафас кичик жониворларни сақлашга мўлжалланган, хивич, ёғоч, ип ва симдан тўқиладиган хонача. Борди-ю шу хонача тиллодан бунёд этилиб, ичига қалбга хуш ёқадиган, қизил гул қўйилиб, безатилсада, булбулга у манзур эмас. Чунки, бу митти жонивор эркидан, ватанидан узиб олинган ва диққинафас қафасга тиқилади. Бундан кўра булбул учун кенг саҳро бағридаги янтоқзорлар ва уларнинг шохларига мустаҳкамланган инлари ҳар қандай кўркам ошёнлардан минг карра афзал кўринадир. Чунки Ватан тупроғидаги эрк-у озодликнинг ўрнини ҳеч қандай мансабу моддий неъматлар боса олмайди. Айни таъкидни рубойидаги Булбулга нисбатан ҳам қўллаш жоиздир...

Таҳлил этилаётган рубойий ёзилиши тарихи нуқтаи

назаридан улуг шоир ҳаётининг ёшлик даврига тўғри келади. “Ҳазойин ул-маоний”ни тартиб берган муаллиф унга каттагина “Дебоча” ҳам ёзган. Ана ўша дебочада мажмуа таркибини ташкил этган ёшлик ажойиботлари маҳсули бўлган (“Фаройиб ус-сиғар”) шеърларнинг ёзилишини 7, 8, 20; йигитлик даври нодирликларини (“Наводир уш-шабоб”) самарасини 20–35; умрнинг гуллаган даври меваларини (“Бадойи-ус-ва-саг”) 35–45; умр интиҳоси (Фавойид-ул кибар”) фойдаларини 45–60 ёш тарзида белгилайди. Шундай экан “Фурбатла” рубойисининг яратилиши даврини 1448–1449–1468–1469 йилларга нисбат бериш мумкин. Шу ўринда табиий бир савол туғилади:

Рубойида ифодаланган мусофират изтиробларининг боиси нимада?

Бу жумбоқларга жавоб топишда улуг шоирнинг таржимаи ҳолидаги айрим лавҳалар кўмакка келади. XV асрнинг иккинчи ярми бошларида Ҳирот пойтахт Хуросон давлатини эгаллаган темурий Абулқосим Бобур мирзо 1456-йилда ўз қароргоҳини Машҳадга кўчиради ва ўзи билан Ҳусайн Бойқаро ҳамда Алишер Навоийни олиб боради. 1457 йилда тождор тасодифан вафот этади. Бу ўртада Сабзавор вилоятида ҳокимлик қилаётган Алишернинг отаси Фиёсиддин Баҳодир ҳам фоний дунёни тарк этади. Мусибатлар гирдобида қолган умидли шоир Машҳадда қолиб, таҳсилини давом эттиради. Аммо бу йилларни Алишер Навоий тақдири учун мусофират даври деб айтишга асос йўқ, негаки у Хуросон давлати ҳудудида яшаётган эди. Алишер Навоий таржимаи ҳолидаги мусофират даврини аниқлашда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сидаги мана бу ишоралари аниқлик киритиши мумкин. Мазкур шоҳ асарда муаллиф Алишер Навоийга доир қимматли маълумотлар бериб, ёзади:

“...Билмон, не жарима била Султон Абусаид Мирзо Ҳиридин ихрож қилди”.

Бобур Мирзо таъкидлаган ва араб тилидан олинган “ихрож” сўзининг луғатлардаги “чиқариш, ҳайдаш, сургун, хориж этиш” каби талқинлари инобатга олинса, Алишер Навоийнинг 1465/1466 йилларда Ҳиротдан сургун қилинганлиги аёнлашиб қолади. Бобур Мирзо маълумотлари давомида шоирнинг Самарқандда яшаган-

лигини ҳам таъкидлайди, шундай экан Абу Саид Мирзо Алишер Навоийни Самарқанд пойтахт Моварауннаҳр давлатини бошқараётган ўғиллари Султон Аҳмад ва Султон Маҳмуд Мирзолар назорати остига юборган кўринади. Улуғ шоирнинг 1482-йилда ёзилган “Вақфия” асаридаги ўз эътирофига кўра, 1468-йилнинг охирида Ҳирот тахтини эгаллаган Султон Ҳусайн Бойқаро “давлат маншури” (давлат ёрлиғи, фармони) юбориб, Алишер Навоийни Самарқанддан сўраттириб олгунга қадар ихрожда яшаган.

Қалби илоҳий илҳом ва бадий мўъжизалар завқи билан лиммо-лим ва забардаст ижодкор сифатида шаклланиш пиллапоярларини бошидан кечириб ултурган мусофиратдаги Алишер Навоий учун ҳар қандай кичик уринишлар ҳам жиддий таъсир ўтказган. Тўғри, Ҳиротда яшаётган отахони, яқин маслакдоши дарвеш Саид Ҳасан Ардашернинг, муршиди комил Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Вали ва фақиҳ Файзуллоҳ Абулайсийларга ёзган мактубидан сўнг, Алишер ҳазратларининг ижтимоий ҳаётида ижобий силжишлар юз берди. Аммо, Ватан соғинчи уни тарк этмади. Бадий яратмаларида ўчмас из қолдирди. “Ҳайрат ул-аброр”нинг 11-мақолотидаги мана бу сатрлар ҳам мусофирлик йилларининг ўчмас хотираси сифатида мисраларда муҳрланган эди.

*Халқ кўпу йўқ бири ёри анинг,
Кўздин учиб шаҳру диёри анинг.
Кўча кўпу эв кўпу бозор ҳам,
Билмайин улким қаён урғай қадам.
Сайр этиб ақшомғача бетўшае,
Чун бўлуб ақшом тутубон гўшае.*

Ушбу мисраларнинг “Фурбатда” рубоийси билан жўровоз эканлиги шубҳа уйғотмайди, албатта. Хулосада айтиш жоизки, улуғ шоирнинг тўртгина сатрда муҳрланган Ватанномаси ва уларга ҳамоҳанг бўлиқ мисралари ажодларимиз хоки ётган муқаддас юртни жон қадар азиз тутишга ундаши билан мароқлидир.

РҲИМ ВОҲИДОВ,
*филология фанлари
доктори, профессор.*

“...Тила хилвату, анжуман ичра бўл”

Ватан туйғуси, баркамол шахс, ижтимоий адолат ғоялари маънавиятимизнинг буюк намояндаси — Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодида ўзининг бадий-эстетик ифодасини топган. Шу боис у бутун онгли ҳаёти ва ижодий фаолияти давомида Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун курашди. Жаҳолат, зулмга қарши курашнинг оқилона воситаси сифатида эзгу ғояларни кенг тарғиб қилиш учун сўз санъатининг бой имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланди.

Ҳазрат Навоий талқинида Ватан фақат инсоннинг киндик қони тўкилган замин, мамлакат ҳудудигина эмас, балки заҳматкаш халқ (эл-улус), унинг маънавий маданияти, тарихи, она тилидир.

Навоий нақшбандийликнинг “хилват дар анжуман” мақомотини янгича мазмун билан бойитар экан, комилликка интилувчи шахс зоҳиран халқ билан (анжуманда) бўлса ҳам, ботинан Ҳақ ёди билан, яъни илм-маърифат ҳосил қилиш тилаги билан яшаши лозимлигини таъкидлайди:

*Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл,
Тила хилвату, анжуман ичра бўл.*

Улуғ мутафаккирнинг таъкидлашича, маънавий камолот сари интилиш чинакам инсоний ҳаётнинг маъносидир; ёруғ дунёга келиб, комилликка эришмаслик худди хаммомга покланиш учун кириб, нопок чиқиш кабидир.

Ҳамма замонларда ҳам улуғ мутафаккирлар жўмардлик, сахийлик, меҳр-мурувват, футувват (мардлик) ва камтаринликни комиллик белгиси сифатида улуғлаганлар. Ҳазрат Навоийнинг таълим беришича, ўзи емай бошқаларга едириш — мурувватлилик, одамларга хизмат қилиш ва буни миннат қилмаслик футувват (мардлик) белгисидир:

*Мурувват — барча бермакдир, емак йўқ,
Футувват — барча қилмакдир, демак йўқ.*

Алишер Навоий талқинидаги мурувват ва футувват сингари фазилатларнинг мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос тарзда намоён бўлаётгани эътиборга лойиқдир. Хусусан, 2012 йили кам таъминланган оилаларни қўллаб-

қувватлаш мақсадида уюштирилган “1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйи” лойиҳаси тантаналари замирида улуғ шоир орзуларининг ҳаётийлиги мужассам.

Шоир тамаъгирликни саҳийлик ва олийҳимматликка қарши қўяр экан, тамаъгирлик барча ижтимоий иллатлар (каззоблик, қаллоблик, ёвузлик, жоҳиллик, қашшоқлик)нинг бош сабабчиси деб ҳисоблайди: тамаъгирлик касофатидан мамлакат парокандаликка, элу юрт қашшоқликка учрайди; қаноат қилган кишилар эса иззат топадилар:

*Элни хор айлаган тамаъ билғил,
Доимо азда ман қанаъ билғил.*

Мутафаккирнинг уқтиришича, иймон-эътиқодли кишиларгина инсоф-диёнатли, меҳр-шафқатли ва оқибатли бўладилар; инсофсиз одамларнинг феълу атворида нуқсондан бошқа нарса бўлмайди:

*Кимдаки инсоф йўқ – инсон эмас,
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас.*

Шоир Ватан равнақи, унинг порлоқ истиқболини комил инсон шахсининг шаклланиши билан, илм-маърифат равнақи билан боғлар экан, камтарингликни инсон камолотининг муҳим мезони деб ҳисоблайди:

*Киши айбинг деса, дам урмағилки, ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?!*

Ҳазратнинг уқтиришича, Ватан ободлиги, халқ фаровонлиги инсоннинг ўзлигини англашидан, ўз вужудини, руҳий оламини обод қилишидан бошланади:

*Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсан – ўзингдин истагил.*

Аён бўладики, бутун онгли ҳаёти ва сермаҳсул ижодини элу юрт бахти учун бағишлаган улуғ мутафаккир ўзини Ватан ва халқ олдида доимо қарздор деб билди. Унинг ижодида муҳим ўрин эгаллаган ватанпарварлик, халқпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари эса баркамол авлодни тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилаверади.

Қодирқул РЎЗМАТЗОДА,
Фарғона давлат университети доценти.

Комиллик тимсоли, эзгулик рамзи

Ҳар бир миллат толеига бир ёки бир неча шундай улуғ фарзандлар туғиладики, улар буюк ғайрати, мислсиз иродаси, теран ақл-идроки ва ибратли ахлоқ-одоби билан халқнинг ифтихорига айланадилар. Ҳазрат Алишер Навоий халқимизнинг ана шундай бетимсол даҳосидир.

Хўш, Навоий даҳосининг қайси қирралари уни буюк жаҳон сўз санъаткорлари сафига олиб чиқди?

Аввало, алломанинг адабиётдаги хизматини қайд этайлик. Унгача ижод қилган мумтоз шоирларимизнинг сафи сийрак, улар шуғулланган адабий жанрлар мундарижаси ҳам хийла ғариб эди. Навоий даҳосининг майдонга келиши юзга яқин истеъдодлар юкини елкасига олди.

Навоий ижоди абадиятининг бош сири, бизнингча, унинг асарларида куйланган умумбашарий ғоялар: инсонпарварлик, ахлоқийлик, комилликдир.

Инсонпарварлик — инсонни ирқи, миллати, жинси ва ёшидан қатъи назар, ҳурмат қилиш, унинг бахт-саодатини таъминлашга қўлдан келганча ҳаракат қилиш, ўзгалар бахтиёрлигидан мамнун бўлишдир.

Ахлоқийлик, деганда Навоий фикрича, шахс учун бу ҳаёт-мамот масаласидир. Бахт ва бадбахтлик, солиҳлик ва фосиқлик, олижаноблик ва ёвузлик, вафо ва жафо, ҳақ ва ботил, ҳамма-ҳамма нарса ахлоққа тегишли.

Комиллик — касбда моҳирлик, табобатда ҳозиқлик, ахлоқда камтарлик ва поклик, ақлда — ўқиш ва уқиш риёзати билан мислсиз юксалишдир. Бу даражадаги инсон ўқиб маърифатли бўлишдан юксак бахт йўқлигига амин бўлади.

Ва ниҳоят унинг шахсидаги мислсизликка келсак: Навоий ўз саховати билан Ҳотами Тойи саргузаштларини чўпчакка айлантирган сиймо эди. Унинг шиори куйидаги мисраларда аниқ акс этган:

*Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши,
Ҳар кишида бу сифат йўқтур — анга бўлғай шараф.
Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буқим,
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен — бир тараф.*

Навоий ўз шахсидан тамаъ деган ахлоқий касалликдан халос инсон бўлган. Ана шу фазилати билан ҳам у абадий эҳтиромга лойиқдир.

Айтишларича, Навоий ўз маблағларининг 98 фоизини халқ фаровонлиги йўлида эҳсон қилар, икки фоизини эса шахсий эҳтиёжларига сарфлар экан. Бу ҳақда ҳазрат шундай сатрларни ёзадилар:

*Жоҳ аҳли, фақр ичра Навоийга иқтидо —
Айлангики, бу тариқа анга келди мухтараъ.*

Яъни, эй давлатмандлар, фақрда (сахийликда) сиз Навоийга эргашинг. Чунки бу йўсин унинг ихтиросидир. Бу “ихтиро” куйидаги икки байтда ҳам айтилган:

*Иzzат тамаъ ким айласа тарк этмайин тамаъ,
Ул хорлиққа мужиб эрур: “Азза ман қанаъ”.
Тухми тамаъки хорлиқ ўлмиш унинг бари,
Сен бўйла хор тухмин экиб, қилма гул тамаъ.*

Бу сатрлардан яна бир бор маълум бўладики, Навоий биз учун адабий даҳогина эмас, ахлоқий намунагина эмас, комиллик тимсолигина эмас, эзгулик рамзигина эмас, балки фаолиятимизнинг барча жабҳаларида кўз-қулоқ бўлиб туришга чорловчи виждоннинг огоҳлантирувчи қўнғироғидир. Шу маънода, кўплаб хорижлик мутахассислар, жумладан академик Конрад Навоийни етказиб берган халқ бахтиёрлигини алоҳида қайд этадилар...

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фаълари номзоди.

Юксак ғоялар хазинаси

Бобокалонимиз ҳазрат Низомиддин Амир Алишер Навоий ўзининг бутун ҳаётини инсон бахту саодати, жамият фаровонлиги ва юрт осойишталиги учун тўлатўкис бахшида этди. У қўлига қалам олар экан, инсонийлик шарафи ва масъулияти ҳақида сўз юритди. Унинг фикрича, барқарор давлат ва намунали жамиятни қуришда мукамал ахлоқ ва илм эгаси бўлган ёшларнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун у ўз замонасининг илмга, ҳунарга интилувчан ёшларини ниҳоятда ардоқлар эди. У ўз даврида юксак фазилатлар эгаси

бўлган темурий шаҳзодалардан Бадиуззамон Мирзо, Шоҳ Фариб Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзоларга бағоят меҳр қўйган.

Шоир “Ҳайрат ул-аброр”да Бадиуззамон Мирзога, “Фарҳод ва Ширин” дostonида Шоҳ Фариб Мирзога, “Лайли ва Мажнун” дostonида Султон Масъуд Мирзога насиҳатлар қилади. Яъни, “Хамса”да ана шу шаҳзодаларнинг бадиий тимсолларини яратди. Фарҳод, Фаррух, Ахий, Қайс, ёш Искандар образлари Навоий меҳр қўйган темурий шаҳзодаларнинг бадиий тасвирлари эди. Шоирнинг фикрича, давлат мустаҳкамлиги ва жамият раvнақининг асосий талабларидан бири — бу шаҳзодалар ва бўлғуси давлат арбоблари тарбиясига чуқур киришмоқдан иборатдир. “Муншаот” асаридан Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро, валиаҳд шаҳзода Бадиуззамон Мирзога давлат ишларини юритиш соҳасидаги маслаҳат ва насиҳатлари акс этган мактублар жойлаштирилган. Шоир шаҳзодалар тарбиясида нималарга эътибор қилмоқ кераклигини аниқ таъкидлайди.

Навоий тасвиридаги Ширин ҳар жиҳатдан гўзал инсон. Унинг маънавий дунёси ва уни ўраб турган муҳит Фарҳодга мос, гўзал ва юксак даражада. Шоир бу икки бадиий тимсол мисолида ҳам ўз даври учун, ҳам ўзидан кейинги барча даврлар учун ибрат бўла оладиган комил инсонлар тасвирини яратди. Алломанинг фикрича, бу инсонлари илм камолот даражасига етказган. Фарҳоднинг ёшлиги ҳақида сўзлар экан, шоир унинг илмга бўлган иштиёқини олқишлаб:

*Ўқуб ўтмак, уқиб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида сафҳа-сафҳа бори,*

дейди.

У “Ҳайрат ул-аброр”да “илм” сўзидаги ҳарфларни куёш, ой, кундуз, дея шарҳлайди. Шоирнинг назарида илмнинг бор-йўғи ёруғликдан иборат. Илм жаҳолат тунини ёритади.

Инсонийликнинг шартларидан бири илм бўлса, бири — ишққа садоқат дейилади:

*Ёрки бор, анда вафо бордир,
Умр деган, ёри вафодордир.*

Шоир бу тушунчани жуда кенг ифодалайди. Унинг

наздида ишқ инсонларга, касб-корга, ота-онага, дўстга нисбатан бўлиши мумкин. Аммо, унинг асли, моҳияти поклик бўлмоғи лозим:

*Ошиқ ани билки, эрур дарнок,
Ҳам тили, ҳам кўзи-ю ҳам кўнгли пок.*

Хуллас, шоир асарлари ҳар жиҳатдан ғоялар хази-насидир. Унда ҳар нуқтаи назардан комил инсон зукко ўқувчи кўз ўнгида гавдаланиб туради.

Дилором САЛОҲИЙ,
филология фанлари доктори.

Умрни ғанимат бил

Дунё, унинг моҳияти, ҳийла-найранглари, ҳар тус-га кириб инсонни йўлдан уриши, унга кўнгил боғлаш хато эканлиги, бебаҳо ҳаётга ошиқлик бир умр ҳаловат нималигини билмай елиб-югуриб, ғаму қайғу чекиб, охир-оқибат пушаймонликка сабаб бўлиши билан боғлиқ байтлар Навоий ижодида кўп учрайди. Бу борадаги фикрларини у ҳар гал янги, оҳорли ва кутилмаган тимсолу ташбеҳлар воситасида гўзал ва таъсирчан ифодалайди. Чунончи:

*Дунёдин ўт, Навоий, осойиш истар эрсанг —
Ким, шуғл ҳар неча кўп, юз онча ғам турубтур.*

“Эй Навоий, жонинг осуда бўлишини истасанг, бу дунёнинг баҳридан ўтки, унга қанча кўп машғул бўлсанг, ўшандан юз баробар ғаму ташвиш олдингдан чиқаверади”.

Ниҳоятда ҳаётий ва ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган фикр. Тўғрими? Чиндан ҳам, тирикчилик ҳою ҳавасларига қанчалик кўп берилсангиз, у сизни шунча кўп ўз домига тортиб кетади. Ҳаёт қувончу ташвишлари ҳеч қачон тугамайдигина эмас, камаймайди ҳам: бирини ҳал қилсангиз, иккинчиси, иккинчисини амалласангиз, учинчиси чиқиб тураверади ва шу тариқа умрингиз охиригача уларнинг оқими ва босими сусаймайди.

Бу жиҳатдан Фаридиддин Атторнинг бир ривояти диққатга сазовор. Унда айтилишича, бир очкўз одам бутун умр югуриб-елиб, тиним билмай уч юз минг тилла жамғарибди.

— Ана энди оёғимни узатиб, қолган умримни роҳат-фароғатда ўтказсам бўлади. Пулим етиб ортади, — деб режа тузиб ўтирганида ногаҳон эшик тақиллаб қолибди. Очса, остонада ажал фариштаси турибди. Худонинг зорини қилибди:

— Наҳотки, дам олиш нималигини билмай минг бир азобда шунча мол-хазина йиғсаму ундан баҳраманд бўлмай ўлиб кетавераманми?!

Азроил унинг бақир-чақирларига парво қилмай жонини олишга киришибди.

Пул бандаси ёлворишга ўтибди:

— Ҳеч бўлмаса, бир оғиз сўз ёзиб қолдиришим учун бир нафасгина изн берсанг-чи!... — дебди.

Изн теккач ғофил одам шундай сўзларни ёзган экан:

— Эй одамлар! Мен бир умр ҳаловат нималигини билмай пул йиғиш кўйига тушдим. Эвазига бор-йўғи пушаймон бўлишу тавба қилишга етгулик бир нафасгагина муяссар бўлдим. Муроду мақсадимга етолмадим — ўзим хоҳлагандай давру даврон суролмадим. Бас, сизлар кўзингизни очиб, азиз умрнинг ҳар дамини фанимат билинглар...

Албатта, инсон умри хатолар, адашишлар, йўқотишлар силсиласидан иборат. Шунинг учун ҳам Шайх Саъдий: “Қани эди, инсонга икки марта умр берилсаю, бирида тажриба ҳосил қилиб, қилган хатоларингдан хулоса чиқариб, иккинчисида ўзинг хоҳлагандай хатою адашишлар, йўқотишу кулфатлардан холи мазмунли, хуш-хурсанд умр кечирсанг!” дейди.

Навоийдек дурдона асарлар битган даҳо шоир ҳам: “Эй Навоий, сендек ёшлик даврини зое этган киши қарилик айёмида юлдуз каби кўзларидан ёш тўкса-да, сира фойдаси йўқ” дейди ўзидан қониқмай:

*Эй Навоий, сендек эткан зоеъ айёми шабоб,
Суди йўқ анжум киби ашки надомат шоми шайб.*

Кўринадики, ўтган умрдан қониқмаслик, амалга оширган ишларидан кўнгли тўлмаслик туйғулари, армонга айланган орзуларидан афсусланиш ҳисси улуғ Навоийга ҳам бегона эмас экан...

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

Беш ҳикмат

- * Нечук билмай дегай сўз аҳли ҳикмат,
Хусусан, сўрса они аҳли давлат.
- * Жаҳондин, кўрки, кимлар ком олибдур,
Бу эски дайр кимлардин қолибдур.
- * Йиқилса ҳужра, бўлсун қаср обод,
Қуруса сабза, бўлсун сарв озод.
- * Гул борса, чаманга бўлмасун дард,
Кун ботса, фалакка етмасун гард.
- * Не қилголи кимгаки ниятдурур,
Бурун шарт анга қобилиятдурур.

Муҳаббат тилсими

Ширин ҳамиша атрофидаги тўрт юз қиз билан бир-га сафарга чиқар эди. У Гулгун лақабли отига миниб, бу гал Фарҳод ариқ қазиётган тоққа етиб борди. Ширин билан Фарҳоднинг учрашуви бундай тасвирланади (Ширин сўз бошлайди):

Ки: “Эй нодир йигит офоқ ичинда,
Ягона чархи нили тоқ ичинда!

Аён ҳолингда кўп-кўп булғажаблиқ,
Ажабдин ҳам ажаб ранжу тааблиқ.

Не сен ўхшаб жаҳонда бир кишига,
Не қилган ишинг ўхшар эл ишига.

Бу ишким, биз демай бунёд этибсен,
Бағоят кўнглумизни шод этибсен.

Бўлур эрдук ҳусули ичра ожиз,
Ҳунар эрмас, қўлунг кўргузди мўъжиз.

Агар юз қарн узройин бўлоли,
Нетиб бир кунчилик узринг қўлоли.

Ишинг узрида юз биздек ўтонгай,
Не биздин, тенгридин олингга ёнгай”.

Шундан кейин Ширин бир товоқ жавоҳир сўради,
уни Фарҳоднинг бошига сочди. Фарҳод ҳам Ширинни
кўриб, айниқса, унинг бу ширин сўзларини эшитиб,
тамом беором бўлди. Ҳаяжон аро деди:

Деди: “Жонпарвар анфосингдин ўлдум,
Унингдин, умр ранжидин қутулдум.

Не англайким, қаю маҳрў экансен,
Ичим қон айлаган сенму экансен?!

Мени гурбат аро бечора эткан,
Диёру мулкдин овора эткан,

Чиқиб жоним унунгдин бўлғач огоҳ,
Юзунгни кўрмай ўлдим оҳ, юз оҳ!”

Анингдек оҳ тўфонин чиқорди
Ки, маҳвашнинг ниқоби елга борди.

Кўрунғач ул жамоли оламоро,
Анинг матлуби бўлди ошкоро.

Ҳамул эрдик, мафтун бўлмиш эрди,
Кўруб кўзгуда мажнун бўлмиш эрди.

Бировким акс кўргач ҳуши кетса,
Ўзин кўргач, нетонг, жон таркин этса.

Бировким бўлса майнинг зикридин маст,
Нетонг, ичканда бўлса ер уза паст.

Чу Фарҳод ул пари эрканни билди,
Чекиб ўтлуқ фиғон андоқ йиқилди...

“Фарҳод ва Ширин” достонидан.

Рубоийлар

Лаълингни қилиб нуктасаро, эй қоракўз,
Ишқ аҳли ҳаётига яро, эй қоракўз.
Чекма яна сурма кўз аро, эй қоракўз,
Эл қонига қилма кўз қаро, эй қоракўз.

* * *

Жоним аро ўт лаъли сухандонинг учун,
Юзум уза кавкаб маҳи тобонинг учун.
Кўксумда алиф сарви хиромонинг учун,
Сўзлаб, юз очиб кел бу тараф жонинг учун.

* * *

Эй боди сабо, агар ҳаво айлагасен,
Гулшанга етарни муддао айлагасен.
Сарв оллида ер ўпуб дуо айлагасен,
Гул қошида қуллугум адо айлагасен.

* * *

Ҳам жисминга заъф бўлса жоним садқа,
Ҳам жонинга жисми нотавоним садқа.
Сарвингга шикаст ўлса равоним садқа,
Йўқ-йўқки, санга жону жаҳоним садқа.

Яхшилар ҳайрати

Алишер Навоий ўз асарларида борлиқ ва инсоният, унинг пайдо бўлиши, яратилиши ҳақида фалсафий дунёқарабини баён этади. Айниқса, бу қарашлар “Ҳайрат ул-аброр” достонида анъанавий муқаддимотларнинг таркибий қисми бўлган муножотларда яққол ўз ифодасини топган.

*Ҳам тўққиз афлокни чектинг рафиъ,
Ҳам курраи хокни ёйдинг васиъ*

Назаримизда Алишер Навоий ушбу байтларда борлиқнинг Ер, Осмон, Юлдузларнинг пайдо бўлиши, вазифаси, аҳамияти хусусидаги ўз мушоҳадаларини таъсирлиқ тарихоти нуқтаи-назаридан шарҳлайди.

*Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридан ғараз инсон эди.*

Байтдаги “ғараз” сўзи ушбу ўринда мақсад, ният маъноларини англатмоқда. Оламдаги мавжуд барча нарсалар яратганнинг хазинаси, бу хазиналараро энг қимматбаҳо бойлик — инсон, қолган барча бойликлар унинг манфаатларига хизмат қилмоғи лозим.

*Маърифатинг ким қила олмай сифат,
Қилдинг ани орифи ул-маърифат.*

Шоирнинг назарида худо қанчадан-қанча мавжудоту махлуқотлар яратди. Яратганларидан ҳеч бири унинг на моҳиятидан, на илму-маърифатидан хабардор, улар ичра фақат инсонгина Ҳақ моҳиятини, маърифатини билгувчидир, англовчидир. Чунки Оллоҳ одамни шундай яратган.

Навоий бу олам ичра буюк ихтиро — муқаддас инсон ҳақидаги ўз қарашларини баён этиб, Оллоҳнинг йўқликдан борлиқни бунёд этганини, бу борлиқ олий сифатли гавҳар янглиғ гўзалликка мойиллигини айтади. Гарчи барча мавжудотлар гўзал, нафис ва латиф яратилган бўлса-да, уларнинг барчасидан-да инсон улуғ, мўътабар ва шарофатли эканлиги тараннум этилмоқда:

*Барчасини гарчи латиф айладинг,
Барчадин инсонни шариф айладинг.*

Алишер Навоийнинг бугун борлиқ, табиат ва инсоннинг яратилиши, пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлари Ҳақни таниш сари интилган шоирнинг маънавий дунёси тажассумидир.

Шаҳноза НОРҚУЛОВА,
Термиз давлат университети ўқитувчиси.

Илмга муҳаббат, ота-онага ҳурмат

Ҳазрат Алишер Навоий асарлари улкан маънавий қомустга ўхшайди. Гарчи бизни беш асрдан зиёд вақт ажратиб турган бўлса-да, шоир асарларидан ҳар қандай муаммоларга ечим топамиз. Шоир даҳосининг чексиз қудратидан ҳайратда қоламиз.

Шоир комил инсон ва мукамал жамиятни орзу қилди, унинг бу орзулари ғазал ва рубоийларида, “Хамса” дostonларида, Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Назм ул-жавоҳир”, “Арбаъин” каби ўнлаб асарларида ўз ифодасини топди. Шоир жамият мукамал бўлиши учун, аввало, инсон комиллик касб этмоғи лозим, деб ҳисоблади. Навоийнинг фикрича, инсон умри капалак умридек ниҳоятда қисқа. Инсон дунёга келар экан, шу қисқа умри давомида илм ва ҳунар ўрганмоғи, ўзида энг яхши фазилатларни мужассам этмоғи шарт.

Мутафаккир шоир назмий ва насрий асарларида комил, яъни ҳар томонлама мукамал инсонга хос бўлган фазилатларни тараннум этади. Булар саховат, меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, ростгўйлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, илмга муҳаббат, ота-онага ҳурмат каби хислатлардир. Айни чоғда кишилар характеридаги ноинсоний қусурларни танқид остига олади.

Алишер Навоий инсонларни комилликка чорлар экан, аввало, унинг одоби хусусида кўп тўхталади. Унинг фикрича, инсон одобини белгиловчи ёрқин фазилатлардан бири ота-онага ҳурмат-эҳтиромдир:

*Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ,
Қуллуқ аноға ҳам улча имкон қилмоқ.
Зухди абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ато-аноға эҳсон қилмоқ.*

Она — табиатнинг шоҳ асарларидан, буюк мўъжизаларидан бири. У инсон зотини давом эттиришдек, фарзанд тарбиялашдек, инсоният келажагини таъминлашдек улуғвор ва масъулиятли вазифани зиммасига олган. Уни бажариш йўлида тоғни кемириб, сувни симиради. Барча машаққату қийинчиликларни сабр-бардош билан енгиб ўтишга қодир. Она кулса, олам кулади, қадамлари остида “тупроқ гуллайди”. Шу боис

ҳадисларда “Жаннат оналарнинг оёғи остидадир” деб, бежиз айтилмаган. Навоий ҳам жаннатни орзу қилсанг, оналар оёғининг гарди бўлки, жаннат оналар оёғи остидадир, дейди:

*Оналарнинг оёғи остидадур,
Равзайи жаннату жинон боғи,
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл анонинг оёғи туфроғи.*

“Садди Искандарий” достонида шоҳ Искандар дунёни эгаллаб бўлгач, умри поёнига етганлигини англаб, ўлими олдидан онасига мактуб ёзади. Искандар мактубда дунёни бошдан оёқ фатҳ этиш истаги туфайли онасини айрилиқлар бағрига ташлаганлиги, ундан йироқ кетиб қийнаганлиги учун узр сўрайди. Аслида, эсимни таниган кундан бошлаб сенга ўғиллик қилсам, сенинг хизматингда бўлиб, остонанг тупроғида фидо бўлишни шоҳлик деб билсам бўлар экан, дея афсуснадомат чекади:

*Керак эрди, то кирди мағзимга хуш,
Хирад токи солди димоғимга жўш,*

*Демон қилсам эрди ўғуллуқ санга,
Қабул айласам эрди қуллуқ санга.*

*Санга айлабон хоки даргоҳлик,
Анинг отин айтсам эди шоҳлик.*

Отанинг иззат-ҳурматини бажо келтирган, унга меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилишни одат қилган фарзанд саодатманддир. Унинг бу одати ўз фарзандларига ўтиши шубҳасиздир:

*Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай.
Ҳар кимки атоға кўп сироят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.*

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида таъкидлашича, ота ва она дунёдаги энг буюк ва муҳтарам зотлардир. Уларнинг ҳурматларини ўрнига қўйиш, хизматларини қилиб, дуоларини олиб, панд-насихатларига ҳамиша қулоқ солиш ва амал қилиш ҳар бир фарзанд учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шоир ота-онага хизматни тенг қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам, уни шунча кам деб бил, дея уқтиради. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Икки дунёнг обод бўлишини истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол. Туну кунингга нур бериб турган инсонларнинг бирисини ой англа, иккинчисини қуёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизиқдан бир қадам ҳам босма. Уларнинг хизматини одоб ва тавозеъ билан бажар, дея ўгит беради.

*Бошни фидо айла ато қошига,
Жисми қил садқа ано бошига.*

*Икки жаҳонингга тиларсен фазо –
Ҳосил эт ушбу иккисидин ризо.*

*Тун-кунунга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

*Сўзларидин чекма қалам ташқари,
Хатларидан қўйма қадам ташқари.*

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида ота-онанинг фарзанд олдидаги бурч ва вазифалари хусусида тўхталади. Аввало, фарзанд дунёга келгач, ота-она унга муносиб исм қўйиши зарур. Иккинчидан таълим-тарбия бериш учун муаллим чақириши, шунингдек, болага меҳр бериши лозим. Ота-оналар фарзанд тарбияси учун масъулдирлар ва азалдан улар ўз бурчларини амалда бажариб келганлар. Ота-она фарзанд дунёга келган кундан бошлаб уни меҳр билан парвариш қилади, унинг қорнини тўйдиради, устини бут қилади, нони бутун бўлсин дея илмли, маълумотли қилишга интилади. Бир сўз билан айтганда, бутун куч-қувватини, қудратини – борини фарзанди учун бахшида этади. Шу ўринда беш қўл баробар эмаслигини ҳам назарда тутиш керак. Лекин бутун айрим ёшлар ота-она олдидаги бурчларини бажаряптими? Баъзан ўйлаб қоласан: бу – “тўқликка шўхликми?”. Фарзанди учун ўзини фидо қилган ота-онанинг хизматини қилиб, кўнглини овлаб, ширин сўз ва меҳрибончиликлар билан уларнинг дилини шод этишдан ҳам улуғроқ ва савоблироқ иш

борми?! Ота-онанинг иззат-ҳурматини ўрнига қўйиб, уларнинг розилигини олган фарзандга саодат ёр бўлади. Шоирнинг юқоридаги ўғитлари ота-онасини ранжитган, уларнинг ҳолидан хабар олишни унутган айрим инсонлар учун сабоқ бўлса, уларни меҳр-оқибатли бўлишга чорласа ажаб эмас.

Ҳар жиҳатдан камол топган ёш авлодни тарбиялаш бугунги кун талабидир. Бу борадаги вазифаларни амалга оширишда аждодларимиз меросининг, хусусан, Алишер Навоий асарларининг ўрни беқиёс. Бугун шоир асарларини чуқур ўргансак, мисралар қатидаги теран маъноларни англашга ҳаракат қилсак, шоирнинг инсон камолоти хусусидаги хулосаларининг маъзини чақ олсак, уларни қай даражада ёшларимиз онгига сингдира олсак, бу саъй-ҳаракатлар ёшларимиз характеридаги айрим камчиликларни барҳам топтиришга, маънавий юксак ёш авлодни камолга етказишга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Фарида КАРИМОВА,

Наманган давлат университети доценти.

Комил инсон орзуси

Ўз замонасининг буюк мутафаккири бўлган Алишер Навоий назмга нисбатан насрий асарлар имконияти кенглигини яхши билгани учун, иккинчидан насрий асарлар реал ҳаёт воқеялигини чуқурроқ ва ҳар томонларма ифодалай олиш имконияти борлигини англаган ҳолда умрининг сўнгги ўн йилида “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Мезон ул-авзон”, “Мажолис ун-нафоис”, “Рисолаи муаммо” илмий асарлари билан бирга, “Хамсат ул-мутаҳайирин”, “Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” каби автобиографик – меъмуар асарлар қаторида “Маҳбуб ул-қулуб”, “Тарихи мулуки ажам”, “Вақфия”, “Муншаот”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” сингари ижтимоий-сиёсий, фалсафий руҳдаги асарлари қаторида “Насоимул муҳаббат” асарида Шарқ файласуфлари, шоирлари, шунингдек, ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим рол

ўйнаган турли соҳа классиклари ҳаётига оид маълумотлари келтирилган.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу асар Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс...” асарларининг таржимаси эмас, балки, Алишер Навоий, устози Абдурахмон Жомий кўрсатмаси асосида, туркий тилда сўзлашувчи халқлар талабидан келиб чиқиб, янги ва мустақил “Насойим ул-муҳаббат мин шамоим ул-футувват” (“Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шабадалари”) асарини (901=1495–1496) ёзади.

Тўғри бу асарда олға сурилган фикр ва мулоҳазалар Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс...” асарига яқин бўлгани учун ҳам улардаги гоё ва мақсадлар ҳамоҳангдир. Аниқроғи бир мақсадга бўйсундирилгандир.

Асарда тасаввуф тариқати қоидалари, тасаввуф аҳлига хос бўлган хусусиятлар ҳамда уларнинг ҳаётларига оид лавҳалар, кичик-кичик ҳикоятларда даврнинг муҳим масалалари баён қилинади.

Адиб аввало, тасаввуф аҳли ҳаёти, уларнинг қилган ишлари, меҳнатлари, касб-корлари ҳақида сўз юритиб, шундай ёзади: Шайхул машойих Шайх Абу Саид Харроз ўтук тикар эрди. Шайх Муҳаммад Саккокий пичоқчилик, Шайх Абу Ҳафз Ҳаддод темирчилик, Шайх Абул Аббос Омилий – қассоблик қилар, Шайх Иброҳим Ожарий гишт қуювчилик билан, Шайх Баннон ҳаммол, Шайх Абул Ҳасан-нажжор-чўп тараш усталик билан кун кечирганини ёзади.

Алишер Навоийнинг эътироф этишича мутасаввуфларнинг ҳалол меҳнат била кун кечиришлари, тўғрилиги, одоблилиги уларнинг фазилатидир. Шу билан бирга тасаввуф аҳли амал қилган шариат ва маърифат арконлари ҳақида яъни, Исломнинг тўрт рукни – шаҳодат калимаси, салоти хамса, закот, рўза ҳақида туншунча бериш баробарида, яна шу тарафига оид умумий қонун-қоидалар Кодекси-ахлоқ, одоб, юмшоқлик, мулойимлик, сабр, ризо одат ва кароматлар билан бирга кичик ҳикоятлар орқали уларнинг ҳаётига оид далиллар келтирилган.

Жумладан, Шайх Увайс Қараний Аллоҳнинг суйган бандаси бўлгани учун яъни, у Аллоҳ томонидан

Қуръонда айтилганларни тўлиқ бажаргани учун бу мартабага эришади. Уни 70 минг фаришта ўраб Жаннатга олиб киради. Шайх Увайс Қараний Муҳаммад (с. а. в.)-нинг Уҳуд жангида бир тиши синганини эшитиб, ўттиз икки тишини синдирган. Шу муносабат билан пайғамбаримизнинг мураққаъ — либослари унга ҳадя қилинган.

Хожа Муҳаммад Маъшук ҳам буюк шайхлардан бўлган. Кунларнинг бирида Шайх Абу Саид Абулхайр Меҳнадин Тус шаҳрига боришда бир дарвеш-шогирдини Шайх Муҳаммад Маъшукдан сўрашга юборади. Шайхнинг розилигини олгач, шаҳарга келиб Жомеъда амри маъруф қилмоқчи бўлади. Шайх Муҳаммад Маъшукнинг розилиги бўлмагани учун у халқ орасида бирор сўз айтолмайди. Ниҳоят, Шайхнинг розилиги билан у сўзга киради.

Шайх Абу Абдуллоҳ Сомилийнинг хулқ-атвори тўғрисида: Андин сўрдиларки; Авлиёлуллоҳни халқ орасида не осор ва аломат бирла таниғайлар? Дедиким, тақаллумнинг латофати била ва хулқнинг хушбўйлиги била ва юзнинг тозалиғи била, нафснинг сахоси била ва эътирофнинг қиллати — озчилиги ва узрининг қабули билаки, ҳар ким узр этса қабул қилғай ва шафқат тамомлиғи била барча элга шоҳ солиҳ ва толиҳ. Ва ҳамул дебдурким, дийдор дўстликнинг калитидур.”

Бу асарда инсон учун энг зарур бўлган ажойиб фазилатлардан бири тўғри сўзлик — эътироф этилади ва инсон ҳаёти пайтида фойда келтирувчи бир ҳикоят ҳам келтириладики. Ҳикоятда айтишларича бир имомзода Ҳажжож Юсуф таъқибидан қочиб келаётганида шайхлар тоифасига мансуб бир дарвеш уни вайронага беркитади. Қувиб келаётганларга уни вайронада деса ҳам ишонмай, бизни алдаяпсан деб қазабланиб ўтиб кетадилар. Улар кетгач, йигит чиқиб: “Нега мени ўзунг беркитиб, яна ўзунг айтиб бердинг?” — деб ўпкалаганида, дарвеш: “Менинг ростлигим барокатидин қутилдинг, энди билганингни қил!” — деб жавоб беради. Ҳикоятда тўғрисўзлик, ростгўйлик инсон учун буюк фазилатдир, дейилади. Шунингдек, асарда шайхлар тоифаси вакилларига берган айрим тафсилотлар — ибратли сўз, иборалар, уларнинг ҳаётида рўй берган ҳодисалар ҳам ибрат тариқасида кўрсатилади. Бу соҳада Шайх

Абу Усмон Мағрибийнинг тариқат йўлига ўтишга сабаб бўлган қуйидаги ҳодиса ибратлидир:

Шайх бир куни ити билан овга чиққанида, чанқаб идишдаги сутдан ичмоқчи бўлади, шунда ити ҳуриб унга йўл бермайди, иккинчи сафар ҳам шу ҳол рўй беради. Учинчи марта ит идишдаги сутни ичиб ҳалок бўлади. Кўрсаки идишдаги сутга илон захар солган экан. Итдан шу вафони кўргач, шу йўлни танладим, дейди Шайх.

“Қуръон” ва “Ҳадис”да доимо оналарни ҳурмат қилиш, уларнинг меҳнатини эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш ҳақида турли хил ривоятлар келтирилган. Ҳажга бориш ниятида бўлган Исмоил Аббос деган киши йўлда Шайх Мўминни учратиб, ундан маслаҳат сўраганда: “Агар онанг бўлса, унинг хизматига боргин!, – дейди Шайх. – Агар бош тортсанг, мен элик ҳаж қилибман – бош яланг, оёқ яланг ва зоду ҳамроҳсиз. Барчасини сенга бердим. Сен онанг кўнглини шодлигини менга бер?!” – дейди.

“Насоим ул-муҳаббат”да тасаввуф тариқати вакилларидан Нақшбандия тариқатининг асосчиларидан бири Баҳовуддин Нақшбанд ҳақида, унинг таълимоти хусусида шундай дейилади: “Бу тақдир бирла андоғ таҳдид бўлдимки, Ҳақ субҳонаҳу ва Таоло маҳлуқотда бани одамдин шарифроқ ва битикроқ халқ қилмайдур. Нечунки, маърифатуллоҳ ганжининг амини ва маҳрами улдур.”

Нақшбандий ўз тариқати ҳақида сўраганларга қуйидагича жавоб қилади: “... Яна алардан сўрадиларки, сизнинг тариқатинингизда зикр жаҳр ва хилват ва самоъ бўлур? Дедиларки: бўлмас! Яна сўрадиларки: – Сизнинг тариқатингиз биноти не ишгадур? Дедиларки, анжуманда хилват; зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафдин Ҳақ субҳонаҳу ва Таоло била ... Дебдиларки, аларга ҳаргиз қул ва дадак (чўри) бўлмас эрмиш ”.

Тасаввуф тариқати ҳақида сўз борганда, Алишер Навоий узтози Жомийдан ўрнак олганини эслаш ҳам кифоя. Сабаби Жомий ҳазратлари ҳам бу тариқатнинг йирик вакили бўлган.

Юқорида эслатганимиздек, Алишер Навоий “Насоим ул-муҳаббат”да тасаввуф тариқати ғояларига эр-

гашиб, унга эътиқод қўйган шоир ҳақида ҳам сўз юритган. Жумладан, адиб Аҳмад ҳақида: Адиб Аҳмад турк элидин эрмиш. Кўзлари бутов эрмишки, асло зоҳир эрмас эрмиш... У лўбёга илк суртибдур ва дебдурки, қўй бўкрағига ўхшайдур ва нўхатдин бармоғи била силабдурки итолғу бошиға ўхшайдур... турк улусида ҳикмат нукталари шоъдур. Назм тариқи била айтибдурмиш; анинг фавоидидиндур. Байт:

Сўнгатка иликтур, эранға билик,
Биликсиз эран ул иликсиз сўнгат.

Саййид Насимий ҳақида қайғуриб мана бу сатрларни ёзган... тақлид аҳли ани мазҳабида қусур тўҳматиға муттаҳим қилиб, шаҳид қилдилар. Машҳур мундоғдурки, терисини сўяр ҳукм бўлибдур. Ул ҳолатда бу шеърни дебдурки, назм:

*Қибадур юзинг, нигоро, қошларинг меҳроблар,
Суратинг мусҳаф вале холу хатинг эъроблар...
Эй Насимий, чун муяссар бўлди иқболи висол,
Қуй, терингни сўйса, сўйсун, бу палид қассоблар.*

Юқорида келтирилганлардан кўринадики, Абдурахмон Жомий ҳам, Алишер Навоий ҳам тасаввуф тариқатининг вакиллари бўлгани учун мазкур тариқатнинг қонун-қоидаларига амал қилганлар ва замонасининг комил инсонлари даражасига етганлар. Шунинг учун ҳам асарда келтирилган Шайх Абу Абдуллоҳ Самилий, Ҳажжож, Шайх Абу Усмон Мағрибий ва бошқалар ҳақида келтирилган ривоят ва ҳикоятларда ҳам умум инсоний фазилатлар — тўғрилиқ, хушмуомалалиқ, ростгўйлик, раҳм шафқатлилик, вафодорлик каби мисоллар ибрат тариқасида келтирилган.

Булардан таршқари “Насоим ул муҳаббат” да Абдурахмон Жомий, Мавлоно Шарафиддин Али Яздий, Шайх Авҳадуддин, Ҳомил Кирмоний, Қосим Табризий, Шайх Низомий, Фаридиддин Аттор, Саъдий Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Камол Хўжандий тасаввуф тариқатини тўлиқ эгаллаган донишманд кишилар ҳамда буюк талант эгалари ҳақида қисқа ва лўнда маълумотлар берилган.

“Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар — маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна та-

рихий ёдгорликлар”, — деган эди Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида. Дархақиқат, маънавият тушунчасини англаш учун аввало, инсонни тушуниш керак. Шу билан бирга ўз тарихини билмаган кишининг келажаги йўқлиги ҳам муқаррардир. Алишер Навоийнинг “Насоим ул-муҳаббат” асари ана шу жиҳатдан ҳам муҳимдирки, уни ўрганишда аввало тарихимизни, тариқат аҳли ҳаётини билиш билан бирга унда олға сурилган ростгўйлик, тўғрилиқ, ҳалоллик, меҳнатсеварлик сингари қатор умуминсоний фазилатлар, кишиларни, ёшларни комил инсон бўлиб етишувида ўтмишда қандай аҳамиятга эга бўлган бўлса, айти пайтда баркамол авлодни тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ольмжон Жўраев,

Абдулла Қодирий номидаги

Жиззах Давлат педагогика институти профессори.

“Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз...”

Ҳазрат Навоийнинг “Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз” деб бошланувчи рубойиси барчамизга ўқувчилик давримизданоқ яхши таниш. Унда шоир азиз умрни ҳаддан ортиқ (“сондан сени кўп севармен...”), жондан ҳам, инсон севиши мумкин бўлган нарса-ҳодисаларнинг барчасидан ҳам кўпроқ севишини эътироф этади. Албатта, ҳар қандай инсон учун энг олий қадрият — бу ҳаётдир. Мазкур шеърда ифода этилган эътироф, энг аввало, берилган умр учун шукрона туйғуси, фурсатнинг ғаниматлигидан огоҳлантириш даъвати билан йўғрилган. Чунки инсоннинг асл фитрати ҳаётни севиш, ҳаётпарастлик билан зийнатланган.

Аммо ҳазрат Навоийдай комил шахс томонидан бу дунёда берилган ҳаётнинг ҳамма нарсадан баланд тургувчи қадрият сифатида баҳоланишида янаям чуқурроқ мазмун бор. Зеро, бизга берилган умр, тириклик — хайрли амаллар қилиш, жамиятга манфаат келтириш, эзгулик тарғиби, йўл қўйган хатоларни тузатиш, тавба қилмоқ ва шукрона келтирмоқнинг биринчи шарти-

дир. Бошқача айтганда, умр — бизга берилган имконият. Инсон ҳаётлигидагина дунёни яхшиликка томон ўзгартиришга бевосита қодир бўлади.

Орадан беш юз йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамасдан, бу рубоий замон билан чегараланмайдиган ўткир пафоси ва некбин бир ҳақиқати билан қалбимизни шуълалантириб турибди. Зеро, ўзгалар учун қилинадиган ҳар қандай эзгу амал, жамиятга фойда келтириш ўз умрини қадрлашдан бошланади. Халқимиз шунинг учун ҳам “Ўз қадрини билмаган ўзга қадрини не билсин”, дейди.

Бугун глобал дунёнинг айрим ҳудудларида маҳдуд қарашлар қобилида ўзини худкушликка маҳкум этаётганлар борлиги сир эмас. Бу ҳаракат бир неча инсонни ҳаётдан олиб кетгани боисгина эмас, бошқаларда ҳам мана шундай кайфият туғдириши билан-да фоже ҳодисадир. Ҳар бир инсон ҳаётга ўнлаб, юзлаб ришталар билан боғланган; бир инсоннинг ҳаётдан кетиши мана шу ришталарнинг барчасини узиб, узилган жойларда ҳам жароҳат қолдириб кетади. Дунёни тириклар ўзгартиради. Буни бениҳоя тезлашган тараққиёт асрида, мураккаб муносабатлар асрида яшаётган ҳар бир шахс яхши англаб олиши лозим.

Ҳазрат Навоий бир инсон бошига тушиши мумкин бўлган кулфатлардан-да кўпроқ мусибатларни бошдан кечирганлар; бунинг сабаби шундаки, ҳар қандай мутафаккир шахс ўз бахтсизлигидангина эмас, ўзгаларнинг кулфатидан ҳам азият чекади. Ҳазратнинг комил инсон ҳақидаги орзулари ўрта асрлар жаҳолати билан, тараққиётнинг паст даражалари ва нокас кимсаларнинг ҳасадгўйлиги билан тез-тез тўқнашиб, шоир қалбида чуқур изтироблар туғдириб турган. Лекин мана шундай муҳитда ҳам ҳаётни жондан ортиқ қадрлаган, эртанги кунга некбинлик билан қараган шоирнинг нафақат ижоди, балки бутун умр йўли ва иродаси катта ибрат мактабидир.

Истиқлолга эришганимизга йигирма икки йил тўлди. Ифтихор этамизки, Истиқлол азиз умримизни янада азиз қилди. Умр шаклида табиат берган имкониятга Истиқлол берган имкониятлар ҳам қўшилди. Бугуннинг вазифаси — мамлакатимиз тараққиётини умуминсоният тараққиётининг ажралмас бир бўлаги сифа-

тида идрок этарак, манфаатларни, имкониятларни уй-гунлаштирмоқ, келажак наслларга озод ва обод Ватан қолдириш учун курашмоқдир. Бу эса, шубҳасиз, умри азизни қадрлашдан бошланади. Ҳазрат Навоий ўз асарларида инъикос топган даъват ва ибратлари билан Истиқлол ғалабаларини мустаҳкамлашда биз билан бир сафдадирлар.

Нодира АФОҚОВА,
Бухоро давлат университети профессори.

Навоийни дунё биледи

Алишер Навоийнинг ҳар бир асари, жанри, катта-кичиклигидан қатъи назар, ўзбек адабий жараёни бошқа туркийлар томонидан ҳам самимий кутиб олинган, қизиқиш билан ўқилган. Чиндан ҳам шоирнинг бадиий-илмий мероси, мана неча асрларким, дунё халқларига, жумладан туркий халқларга руҳий озуқа бўлиб келмоқда, ҳар бир ижодкор учун мутолаа мактаби вазифасини ўтаётти. Алишер Навоийдан илҳомланмаган, шоирнинг илҳом чашмасидан баҳраманд бўлиб, ўз адабиётида мукамалликка интилмаган ижодкорни топиш осон эмас.

Навоийга издош бўлиб, унинг анъаналарини XVI аср озарбойжон адабиётида муваффақиятли давом эттирган машҳур қалам соҳибларидан бири Муҳаммад Фузулийдир. Озарбойжон адабиётида Навоийнинг таъсири самарасини, биринчи навбатда, Фузулий ижоди тимсолида кўриш мумкин. У Алишер Навоий асарларини яхши билган, уни Низомий Ганжавий билан бир қаторда қўйиб, ижодини юқори баҳолаган, шоирни сўз гавҳарининг устаси деб атаган.

*Бўлмишда сафойи дил Низомий:
Ширвоншоҳ душуб кироми.
Ўлмишди Навоийи суҳандон,
Манзури шаҳаншоҳи Хуросон.
Сўз гавҳарина назар солонлар,
Ганжина вериб, гуҳар олонлар...*

Навоийнинг “Хамса”си, “Хазойин ул-маоний” девони Фузулий учун ҳам шеърятда қалам тебратишида маънавий таянч бўлди. Шоирнинг Алишер Навоий газалларига ёзган ўхшатма-назиралари, мухаммаслари бу фикрни тасдиқлайди. Айниқса, Фузулий ўзининг “Лайли ва Мажнун” достонини ёзаётганида Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”идан сабоқ олгани, муаллиф яратган сюжет, образларни ўз даври талабларига мослаштириб, қайта ишлагани унинг ҳеч бир ижодкорга ўхшамайдиган қобилиятдан дарак беради. Умуман, озарбойжон адабиётида навоийона руҳда асарлар битган шоирлар қаторида Кишварий, Табризий ва Ширвонийдек сўз усталарини ҳам тилга олиш мумкин.

Туркман мумтоз адабиётининг тараққиёт босқичларини Алишер Навоий ижодининг таъсирисиз тасаввур қилиш мушкул. Навоий мероси туркман адабий муҳитига, китобхонлари қалбига чуқур сингиб кетган. Агар Махтумқули Фироғий Ўзбекистонда қанчалик оммалашган, асарлари халқимиз қалбидан муносиб жой олган бўлса, Алишер Навоийга муносабат Туркманистонда ҳам айнан шундай. Навоий Махтумқулининг Шарқ адабиётидаги устозларидан бири, қалбига яқин шоир бўлганлигини унинг «Бўлсам» радифли шеърдан келтирилган мана бу тўртлик ҳам тасдиқлайди:

*Домғонда юрган устод Навоий,
«Чор девон»и, «Фарҳод-Ширин» зебойи,
Заҳриддин Бобур, «Мезон ул-авзон»и,
Қошларига бориб, мен Мажнун бўлсам...*

Қорақалпоқ адабиётининг бетакрор сиймоларидан бири Бердақ Қарғабой ўғлининг «Излар эдим» шеърда мана бундай сатрлар бор:

*Навоийдан савод очдим,
Фузулийдан дурлар сочдим,
Доноларни излар эдим...*

Бердақ адабиётда услубий жиҳатдан, асосан, фольклор, жумладан бармоқ усулида ижод қилишга мойилроқ бўлса-да, баъзи асарларининг шаклий ифодалари, мавзу, мазмун талқинида, сюжет қуриш тажрибаларида Шарқ адабиётига яқинлик борлиги ҳам ҳақиқат. У Фирдавсий, Навоий, Фузулий, Бедил, Махтумқули

ижодидан хабардор бўлган. Шоирнинг «Ойдўс бобо», «Омонгелди», «Ерназар бий», «Равшан» каби достонларининг ғоявий-бадиий хусусиятларида, сюжет тўқиш усулларида Навоий асарларининг таъсирини инкор қилиб бўлмайди.

Алишер Навоий мероси қозоқ китобхонлари учун ҳам бегона эмас. У Қозоғистонда Абай Қўнонбой ўғли сингари эъзозланади, асарлари бу заминда кенг тарқалган. Ижод аҳли орасида Навоийдан илҳомланиб адабиёт бўстонига қадам қўйганлари, маҳоратли шоир ёки ёзувчи бўлиб танилганлари анчагина. Абай шеърларидан бирида устозлари қаторида Навоий номини ҳам тилга олади:

*Фузулий, Шамсий, Сайқалий,
Навоий, Саъдий, Фирдавсий,
Хўжа Ҳофиз-бу ҳаммангиз,
Мадад беринг, қилмангиз осий.*

Абайнинг ўтмиш мумтоз адабиётининг атоқли намояндаларини номма-ном санаши улар ижоди ҳақида батафсил маълумотга эга эканлигини тасдиқлайди. Шоир ўз даврининг ижтимоий-сиёсий воқеаларини бадиий ёритишда улардан мадад олди, тажрибаларига суянди, лекин фақат ўзига хос талант билан ижод қилди, устозларини асло такрорламади. Бу эса Абай номининг қозоқ адабиётида абадийликка муҳрланишига асос бўлди.

Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоийни дунё биледи. Биз бу ўринда ҳазратнинг туркий адабиётга таъсири хусусида сўз юритдик. Ҳолбуки, Навоий Шарқ мамлакатларида қанчалик улуғланса, Ғарб адабиётида ҳам юксак эҳтиром билан тилга олинади. Зеро, унинг асарлари китобхонларга завқ, ижодкорларга илҳом бағишлаб қўймасдан, турли халқлар адабий алоқаларининг ҳам ойдин саҳифаларидан биридир. Шундай экан, битмас-туганмас бу булоқдан, шеърят осмонида порлаб турган зиёдан ҳамиша маънавий куч олиб, бадиий баркамолликка интилган ижодкорлар сафи туганмасдир.

Каримбой ҚУРАМБОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Ҳ И К М А Т Л А Р

Бошни фидо айла ато бошиға,
Жисмни қил садқа ано қошиға...

* * *

Карам ва мурувват ато ва анодурлар,
Вафою ҳаё икки ҳамзод фарзанд.

* * *

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.

* * *

Жаҳон илмики бу кун менга ёд эрур,
Анга барча жаҳл аҳли устод эрур.

* * *

Сабр била боғлиқ иш очилур,
Ишда ошиққан кўп тойилур.

“Қаро кўзум келу...”

Алишер Навоий шахсиятда беназир Инсон, шеърятда такрорланмас санъаткор. Навоийнинг деярли ҳар бир сўзи ва сатрида англаш ҳаяжони, гўзаллик ва нафосат завқи ёлқинланиб туради. Улуғ шоирнинг шеърлари қанчалик пухта ўрганилиб, нечоғлик ҳаққоний ҳис этилса, ўқувчининг мушоҳада имкони ва имтиёзи ҳам ўшанча кенгайиб, бойиб боради. Навоийнинг ижод йўли, энг аввало, Кўнгул ва Рухоният йўли. Навоий ҳаётга кўнгил нигоҳи билан назар ташлар экан, маъно, туйғу, таассурот, тасвир — ҳамма-ҳаммасини ё дард, ё изтироб ёки ҳолат орқали албатта кўнгилга боғлайди. Унинг “Не назмки ўтлуғ кўнгулдин чиқардим...” дейиши ҳам шунчаки гап эмасди. Бундоқ қаралганда, Навоий ҳам ўтмишда яшаб, ижод этган шоирларга ўхшаб анъанавий мавзу ва усулларда қалам юритган. Лекин энг эски фикр, энг кўп такрорланган маъно ва тимсоллар ҳам Навоийнинг ўша ўтлуғ кўнгли нафа-

сидан янгиланган, руҳоний қуввати туфайли ўзгача жозиба касб айлаган. Масалан, кўз тимсолини олайлик. Кўз инсон вужудининг гўзал аъзоси, гўзалликнинг характерли бир белгиси. Инсоннинг ич оламига ҳам, зоҳирий дунёга ҳам бориладиган барча йўллар кўздан бошланади. Кўнгил ойнаси ҳам кўздир.

Халқ оғзаки ижодиётида, мумтоз шеърятимизда кўз таърифига бағишланган неча юзлаб байт, бир-бирдан жозибатор қиёс ва ташбиҳларни учратиш мумкин. Кўзнинг биргина сифати – қаролиги орқали ошиқликнинг қанчадан-қанча кайфият ва ҳолатлари ёритилиб берилган. Ошиқнинг хаёлини ўғирлаган, қалбга сеҳр оловини ёққан, ҳижрон ва айрилиқ кунларида умид юлдузи бўлиб порлаган, хоҳласа жаллод ўлароқ жон олган худди ўша қаро кўзлар бўлган. Севгилининг кўзи ҳамиша сеҳр кучига соҳибдир. Унинг айнан қаролиги ишқ аҳлини нима офату балоларга мубтало қилмаган дейсиз? Навоий рубоийларидан бирида мана нима деб ёзган:

*Лаълингни қилиб нуктасаро, эй қоракўз,
Ишқ аҳли ҳаётига яро, эй қоракўз.
Чекма яна сурма кўз аро, эй қоракўз,
Эл қониға қилма кўз қаро, эй қоракўз.*

Сеҳру жоду, нозу ишва, ҳаё ва назокат “гулшани” бўлмиш зебо кўз, чашми шаҳлога ақл, руҳ, кўнгил ва хотира ҳам шайдодир. Шайдолик эса ҳаракат ва олий мақсадга интилиш демак. Навоийнинг кўз ҳақида кўп ёзиши, кўз тимсолига қайта-қайта мурожаат қилишининг туб сабабларидан бири мана шудир. Аммо асосийси эмас. Навоий мажоз ва тимсол сифатида кўздан илоҳий ишқ, ирфоний ҳақиқатлар моҳиятини ёритиш учун ҳам ниҳоятда моҳирлик билан фойдаланган. Шоирнинг машҳур “Қаро кўзум” ғазали шу фикрнинг жуда ёрқин бир далилидир. Мана ўша ғазал матлаъси:

*Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум кеби ватан қилғил.*

Инсон кимнидир қаттиқ соғиниб, соғинч қўмсашга дўнганда, хаёлий мурожаат унга юрак қаъридан қанотланиб чиқади. Шунда вақт, масофа, айрилиқ деган нарсаларда гўё ҳеч қиймат қолмайди. Яъни тасаввур ва

тахайюл воқеликдан устун келади. Ва одам кўнгил тилидан ўзга бир тилда гаплашишни истамайди. Шу маънода Навоийнинг байтида дил-дилдан марҳамат тилаш, ёлвориш, дийдорталаблик ҳоли уйғунлаштирилгандир. Биргина сўз билан буни ёр чорлови деса ҳам бўлади.

Мардумлуғ, фан, мардум калималарини айтмаса, байтдаги қолган барча сўзлар кўпчиликка тушунарли. “Навоий асарларининг изоҳли луғати”да мардумлиғ: 1. Одамлик, инсонлик; сахийлик, ҳиммат, ҳимматлик, одамгарчилик. 2. Кўзда ўрнашиш, кўз олдида туришлик. Мардум: 1. Одамлар, кишилар; 2. Қарочиғ деб изоҳланган. Фан сўзининг кўшимча маъносига ҳам изоҳ берилган. Демак, луғатга мурожаат қилган ўқувчи Навоий сўзларини тахминан мана бундай мазмунда қабул этади: “Эй гўзал ёрим (ёки, эй азиз дўстим), одамийлик марҳаматига амал айлаб мени ҳам энди бир сўроғла. Мен сенинг дийдорингга шу қадар муштоқманки, келгилда кўзум қарочиғида одамга ўхшаб қарор топгил. Токи жудолик, меҳрсизлик жафосини мен бошқа тортмай”. Шеърхонга ана шу моҳият: одамнинг одам учун зориқиши, кўз кўрмагунча, кўнгилни тинчитиш қийинлигини англаш муҳимдир.

Имом Ғаззолий “Мишкотул анвор” (“Нурлар қандили”) асарида кўзнинг асосий хусусият ва фазилатлари билан бир қаторда, унинг қусурларидан ҳам баҳс юритади. Улардан биринчиси, кўз бошқани кўради, аммо ўзини кўролмайди. Иккинчиси, кўз ўзига яқинни ҳам, узоқни ҳам кўришга қодир эмас. Учинчиси, кўз парда ортини кўриб билмайди. Тўртинчиси, кўз ашёнинг ташқарисини, яъни уст томонини кўради. Бешинчиси, кўз борлиқларнинг ҳаммасини эмас, айримларинигина кўришга қодир. Олтинчиси, товушлар, ҳид ва лаззатлар, хуллас, идрок туйғулари кўз учун бутунлай бегона. Ва ниҳоят, кўз каттани кичик, торни кенг кўргани боис унинг хатолари кўп бўлади. Бас шундоқ экан, қайси сўфий кўз ёки кўз қарочиғи воситасида “асл моя билан бирлашиш, қовушиш”ни ўйлаган дейсиз? Ахир, бу шўрлик сўфийнинг устидан кулиш ва таҳқирлашга асос бўладиган бир бемаънилиқ-ку! Мумтоз шеърятда қўлланилган сўз, ибора ва атамаларнинг истилоҳий, рамзий-мажозий маъноларини эски,

илмий, тарихий, адабий манбаларга таянмасдан, у ё бу шоир яшаган давр одамларининг фикр-қарашлари билан ҳисоблашмай, уларни биз тўғри изоҳлашга эришолмаймиз. Акс тарзда шарҳ ва талқинлар шеърхонни адабий матн моҳияти ва гўзаллигидан йироқлаштиради, холос.

“Кўз қуёшга тикила бошладими, — дейди Маҳмуд Шабустарий, — қамашади, қораяди, ҳеч нимани кўрмай қолади. Аммо сен шуни билгилки, қоронғулик Тангри Таоло зотининг нуридир. Обиҳаёт ана шу қоралик ичида эрур”. Қора рангнинг, Алишер Навоий сўзлари билан айтганда, муборак ранг ҳисобланиши, соч, қош, кўз, холнинг қаролигини таъкидлаш ё таърифлаш иштиёқининг замини ана шунда эрур. Навоий “Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил”, дея мурожаат ва даъват айлаган Шахс дин, маърифат, ишқ аҳлининг пири комили эди. Шоир бу улуғ зотдан “мардумлиғ” тилаганда ундан етадиган безавол файз, бақо қулфларини очадиган маслак ва маърифат нурини назарда тутганди. “Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил”, дейилгани билан ҳеч ким, ҳеч қачон бировнинг кўзига кириб олиб, муқим ўрнаша қолмайди. Шу учун кейинги мисрадаги фикрни тўппа-тўғри тушуниб, “Ватан” сўзида “ботинан кўним, сукунат, ҳаракатсизлик, истиқомат” маъноси мавжуд демаслик керак. Навоий қўллаган “ватан” сўзида “сукунат”, “ҳаракатсизлик”ка ҳатто ишора ҳам йўқ. Ишқ ва маърифат аҳли онгидан Оллоҳ оламга комил инсон кўзи билан қарайди ва борлиқни унинг нигоҳи билан кўради, деган тушунча муқим ўрин эгаллаган. Шу боис Ибн Арабий “Оллоҳни фақат ўзининг кўзи билан кўришга умид қилган кимса жоҳил ва пардаланмишдир”, дейди. Маърифат ва орифлик тарбияси шу жоҳиллик, шунақа ҳижоб офатидан қутилиш учун жуда-жуда зарурдир. Биринчидан, инсон кашфу каромат иддаоларидан халос бўлади. Иккинчидан, назар ва мушоҳадада адашувлардан сақланади. Навоий эса комилларнинг сарвари, энг буюк муршидларнинг ҳам маҳбубига қарата, “Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил”, дейдики, бу — “Эй ҳабибларнинг ҳабиби, дунёга сенинг муборак кўзларинг билан қараш менга ҳам насиб айласин”, дегани бўлади. Ҳазалнинг навбатдаги байтида шу орзу янада

ёрқинлаштирилади. Биз эса айтилган фикр-мулоҳазалар билан ҳозирча чекланамиз.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Афғонистонда Навоий асарлари нашри

2010 йилнинг 22 апрелида хонадонимизга Бобур номидаги халқаро жамғарманинг Балх вилоятидаги (Афғонистон) бошлиғи Абдусаттор Самадий, олим Абдуллоҳ Рўйинлар келиб, уч китобда чоп этилган Навоийнинг 9 та асарлари нашрини беришди. Қуйида худди шу асарлар ҳақида мухтасар маълумот берсак.

Улардан бири Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” номли тазкираси. Дастлаб таҳрир ҳайъати (доктор Абдуллоҳ Самадий, доктор Саййид Аминуллоҳ Нусрат, доктор Абдуллоҳ Дармон, доктор Абдуллоҳ Рўйин) номидан “Муқаддима” ёзилган. Унда ҳозирги даврда туркий тил расмий мақомни олган шароитда Навоийдек шоир ва донишмандларни ўз ҳимоясига олган шоирнинг асарлари “ҳар замон ва ҳар давронда тоза кўзгу киби ойинаи жаҳоннамодир”. Уларни ўқиш, ўрганиш “ўзбек ва туркман зиёлилари, ёшлар учун фойдали”, деган мақсадда “Амир ул-калом” Алишер Навоий, адабиёт сартожи руҳониятидан малад сўраб, бу бегарон (чексиз. Муаллиф.) водийда одим ташлаб, ҳаёт қулзуми (денгизи. Муаллиф) дан нажот зулолини ичсак, деган ишни қилдик. Тангри таоло бу йўлда бизни манзили мақсудга етказсин, деган умиддамиз”, дейилган.

“Мажолис” матни Навоий 20 жилдлиги 13 жилдда берилган матн билан эмас, Фахрий Ҳиротий ва Муҳаммад Қазвинийнинг форсийча таржималари матнига қиёс қилинган. Изоҳ-ҳаволалар ҳам мазкур таржималар ношири Али Асқар Ҳикмат китобидан олинган. Матн охирида ҳам “Уч нусха орасидаги фарқлар” жадвали асл нусха — Ҳирот қўлёзмаси ва таржималар асосида берилган.

Иккинчи китобга “Арбаъин”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Муншаот” ва “Вақфия” киритилган. Бунда ҳам таҳрир ҳайъати номидан сўзбоши берилган: ҳар бир асар ҳақида қисқа маълумотлар, “Маҳбуб ул-қулуб” матни

устида ишлаган А.Н.Кононов, С. Фаниева ва Яъқуб Воҳидийлар ёдга олинган. Китоб сўнгида “Луғатнома” ҳам бор.

Учинчи китоб таркибида “Сирож ул-муслимин”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” ва “Тарихи Мулуки Ажам” (бу нашрда “Ма-лики Ажам” деб ёзилган. Муаллиф) кирган. Сўзбошида ҳар бир асар мазмуни берилган. Охирида “Бизга маълум бўлишича, Навоийнинг бу насрий асарларининг муҳтарама хоним Суйима Фаниева, марҳум устод Порсохон Шамсиев раҳнамолиги остинда нашрга тайёрлаган, қийин ва бўш жойларини изоҳлар билан тўлдирган, бу соҳада кўп меҳнат чекканлар, бу жойда тортган ранжу заҳматларидан қадрдонлик билдирамиз, албатта”, деб ёзилган.

Афсус, “Тарихи мулуки Ажам” матнидан 233 бетдан кейинги бетлар тушиб қолган. “Луғатнома” ҳам “баҳойим — ваҳший ҳайвон” сўзидан бошланган. Доктор Абдуллоҳ Рўйин китоблар сўнгида инглиз тилида “Profile” — қисқача маълумот илова қилади.

Алишер Навоийнинг мазкур 9 асари нашр қилинишида адабий мусиқа, амалий санъат, миллий кийимларга оид кўргазмаларни АҚШ, Канада, Оврупо мамлакатларида ташкил қилиб, улар ҳақида асарлар ёзган Муҳаммад Собир Коргарнинг моддий ва амалий ёрдами ҳақида ҳам қисқачагина маълумот бор.

Суйима ФАНИЕВА,
навоийшунос олима, профессор.

Хаёл кемаси

Ҳазрат Навоийнинг ҳар бир ғазали мўъжиза билан яратилган тенгсиз бир кемадурким, ул кема мудом Рухнинг доимо сертуғён, доимо мавжли уммонларида сузиб юрадир.

Ғазалларнинг сўзлари ул кеманинг мўъжизакор ғаввосларидурким, ул ғаввослар маърифат чоҳларидан жавоҳирлар излайди ва жавоҳирлар беради.

Ул хаёлий ғазал кемасининг асрлар сари йўлга чиққан доруғаси даҳо шоирнинг ўзидир.

Навоийнинг бу хаёлий кемаси сузмаган денгиз ва у етмаган инсон манзиллари йўқ. У ҳар қайга етганда фақат одамийликдан хабар беради, одамийлик камолотидан башорат айтади.

Навоийнинг ушбу одамийлиги Рухнинг буюк парвозларида етилгандир. Рух эса инсон боласини азал-абад йўргаклаган Висол ва Ҳижрон ўйинларида иштирок этади.

Дунё билан топишмоқ висолини ва охир-оқибат дунё билан хайрлашмоқ ҳижронини ҳеч ким Навоийчалик ёниб ифодалай олган эмас. Худди мана шунга кўра ҳам у Шарқимизнинг Милтони, Шарқимизнинг Дантеси, ўзбекнинг маърифатли Гётесидир...

Иброҳим ҒАҒУРОВ

Макон ва замон билмас даҳо

2011 йилнинг 27-29 сентябрь кунлари мамлакатимизда “Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти” мавзуида халқаро илмий-назарий анжуман ўтказилган эди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан ташкил этилган нуфузли анжуманда юртимиз олимларидан ташқари, хорижлик навоийшунослар ҳам иштирок этдилар. Қуйида улардан айримларининг дил сўзлари билан танишасиз.

Нушоба ОРАСЛИ,

Озарбойжон Фанлар академияси Низомий номидаги Адабиёт институти профессори:

— Ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган тадбирда қатнашиш менга юксак ифтихор туйғуларини бахш этди. Зеро, Навоий асарларига муҳаббат менга отамдан мерос, десам янглишмайман. Отам, йирик навоийшунос олим Ҳамид Орасли Ўзбекистонга ҳар йили ташриф буюрардилар. Ўзбекистонни табаррук диёр, дея алоҳида эъзоз ва ифтихор ила тилга олардилар. Не бахтки, менга ҳам мана шундай муаззам юртга келиш кўп бора насиб этган. Улуғ Навоий ижодига бўлган қизиқиш туфайли кўпалаб ўзбек олимлари билан танишдим, дўстлашдим... Алишер Навоий инсонийлик, тинчликсеварлик, маърифатпарварлик гоёларини бетакрор санъаткорлик билан тараннум этган буюк ижодкордир. Шу жиҳатдан у жаҳон адабиётининг энг ёрқин сиймолари Хомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Саъдий қаторидан муносиб ўрин олган. Улуғ озарбайжон шоири Фузулий Алишер Навоий ижодига юксак баҳо бериб, уни «Султони салотини шуъаро» деб атагани бежиз эмас. Мана, беш асрдан зиёд вақт ҳам ўтибдики, қомусий билимларни ўзида мужассамлаштирган бу улуғ мутафаккир шоирнинг жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган ўлмас асарлари янгидан-янги авлодларга хизмат қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам Навоий асарлари ҳам макон, ҳам замон билан доимо ҳамоҳангдир.

Ҳурматжон ФИКРАТ,
филология фанлари доктори. Хитой:

— Турли анжуманлар, сайру саёҳатлар баҳонасида жаҳондаги кўплаб мамлакатларда бўлганман. Бироқ, Ўзбекистонда Навоий ижодини ўрганишга давлат миқёсида аҳамият берилаётганлигига гувоҳ бўлиб, ҳайратландим. Унинг асарлари қайта-қайта нашр этилиши, Навоий номи билан боғлиқ вилоят, хиёбон, боғ, кўча ва кутубхоналар борлиги ўзбек халқининг улуғ бобокалонларга бўлган беқиёс эҳтиром ва ҳурматини кўрсатади. Мана буни чинакам ибрат десак бўлади. Зеро, улуғ зотларнинг асарлари ҳамиша инсон тарбиясида катта аҳамият касб этади. Алишер Навоий ҳам ана шундай буюк ижодкорлар сафидан мустаҳкам ўрин олган. Унинг асарлари инсонпарварлик, дўстлик, халқлар

дўстлиги ғоялари билан суғорилган бўлиб, уларда ҳақиқий севги, адолат каби энг олий инсоний хислатлар ўзининг муносиб ифодасини топган. Алишер Навоий тараннум этган бундай эзгу қадриятларнинг мустақил Ўзбекистонда қайтадан эъозланиши маънавий юксалиш йўлидаги энг муҳим муваффақиятлардан биридир.

Ишмухамет ГАЛЯУТДИНОВ,
профессор, Россия:

— Алишер Навоий шахсияти ва унинг ижодига бўлган қизиқиш у ҳали ҳаётлигидаёқ бошланган эди. Ғоявий-бадий жиҳатдан юксак бўлган асарлари илгаридан қардош халқлар тилларига таржима қилиниб келган. Навоий адабий меросини Ўрол-Волгабўйи минтақасида тарғиб этишда йирик шарқшунос олимлар Риза Фахрутдинов ва Аҳмад Заки Валидийнинг хизматлари катта. Улар Ўзбекистонга бир неча марта келишган. Сафар давомида олимлар шарқнинг буюк мутафаккирлари, шу жумладан Алишер Навоий ҳақида ҳам туркум мақолалар ёзишган. Бугунги кунга келиб, улуғ ўзбек шоирининг ижоди, шахсияти жаҳон миқёсида кенг ўрганилмоқда, тарғиб қилинмоқда, эъозланмоқда.

Менга Навоий меросини ўрганишга бағишланган халқаро анжуманда қатнашишга келганимда, бир китобни алоҳида қизиқиш ва катта мамнуният билан ўқиб чиқдим. Бу Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асаридир. Ушбу китобда Навоий даҳосига бўлган чексиз эҳтиром ҳам акс этганидан ғоят таъсирландим.

Маълумот:

- * Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonида даҳо шеърлий меросининг умумий ҳажми 100 минг байтдан иборат дейилган. Ушбу бой мерос билан Навоий ўзбек адабиётини юксакка кўтарди ва адабий тилига асос солди. Ўзбек адабиётида лирик жанрлар ва дostonчиликнинг энг юқори тараққиёти Алишер Навоий номи билан боғлиқдир.
- * Унинг сўнгги асарларидан бири насрий панднома йўсинида ёзилган “Маҳбуб ул-қулуб” (“Қалблар севгани”) дир. Мазкур асар Шарқ адабиёти тарихида Шайх Саъдийнинг “Гулистон”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Низомий Арузи Самарқандийнинг “Чор мақола” каби асарлари қаторида туради. Бу асарда Алишер Навоий ўзининг ҳаёт йўлини, бошидан кечирган турмуш машаққатларини ёрқин тасвирлаб берган.
- * Навоий “Ҳазойин ул-маоний”га лирик турнинг 16 жанридаги шеърларини, жумладан, 2600 ғазал, 210 қитъа, 133 рубоий, 86 фард, 5 муаммо ва бошқаларни киритган.
- * Навоий 1490 йил ўзига замондош шоирлар ҳақида Жомийнинг “Баҳористон”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарлари шаклида “Мажолис ун-нафоис” тазкирасини тузишга киришиб, уни 1492 йилда тамомлади. Ушбу тазкирада ўзбек ва форсий тилларда ижод қилган 459 шоирнинг ҳаёти ва ёзган асарлари ҳақида ноёб маълумотлар берган.

Замондошлар хотираси

Улуғ амирнинг туркий девони султонлар, аслзодалар мажлиси беагидир. Навоси наво оҳангида ушшоқи бенаволарни тўғри йўлга солиб қўяди. Муҳолифлар унинг қалами гижирлашидан мағлуб, хусравоний оҳанги Султон Ҳусайнга маҳбубдир. Қандай яхшики, унинг овозаси турклар мамлакатидан Ҳижозгача... доврўги

Нишопурдан Исфаҳонгача етди. Ажам мамлакати аҳли қулогига бу садодан сирға тақиб, оламнинг ҳамма бурчаклари бу дарё гавҳари била тўлиб тошгандир. Тонг насими унинг хабарини Ироққа етказди ва Туби дарахти баргларини бу ниҳол шохчаларига ёпиштирди...

Давлатшоҳ Самарқандий

...Ўткир кўз эгаларининг ҳузурида махфий ва яширин қолмасинки, шараф ва улуғлик осмонининг қуёши, дунё буюқларининг пешвоси, яхши хулқлар манбаи... илм ва ирфон эгаларининг намояндаси, таҳқиқ ва ишонч аҳлларининг қибласи, хоқон давлатининг таянчи ва ҳазрати султоннинг яқини, фақирликка бою, ҳимматга ботир, олий ҳазрат низомулҳақ вал ҳақиқат ваддунё ваддин амир Алишернинг... узлуксиз меҳрибончиликлари шуъласи, илтифот ва ғамхўрликлари офтоби Хондамир деб шуҳрат қозонган бу фақир банда ва ҳақир зарра Фиёсуддин ибн Ҳумомуддин бошига тобланди, балки вужудининг ниҳоли ёш чоғидан то йигитлик даврининг охирига қадар ул ҳазратнинг лутфу эҳсон ариқлари ёқасида ўсиб, унди.

Хондамир

Фардлар

Тамаъ этма, кўп ўлса эл моли,
Кўрмайин ҳақ хазинасин холи.

* * *

Етар чу ризқинг, агар хорадур, вагар ёқут,
Ўзунга юклама андуҳ тоғин, истаб қут.

* * *

Халқи ўлғон сахийдин элга бўлди икки бахшойиш,
Ҳам эҳсонидин оройиш, ҳам ахлоқидин осойиш.

* * *

Кўнгулга футур ўлмайин, роз очилмас,
Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас.

Фориғ эл давронда бори қондадур?
Ким бу даврондадурур дармондадур.

Туюқлар

Лаълидин жонимға ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин ё қилур.
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо, билмонки, қилмас ё қилур?

Тийғи ишқинг ёрасидур бутмагон,
Дардини ҳар кимга ойтиб бутмагон,
Ҳажр саҳросидур оҳим ўтидин
Анда гул ёхуд гиёҳе бутмагон.

Ул пари ишқида бу девонани,
Эйки истарсен, келиб гулханда кўр.
Бир қадаҳ ул гулни хандон айлади,
Эй кўнгул, наззора қил, гул ханда кўр.



ҲИКОЯТ

Бир ҳинду ўзини турли мақомга солиб, кўп қизиқ ишлар ошкор этди. Бу масхарабоз ўз бошига кунгурали тож қўйди. Тож ва кийимларига тиллага ўхшаш сариқ ярқироқ модда — кимсон билан зарҳал берди. Унинг ёнида ногора чалувчи ва қўшиқ айтиб ўйин тушувчи бир тўда ҳиндлар бор эди. Улар қўли ва бошларини ҳиндларга хос бир йўсинда тебратиб, рақс тушар эдилар. Кўринишлари гўё бўстонга оройиш бергудек гўзал, жилвалари эса худди Ҳиндистон товусидек эди.

Ана шу тарзда бу масхарабоз майдонда зўр ҳангома кўрсатди. Унинг атрофи бир гала бебошлар тўдасининг гала-ғовури билан тўлди. Шу маҳал тартиб-интизомни назорат этувчи муҳтасиблар етиб келиб, бу даврадагилар ҳар ёққа қараб қочиб кетди. Ўша давранинг фирибгар ва мақтанчоғи бўлган ҳиндуни тутиб олишди. Унинг ногораси билан тожини уриб синдиришди ва баданини яланғочлаб, дарра билан роса савалашди. Шу тарзда унинг «санъати» кишиларга ибрат бўлиб, ана шу хил қисмат унинг тожи учун «зийнат» бўлди.

Лисон ут-тайр (насрий баёни)дан.

Бир умрлик ҳамроҳ

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларида-ноқ буюк шоир — Алишер Навоийга юксак эҳтиром кўрсатилмоқда. Унинг шарафига ҳайкаллар ўрнатилиб, хотирасига боғлар тикланмоқда, номини абадийлаштиришнинг барча чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ҳар биримизга бу етук зотнинг асарларини ўқиш, англаш, уқиш, уни ҳаётимиз ва маънавиятимиз ҳамкорига айлантиришдай юксак вазифаларни қўймоқда. Зеро, маънавий-ахлоқий тарбияда Навоийдек алломаларнинг ибрати беқиёсдир.

Ёдингизда бўлса керак, Президентимиз Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган тантанали маросимда шундай деган эдилар: “Ҳазрат Навоий шундай буюк зот экан, унинг

тафаккур дурдоналари бўлмиш боқий асарлари замонлар оша яшаб келаётган экан, бу улуг меросдан халқимизни, айниқса ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, маънавиятни юксакликка кўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз. Айни пайтда бу вазифа, илгари ҳам айтганимдек, ҳар биримизни Навоийни янада яхшироқ уқишга, Навоийни янада теранроқ ўрганишга, унинг умр дафтаридан ибрат ва сабоқлар олишга даъват этади”.

Дарҳақиқат, мустақиллик туфайли мамлакатимизни дунё таниди. Миллий сиймолар, улуг ва бой маданий-маънавий меросимиз, бебаҳо қадриятлар, ажойиб миллий анъаналар ва урф-одатлар ҳаётимизга қайтди. Навоий ҳазратларининг порлоқ сиймоси ҳам маънавиятимиз кўкида қайта чарақлади.

Гап шундаки, биз учун буюк аждодларимиз билан фахрланиш ва ғурурланишимизнинг ўзи етарли эмас. Навоийдек бобокалонларимизнинг шахсий ибратлари ва ўлмас маънавий-фалсафий таълимотлари бизнинг доимий ҳамроҳимизга айланмоғи керак. Негаки, биз наслу насабимизни ҳурмат қиламиз. Бинобарин, халқимиз тарихида шундай улуг аллома бор экан, бундан ҳамиша ғурурланамиз.

Бизда бундай буюк туйғуни — миллий қадриятлардан ғурурланиш, тарихимиздан ифтихор қилиш ҳис-туйғусини Мустақиллик уйғотди. Буни бизга Президент Ислом Каримов олиб бораётган улкан инсоний сиёсат ва бу сиёсатнинг мамлакатдаги нодир, ҳаётбахш неъматлари уйғотди.

Шу ҳис туйғу, шу дунёқараш бор экан, Навоийга эҳтиромимиз тоғлар қадар юксак бўлиб қолаверади.

Отабек ИСМОИЛОВ.

Алишер Навоийдек шоир борлигидан беҳад қувонамиз

Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида юзлаб мақола ва китоблар ёзилган. Лекин ҳар бир қалб унинг ўлмас асарларини ўқиётиб, Навоийни ўзича, тафаккур кучи етганича қабул қилади. Ким Навоийни илк бор ўқиётган бўлса, уни қайта-қайта ўқиб, ўз чанқоғини босмоқчи бўлади. Шундай экан, бу сирли ижоднинг жозибаси не? Ҳазрат Навоий меросининг мангулигига не сабаб?

Инсоният, мана, 570 йилдирки, ана шу муаммо устида бош қотиради. Ўз даврининг маликулкаломи мавлоно Лутфий ёш шоирнинг бир байтига туркий ва форсий тил била айтқон 12 минг байтини алишишга тайёр эканини билдиради. Навоий “Ҳазойин ул-маоний” дебчасида кунига 5–6 байт, баъзан ундан ҳам ортиқроқ ғазал айтганини эътироф этади. Умуман, но-дир истеъдод ва тинимсиз ижод туфайли шуҳрати жаҳонни тутган етти девонга тартиб берилади.

25 ёшлик шоирнинг муҳиблари “Илк девон” тузиб, улуғ шоир асарларини китобат қилдилар. Сўнгра икки “Бадойиъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” каби девонлар якунига етди. Ниҳоят, Ҳазрат Навоий ўз ашъорини жамлашга қарор қилди: Тўрт девондан иборат “Ҳазойин ул-маоний” тартибланди. Яна бу девонларга кирмай қолган етмишдан ортиқ шеърлари аниқланди. Бугина эмас, 552 ғазални жамлаган “Девони Фоний” тўплами шоир қаламининг саховатидан, бир масканда ва муомалада бўлган икки тил — форсий ва туркийнинг нуктадони эканидан дарак беради.

Маълумки, “Ҳамса” нафақат XV аср маданий ҳаётининг, балки бутун бир миллатнинг маънавий қомуси ҳамдир. Унинг таркибига кирган “Ҳайрат ул-аброр” достонини ўқир эканмиз, яхшиларнинг ҳайрати ўзига хос бир мақом (“аброр”) даражасига кўтарилганини, бу мақомдагиларни ҳайратлантирган 20 мақолот ва 64 модда хусусида батаҳқиқ назмий фикр юритганининг гувоҳи бўламиз. “Фарҳоду Ширин”, “Лайлию Мажнун”ларни ўқир эканмиз, худди шоирнинг ўзи ўз ҳолатини англаганидай, мутаассир бўлиб мутолаани тугатамиз. “Сабъаи сайёр” достонининг ҳайрати етти иқлим-

дан келган етти мусофирнинг етти кечада айтган ҳикояларининг ҳодисотида эмас, балки бу етиликлар шаклида баён этилган қиссага камалакдаги етти ранг, мумтоз фалсафадаги етти мақом, мусиқадаги етти оҳанг жам бўлгани учун ҳам улар бетакрор симфония каби янграйди. Нафақат муҳаббатга ошуфта етти қалб, балки минглаб қалбларнинг шеърӣй нидосига айланади бу сирли рақамлар. “Садди Искандарӣй” достони беш юз йил давомида ўқилгани каби бизнинг асримизда қайта-қайта мутолаа қилиниши лозим. Чунки бу асарда етук бир жамият, обод Ватан орзуси баён қилинган. Ҳазрат Навоӣй салафлари каби жаҳонгир Искандарни эмас, балки унинг “садди” (девор, тўсиқ)ни бош тимсол даражасига кўтарган. Бу рамзий тимсол орқали инсониятга ружу қилган, ташқаридан хавф солиб турган махлуқлар — яъжуж-маъжужларга қарши жангда тўсиқ қилиб, маърифатни жаҳолат йўлига кўндаланг кўйгани билан ҳам қадрлидир.

Жаҳонни забт этган Искандарнинг бу дунёдан очиқ қўллари билан кетиши нафақат нафс бандалари, балки тириклик мазмунини тирикчилик деб билган бандалар учун ҳам огоҳлик дастуридир.

“Лисон ут-тайр”да Ҳазрат Навоӣй қушлар тилида сўзлаб, инсон кўнглидаги турфа феъллар ва руҳият иқлимларидан сўз очади. Уларнинг муроди “Семурғ” васли экани ҳам моддий ҳикояларда, ҳам тимсолий рамзларда гўзал баҳосини олган. Айни асар Навоӣй болалик пайтлари ўзи ёд олиб юрган Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”и асосида яратилган бўлса ҳам, унинг бетакрор улуғворлигини исботлаган академик Е. Э. Бертельс ўз мақоласини шундай тугатади: “Шоирлар бўладики, бизни ўзларига таъзим қилишга мажбур қиладилар, лекин баъзан киши ижодкор олдида шошиб қолади: унинг даҳоси олдида таъзим қилиш билан бирга, уни инсон сифатида буюк муҳаббат билан севишни ҳам биздан талаб қилади. Мир Алишер Навоӣй ана шундай улуғ инсон ва шоир эди”.

Академик Н. И. Конрад “Лайли ва Мажнун”ни ўқир экан, ундан олган ҳайратини яширмай ёзади: “Шоирлар ўлим билан тугаган муҳаббат талқинида турли сўзларни қўллаганлар. Алишер Навоӣй бўлса:

*Чун руҳ ила руҳ топти пайванд,
Бир маҳд аро ётқур ики фарзанд...
Жононга ул фидо қилиб жон,
Бу жон берибон нечукки жонон.
Кирди ики жисм бир кафанга,
Йўқ, йўқ ики руҳ бир баданга,*

дея тасвирлайди. Навоийнинг ушбу мўъжизакор сўзлари Тристан ва Изольданинг, Уста ва Маргаританинг ўлими ва севгиси ҳақида ҳам айтилгандек гўё. Лекин мўъжизакорлиги шундаки, Алишер Навоий юқоридаги ифодани топиб айтган.

Алишер Навоийдек шоир борлигидан беҳад қувонамиз. Шундай шоирни бизга инъом қилгани учун ўзбек халқига буюк раҳматлар айтамыз. Ва уни нафақат ўрганамиз, балки ўқиймиз ҳам. Уни нафақат ўқиймиз, балки тафаккур ҳам қилиб, ўзимизники қиламиз... Биз Навоийни бугунги ҳаётимизга зарур бўлган шоир сифатида ўқишимиз керак. У буюк бир Уйғониш давридан иккинчи, тарихий маънода катгароқ бўлган Уйғониш даврига қадам қўйди”.

Ҳазрат Навоийнинг ўнлаб илмий ва фалсафий асарлари, маноқиб ва ҳолатлари, тазкира ва номалари бизнинг мумтоз адабиётимизни безабгина қолмай, балки, мана, асрлар оша ҳамон олиму адибларнинг ҳайратига сабаб бўлмоқда.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Қатрада кўёш акси

Алишер Навоий 1480 — 1500 йиллар мобайнида ўз маблағлари ҳисобидан бир неча мадраса, 40 работ (сафардаги йўловчилар тўхтаб ўтиш жойи), 17 та масжид, 10 та хонақоҳ, 9 та кўприк, 20 та ҳовуз, 9 та ҳаммом қурдиради. Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга “Муқарраби ҳазрати султоний” (“Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси”) деган унвонни берди.

Алишер Навоий таржимаи ҳоли ўз даврида Хондамир, Восифий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур каби тарихчи ва давлат арбобларининг асарларида акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида Навоий қаламига мансуб 24 асарнинг 254 та қўлёзмаси сақланади, уларнинг аксарияти девонларнинг нусхалари. Навоий девонлари профессор Ҳ. Сулаймон томонидан йиғилиб, тасниф этилган. “Илк девон” Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сақланади. “Наводирун-ниҳоя” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланадиган нусхалари ниҳоятда нодир бўлиб, улар Навоий даврида Ҳиротда Султон Али Машҳадий (1487 йил), Абдужамил котиб (1487–1488 йиллар) томонидан кўчирилган.

Алишер Навоийнинг ҳайкали дунёнинг Москва, Боку, Токио шаҳарларида ўрнатилган.

Ҳам мўъжиза, ҳам синоат

Навоий замонида, хусусан, Ҳиротда, Уйғониш даври Фарб бадиий тафаккурининг йирик вакиллари Рафаэл, Леонардо да Винчи, Микеланжелолар қаторида Камолиддин Беҳзодни майдонга келтирди.

Тасвирий санъат йўналишининг ривожи бадиий адабиётга ўз таъсирини кўрсатди. Бунга мисол сифатида Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидаги иккинчи ҳикоятни келтириш мумкин.

Унда Зайд Заҳобнинг подшоҳга яхши кўриниш учун саккиз зинадан иборат ўзиюрар тахт (эскалатор) ихтиро қилганлиги ҳикоя қилинади. Бу ўша даврдаги амалий санъат тараққиёти даражасини ва унинг бадиий сўз санъати билан узвий боғлиқлиги ҳолатини намоён этади. Маданият, санъат ва адабиётнинг бирибири билан чамбарчас ривожланиши юксак бир маданий жараённинг пайдо бўлишига олиб келган.

Ана шу яхлит маданий жараёнда биз буюк мутафаккир шоирни ҳам рассом, ҳам меъмор, ҳам мусиқачи, ҳам ўзининг чуқур илмий ҳофизасига эга бўлган олим сифатида кўрамиз. Хусусан, “Садди Искандарий” достонида Навоий ихтирочи кимёгар олим сифатида намоён бўлади. Шоирнинг илмий фантазиялари эса ривоятгина бўлмай, ўзининг ҳаётий асосларига эга бўлганлигини биз биламиз.

Фотиҳ Искандар Кашмир ўлкаси томон юриш қиладди:

*Чу Кашир ҳаддиға қўйди аёғ,
Падида ўлди бир чархпайванд тоғ.*

Бу тоғнинг тошлари ҳайбатидан Ой кўкимтир тусда кўринар эди. У гўёки фалакка қадар тарошлаб ясалган-дек эди, икки томони шундай йироқ эдики, уни ўтиш учун йўлга чиқмаган яхшироқ. Аммо

*Бу янглиғ бийик тоғ, анингдекки Қоғ,
Бўлуб чархдин ерга тегру шигоф.*

Шигоф — ёриқ орасида йўл бор эди. Бу тоғдан ўтадиган йўлнинг киравериш жойида кашмир аҳли ниҳоятда катта темир дарвоза ясаган эди. Аммо бу дарвозани яшириш учун унинг тўғрисида харсангтошлардан душманни қайтариш ниятида бир қалъа ясалган эди. Бу қалъани кўрган киши ваҳимага тушар, уни жоду, деб тасаввур қилар эди. Қалъа ичида икки мингта сеҳргар афсунчи жойлашган эди. Уларнинг нияти ҳеч кимни бу ерга яқин келтирмаслик. Агар ноҳос бирор киши қалъа томонга қадам қўйса, оёғи сустлашиб, ҳаракатдан қолар, ўз жонини ҳалокатда кўрар эди. Агар от бу томонга қараб чопса, оёқларининг кучи йўқолар эди.

Искандар навкарлари бу ерга келиб ҳайрон бўладилар ва воқеадан шоҳни хабардор этадилар. Шоҳ устози Арасту билан биргаликда айтилган гапларга ишонмай, қалъага яқинроқ келди ва

*Дедиким: “Бу найранги Каширдур,
Фусунгар иши макру тазвирдур.
Керак қилмоқ андоқ анинг чораси
Ки бўлғай нигун бурж ила бораси”.*

Шоҳ эҳтиёт учун шеригини қалъадан узокроқда туширади ва ўзи билан доимо бирга юрган ўн беш ҳақимга мурожаат этиб, “Кашмир афсунини даф этиш учун нима тадбир этмоқ лозим?” дейди.

Ҳақим — олимлар шоҳга асло ғам чекмасликни, икки кун ўйлашиб, учинчи кун бу афсун ечимини айтажакларини баён этадилар.

Достоннинг шу жойида Навоийнинг илмий фантазияси — олимона тадқиқоти бошланади. У Искандар ёнидаги олимлар аввал юлдузлар аҳволини ва уларнинг табиатларини қиёслаб ўрганганликларини баён этади. Сўнг улар темирчиларнинг металл эритадиган

ва ҳаво берадиган асбобларини, анча металлни ҳозир қиладилар. Симоб, қалай ва бронзани аралаштириб, бир ўқ ҳозирлайдилар. Бу ўқ худди фалак каби юмалоқ шаклда бўлиб, ичи ҳам фалакнинг ичидек бўш эди. Ичини порох билан тўлдирадилар. Икки тешигига фатила (пилик) ўрнатадилар. Худди душман бошидек ўқнинг пилигига ўт боғлаб, уни тўпга жойлаб, душман қалъаси томон отишни ният қиладилар. Ўқ ичидаги пилик ҳавода учиб бориш асносида ёниб, ичида яширилган ашёга ҳам ўтади. Бу тилсимли ўқ ерга қаттиқ тегиб тушгач, пора-пора бўлиб йўқ бўлиб кетади. Шу онда ундан ғаройиб садо чиқади, атрофга ажиб бир шуъла, шамол ва тугун тарқалади. Садо сеҳрни бузади, шуъла эса қалъа эшикларини очиб юборади. Тугун сеҳргарлар юзини қоп-қора қилади. Шамоли, яъни хидини ким ҳидласа, сеҳр илмини бутунлай унутади.

Ҳакимлар фотиҳ Искандарга:

*Тилсими ниҳонни аён қилдилар,
Ниҳон барча рамзин баён қилдилар.*

Шундан сўнг, Искандар кашмирийлар тилсимига қарши ясалган бу тилсим воситасида сеҳрли қалъани забт этади ва Маллу зулмидан безор бўлган мамлакатга эгалик қилади.

Шу биргина мисол — Навоий даҳосининг яна бир ёрқин қиррасини намоён этади. Шоир шу муносабат билан ҳам илмни улуғлайди:

*Биликдин эрур ҳар бири бир жаҳон,
Жаҳон ҳикмати ҳар бирида ниҳон.*

Демак, фақат илм ва ҳикматгина ҳар қандай мушкулотни ҳал этиб, ҳатто қаттиқ сеҳрни ҳам чил-чил синдиради экан:

*Қилиб ҳикмат ойиниға илтижо,
Бузоли алар сеҳрини жобажо.*

Хуллас, Алишер Навоий беназир даҳо сифатида Шарқ Уйғониш даври ютуқларини ўзининг бебаҳо асарлари орқали келажак авлодга етказиб берди.

Дилором САЛОҲИЙ,
*Алишер Навоий номидаги
Самарқанд давлат университети профессори.*

Ҳикматлар

Чин сўз — мўътабар, яхши сўз — мухтасар.

* * *

Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам боре қилма.

* * *

Икки кеманинг учин тутқан фарқдур.

* * *

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни кўп эшитурдан қайтма.

* * *

Оқил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас.

Руҳафзо сатрлар

Шарқ мумтоз сўз санъатида нафақат янги гап айтиш, балки ана шу янги фикрни қандай шаклда, қайси бадиий санъатлар воситасида ифодалаш жуда муҳим ҳисобланган. Алишер Навоийнинг асрдан-асрга ўтган сари тобора ошиб бораётган шуҳратининг асл сабаби ҳам асарларининг юксак бадииятидадир.

Навоий ижодида бадиий воситалар истифода этилмаган оддий байт, ҳаттоки мисрани топиш қийин. Шоир ҳар қандай фикр, кечинма, манзарани етук маҳорат билан ифодалайди. Чунончи:

Нега итмишлар Масиҳу Хизр агар қилмайдурур

Бирни руҳафзо лаби, бирни хати хазро хижил?

Руҳафзо — жон бағишловчи, ҳаёт ато этувчи. Хазро — кўк, яшил. Хат — маҳбубанинг лаби устидаги майин туклар. Шарқ мумтоз шеъриятида маъшуқанинг лаби кўпинча Хизр топган обиҳаёт чашмасига, хати унинг теграсини қоплаган майсага ташбеҳ қилинади.

Масиҳ — Исо алайҳиссалом. Ривоят қилинганидек, мўъжизакор қўли теккани заҳоти кишилардаги хаста-

ликлар тузалиб кетгани боис, у ал-Масиҳ — силовчи, деб улуғланган.

Хусни таълил — чиройли далил келтириш бўлиб, бунда келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмай, шоирлар лутф юзасидан уни важ қилиб кўрсатадилар. Аслида бу “гўзал ёлғон” бўлиб, кўпинча ўзининг гўзал ва бетакрорлиги билан ўқувчини ҳайратга солади, уни ишонишга “мажбур” қилади. Бу ерда ҳам шу: маъшуқанинг жонбахш лаби қошида Масиҳ нафаси нима-ю, нафис хати олдида обиҳаёт теграсидаги майса нима? Шундай экан, ўткир дамидан лоф урган Масиҳнинг хижолатдан кўкка чиқиб, обиҳаёт теграсидаги майсасининг гўзаллиги билан мақтанган Хизрнинг уятдан ерга кириб кетиши табиийга ўхшаб кўринади.

“Бирини жонбахш лаби, иккинчисини майин хати хижолатдан ўлдирмаган бўлмаса, нега Масиҳ ва Хизрнинг бири кўкка чиқиб, бири ерга кириб кетди?” — бу ерда шоир тасвир объектини яхши билгани ҳолда, уни ёрқин ва таъсирчан ифодалаш мақсадида риторик савол усулидан фойдаланади. “Тажоҳули орифона” асосида кўпинча ташбеҳ ётади. Ўз-ўзидан байт ташбеҳ санъатидан ҳам холи эмас — жонбахшлиги туфайли Масиҳ нафаси ва ёр лаби, гўзаллиги жиҳатидан оби ҳаёт чашмаси теграсидаги майса ва маҳбубанинг лаби устидаги нафис хати ўзаро бир-бирига ўхшатилаяпти.

Шунингдек, бу ерда “бирни” сўзининг икки марта қўлланиши такрор санъатини ҳосил қилганки, бу байтнинг жарангдор ва таъсирчан чиқишига олиб келган. Маълум бўладики, биргина байтнинг ўзида бир неча санъат маҳорат билан уйғунлашган. Алишер Навоий истеъдодининг юксаклиги ҳам, асарларининг бадиий баркамоллиги ҳам шунда.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

Ҳ и к м а т

Бийиклик келди ҳимматдин нишона,
Ки ҳимматсизни паст этди замона.

* * *

Бировгаким бировдин етди офот,
Ҳамоноким қотифроқдур мукофот.

* * *

Бировки тамаъ риштае қилғуси,
Унинг бирла бўғзидин осилғуси.

* * *

Бировким анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур олам аҳли аро аржуманд.

* * *

Бировким бўлур бир оёқ ош учун қул,
Юзига керакдур қозоннинг қароси.

* * *

Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж.

* * *

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.

Саховат ва ҳиммат бобида

Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур, балки ул шажарнинг муфид самаридур. Одамийлик кишварининг баҳри мавжвари, балки ул мавж баҳрининг самин гавҳари. Саховатсиз киши — ёғинсиз абри баҳор. Мевасиз йиғоч ҳамону ўтун ҳамон ва ёғинсиз булут ҳамону тутун ҳамон. Сахосиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг бир ҳукми бор. Дурсиз садаф била ўлуб қуруғон кашафга не эътибор.

Сахий булутдур — иши хирмон, балки махзан бермак. Ҳиммат аҳлигадур саховат ихтисоси ва бу икки шариф сифат валоят хоси. Саховат одамиға бадандур ва ҳиммат анга руҳ ва ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футуҳ. Ҳимматсиз киши эр сонида эмас, руҳсиз баданни киши тирик демас. Соҳиби ҳикмат муфлислиқ била паст бўлмас, ҳимматсиз ганж топса, бийикларга ҳамдаст бўлмас. Чинор илги холилиғидин бийиклигига не нуқсон ва туфроққа ниҳон ганжлари била не улви шон. Ҳиммат аҳлиға агарчи бийик кавкабадур, аммо саховатға неча мартабадур. Исроф сахо эмас ва итлофни маъно аҳли сахо демас. Мубоҳот учун бермак худнамолик ва анинг била ўзин сахий демак беҳаёлик. Улки эл кўрмагунча бермас — лаимдур, сахий эмас. Тилаб берганни ҳам саходин йироқ бил; ибром била бергандин бермаганни яхшироқ бил. Бирта ўтмакни икки бўлуб, ярмин бир очға берганни сахий де; ўзи емай барин муҳтожга берганни ахий де.

“Маҳбуб ул-қулуб”дан

Буюк муҳаббат тараннуми

Тикон кирса кафингға кинасидин,
Чиқорсам эрди кирпик игнасидин.

Кўруб хору хас ўрнунгда ниҳони,
Сочим бирла супурсам эрди они.

Чу билсам гарддин кўнглунгда қайғу,
Ер узра ашқдин сепсам эди сув.

Бошингға тушса меҳнат шоми жовид,
Юз очиб зоҳир этсам эрди хуршид.

Агар жонингға қасд этса узун кун,
Сочим еткурса эрди анбарин тун.

Юзунгни олмасам эрди энгимдин,
Аритсам эрди ашқингни енгимдин.

Тилар бўлсанг юзунг кўрмакка кўзгу,
Юзум юзунгга тутсам эрди ўтру.

Сув истаб тушса ўтлуғ кўнглунга жўш,
Лабимдин тутсам эрди чашмаи нўш.

Дамо-дам айлабон ҳамдамлигингни,
Кеча-кундуз қилиб маҳрамлигингни.

Тунунгда шамъи мажлис бўлсам эрди,
Кун ўлса ёру мунис бўлсам эрди.

Чу айлабтур сипеҳри тезрафтор,
Сени бир ён, мени бир ён гирифтор.

Киши гар кўксини юз пора қилсун,
Фалак бедодиға не чора қилсун!

Анинг бедодидин ким бўлса ношод,
Қилур жониға бедод узра бедод.

Неча сен бастаи банду балосен,
Балолар банди ичра мубталосен.

Ғаму дардингча дард имкони йўқтур,
Балоу меҳнатинг поёни йўқтур.

Вале бўлмиш жаҳон аҳлиға маълум
Ки, илгингда қотиқ хоро эрур мум.

Чекарга дарду андуҳ журъатинг бор,
Бало тортарға сабру тоқатинг бор.

“Фарҳод ва Ширин”дан

Саодатга элтувчи сўз

Кўнгилга йўл топиш қийин иш. Кези келганда бу борада олтин у жавоҳир ёинки зулм ва куч ожиз. Лекин топиб айтилган бир оғиз яхши сўз дилни эрита олади, сеҳрлай билади. Асрлар ўтса ҳамки неча элларда, неча минг-минг дилларда ардоқ топаётган мумтоз адабиётимиз намоёндалари асарлари бунга гувоҳ.

“Кишидин то қиёматгача боқи қолотурган ёдгор ва фарзанди саодатосор яхши сўздурким, онга замон ҳаводисининг офати зарари асло етушмас ва даврон инқилобининг ғубори асари ҳаргиз аҳволи бошига тушмас. Алқисса, сўз мартабаси ниҳоятсиз баланд ва сўз аҳли ҳамиша азиз ва аржуманддурлар”. Муҳаммад Ризо Огаҳий қаламига мансуб ушбу сатрларни ўқиганимизда сўз туфайли боқийлик бахтига мушарраф бўлган буюк бобокалонларимиз ва энг аввало, Алишер Навоий ҳазратлари сиймоси ҳаёлимизда жонланади. Бунинг бош боши шубҳасиз, устозлари сингари Навоий бобомиз ҳам ўзлари таъкидлаганларидек, одамни бошқа жонзотлардан фарқлаб турадиган ва ҳар қандай гавҳардан ҳам аъло сўз қадрини баланд тутиб уни инсон камолоти ва бахту-саодати кўзланган эзгулик аталмиш амалга чоғлагани ҳамда беназир иқтидор, ихлосу заҳматлари туфайли бу юмушни юксак даражада адо эта олганлигидандир.

Навоий асарлари ўз мазмун моҳияти ила сизу бизни ҳаёт аталмиш бепоён йўлнинг пасту баландидан, яхши-ёмонидан, файзли ва хатарли бурилишларидан огоҳ этади, нурли манзиллари сари ундайди. Бир сўз билан айтганда мутафаккир шоир одам зотини комиллик даражасида кўришни орзу қилади. Кишиларни юксак эътиқодга, инсоф ва диёнатга, адолат, раҳм-шафқат, меҳр-оқибатга чорлайди. Бу ғояларни бевосита одоб-ахлоқ мавзуига бағишланган ҳамда бугунги кунда халқ тилида ҳикматга айланиб кетган қитъалари, рубойлари, фардларидан ташқари ишқ-муҳаббат йўналишидаги ғазалларида ҳам кузатиш мумкин. Уларда ҳам олийжаноб инсоний фазилатлар тараннум ва тарғиб этилган байтлар учрайдики, айна пайтда улар нафақат файласуф шоир донолиги балки, айна пайтда бадийий ифода жиҳатидан ижодкор бобомизнинг юксак маҳоратини ҳам яққол акс эттиради.

Ана шу маҳорат туфайли ишқ завқи, васл иштиёқи, айрилиқ азоби тасвирлари жараёнидаги “қистириқ” байтлар орқали ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маърифий қарашлар ҳам асосий мавзуга уйғун тарзда ифода этилганки, улар бамисли донишманд шоирнинг ҳаёт сабоқларига ўхшайди.

Ўксик кўнгилни кўтариш вайрон бўлган Каъбани обод этиш билан баробар, дея уқтиради шоир. Бу борада албатта, сўз бирламчи ва ишончли восита.

Ошиқнинг маҳбубага мурожаат этиб “Кўйинг борида қилмон жаннатга гузар ҳаргиз” мисраси билан бошланувчи ғазал давомида шундай байт бор:

*Пил ўлса агар хасминг, десангки зарар топмай,
Бир паишага оламда еткурма зарар ҳаргиз.*

Олам аҳлини бир-бирови билан аҳил, дўст, ҳамкор бўлишга чорлаган шоир таъсирчан қиёслар, тимсоллар ва ташбеҳлар орқали озор кўришни истамасанг, аввало ўзинг бировга озор етказма, ҳатто қудратинг филча бўлса-да, пашшага ҳам озор бермагил, дея огоҳлантиради. Ва яна бир ғазалда уқтирадиги, кўнгилни пок тут, тилни юмшоқ қил, камтарликни касб этгилки, ана шунда бало қазодан омондасан.

*Гар десанг қаттиқ балога қолмағайсен чархдин,
Олам аҳли бирла юмшоғайг ила қилғил маош.*

Зеро, бировга ёмонлик қилган киши ўзи ҳам ёмонлик кўрмай қолмайди яъни бировни ноҳақ йиғлатганинг ўзи ҳам йиғлайди.

*Қузғама булбулни кўп, эй гулки, даврон боғида,
Қолмаиш қўзғалмайин улким, бировни қўзғамиш.*

Лирик назмдаги ошиқнинг суюкли маҳбубага — ҳусн шоҳига илтижо-ю ўтинчлари аслида ошиқ ва адолатсевар Навоийнинг ҳукмдору мансабдорларга, давлатмандларга хитоблари янглиғ жаранглайди.

*Ком етурмак ғанимат англа даврон аҳлиға,
Эй ғани, бу дамки коминг бирладур даврон ҳануз*

Демак, давру давронинг, қўлда имконинг бор экан, эл-юртга нафинг тегсин, сендан яхшилик қолсин. Не-

гаки, давр ўткинчи, даврон ғанимат. Эртанги ўкинч, афсус ва пушаймонликдан эса фойда йўқ.

*Шу дамни тут ғаниматким, келар дамдан асар йўқтур,
Не дамки ўтди худ андин киши топмас нишон ҳаргиз.
... Андоқ иш қилким пушаймон бўлғайсенким эмас,
Ҳеч осиф чун иш хато бўлди пушаймонликда ҳайф.*

Сабаби-умр ўткинчи. Шоир наздида бировнинг оғирини енгил, мушкулини осон этиш, муродига етишувида кўмак қўлини чўзиш инсоний фазилат ва бу борадаги бир фурсатлик хайрли юмуш юз йиллик давру даврондан, тожу тахт соҳиблигидан аълороқдир.

*Кимки юз йил комронлиғ қилса билким, арзимас,
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа биров коми била.*

Ҳаётий тажрибалар маҳсули сифатида билдирилган шоир фикрича сабр, инсоф, нафсини жиловлай билиш, айниқса-қаноат ҳар кишининг иззатли ва ҳурматли бўлишига сабаб. Тўғрилик, рост сўз ва ҳалоллик, садоқат эса ҳар кимсанинг хавфу хавотирдан эмин бўлишига, кўнгил хотиржамлигига заминдир. Бу борада ўқдин мисол ол, дея таъкидлайди шоир. Тўғрилигидан узоққа боради Ёй эса эгрилигидан қўл оёғи чандилган, тузоққа тушган.

*Туз бўл ўқдек гар тиларсан авж, ёким эгрідур-
Давр ҳар гўшадин бўғзига солибтур кериш.*

“Лирик чекиниш” деган ибора бор. Навоий хазратлари таъбир жоиз бўлса юқоридаги сингари лирикадаги “Ижтимоий чекиниш” лари орқали, сўз қудрати воситасида кишиларни энг яхши инсоний фазилатлар эгаси бўлишга даъват этади. Ҳеч шубҳасиз, бу даъват кишилиқ жамиятини соғломлаштиришга, маънавиятининг юксалишига то абад хизмат қилаверади.

Отабек ИСМОИЛОВ,

*Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*

Юксак бадият

Навоий ижодиётини бепоён уммонга қиёслаш мумкин. Уммон тубида ҳали беҳисоб жавоҳирлар ётибди. Унинг асарлари юзасидан юзлаб илмий ишлар қилинган бўлса-да, Навоий оламини тўла-тўқис забт этолганимиз йўқ. Унинг меросини ўрганиш асносида ҳар доим бирор бир янгиликни кашф этиш мумкин. Масалан, ҳазратнинг бадиятини олайлик. Ҳар бир байт, мисрани тадқиқ этишнинг ўзи жуда катта изланишларни талаб этади. Мана унинг машҳур бир байти:

*Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву, гул баргидин кафан қилғил.*

Бир қараганда тушунарли ва равон мисралар. Аммо, ҳазрат бу байт орқали нима демоқчилар? Бу ҳақда қатор тахмин ва талқинлар баён этилди. Лекин, ягона тўхтама келингани йўқ. Зеро, Навоий ижоди устидан яқдил хулоса чиқариш даражасига етган эмасмиз. Навоийнинг сўз танлаш ва қўллаш маҳорати, Навоий шеъриятидаги фалсафа, Навоийнинг диний-маърифий қарашлари, Навоий ва жаҳон адабиёти... бу йўналишлар бўйича ҳали қанчадан-қанча янги уфқларни очиш мумкин.

Алишер Навоий ҳазратлари ўзигача ва ундан кейинги давр ўзбек шеърияти, ҳатто барча туркий халқлар адабиётида ҳам асосий ўринни эгаллайди, десак, янглишмаймиз. Бинобарин, юз йиллар ўтганидан кейин ҳам мутафаккир ижодидан янгилик излаб топиш қийин кечмайди.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ.

Мангу байтлар жозибаси

Алишер Навоий мероси юксак бир тоғга ўхшайди: узоқдан шундоққина қўл етгудай масофада кўринса-да, бу беқиёс ижод оламига кириб борганингиз сари унинг нақадар улуғворлигини ҳис қиласиз. Олам ва Одамга даҳлдор барча масалалар, тушунчалар ўзининг бетакрор бадиий талқинини топган бу шаклан гўзал, мазмунан серқирра асарларни мутолаа қилиб, шоирнинг нечоғлик буюклигини эътироф этасиз. Шарқ сўз санъатида эришилган барча ютуқларни ўзида мужас-самлаштирган бу шеърят ҳақиқатан ҳам теран, мураккаб, ранг-барангдир. Навоийни ўқиб, тушуниш учун Шарқ фалсафаси, мумтоз сўз санъатидан хабардор бўлиш талаб қилинади.

Шарқ мумтоз сўз санъатида нафақат янги гап айтиш, теран фикр ифодалаш, балки ана шу янги гап, теран фикрни қандай шаклда, қайси бадиий санъатлар воситасида акс эттириш ҳам муҳим саналган. Бу адабиётда бадииятдан маҳрум, қуруқ суханбозликка ружу қўйиш кузатилмаган. Шоирга ҳаётий долзарб ва муҳим мавзуларда қалам тебратиши эмас, балки бадиий баркамол асарлар яратганлигига қараб баҳо берилган. Шунинг учун ҳам Шарқда шеърнинг ва шоирнинг қадри баланд тутилган.

Алишер Навоийнинг вақт ўтган сари тобора ошиб бораётган шуҳратининг асл сабаби ҳам асарларининг юксак бадииятида. Шоир шеърлари нафақат мазмуни-нинг чуқурлигию фалсафасининг қуюқлиги, балки шаклан гўзаллиги, ҳассос руҳи ва ёқимли оҳанги билан ҳам кишини ўзига тортади. У ўзбек тилини улуғлабгина қолмай, айни пайтда ўзбек адабиётини, бадиий сўз-нида юксакка кўтарди. Навоий асарларининг ҳаммиша, ҳамма даврларда авлодлар учун ҳавас этгулик чўққи бўлиб қолаётганлигининг сабаби шунда.

Навоий ижодида шунчаки у ёки бу фикр ифодасига хизмат қиладиган оддий байт, ҳаттоки мисрани ҳам топиш қийин. Шоир ҳар қандай фикр, кечинма, манзарани гўзал бадиий санъатлар воситасида юксак маҳорат билан ифодалайди.

Чунончи:

*Ёр оғиз очмасқа дардим сўрғали топтим сабаб:
Кўп чучукликтин ёпушмишлар магар ул икки лаб.*

Бу байт Шарқ шеъриятида машҳур ҳусни талил санъатининг гўзал намунасидир. Ҳусни таълил — чиройли далил келтириш бўлиб, шоирлар ўз фикрларини бадиий гўзал шаклда асослаш учун бу санъатга мурожаат қиладилар. Бунда келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмай, шоирлар лутф юзасидан уни важ қилиб кўрсатадилар. Ушбу байтда ҳам маъшуқанинг ошиқ аҳволини сўрамаслигига лабларининг азбаройи ширинлигидан бир-бирига ёпишиб қолганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Албатта, бу ҳақиқат эмас, балки “гўзал ёлғон”, лекин ушбу ташбеҳ ўзининг оҳорли ва бетакрорлиги билан ўқувчини ҳайратга солади.

Куйидаги байтда эса ёрининг ортиқ жабру жафо қилмай қўйганини унинг кўнглида раҳм-шафқат уйғонгани эмас, балки ўзига кўрсатмаган жабру жафоси қолмагани билан асослайди:

*Ёрким, қилмас жафову жавр — эрмас раҳмдин —
Ким, манга кўргузмаган жавру жафоси қолмаммиш.*

Маъшуқанинг ўз ошиғига жафо қилишдан қўл тортиши (аслида уни унутиб қўйиши)нинг сабаби сифатида келтирилган бу далил гарчи ёлғон бўлса-да, ўзининг зарофати, гўзаллиги, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқатга ўхшаб кетиши билан ўқувчида эстетик завқ уйғотади.

Бир сўз билан айтганда, Навоий ташбеҳлари ҳаммиса ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради ва шу боис ҳам уларни мутолаа қилганда ҳайратлар оғушига чўмаверамиз.

Эрғаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

Хорижликлар нигоҳи

Навоий ўзининг сиёсий ва ижтимоий фаолияти билан халққа ниҳоят даражада манзур бўлди. У ўз шеърляти туфайли халқ орасида чинакам зўр обрў қозонди. Унинг шеърляти асрлардан бери яшаб келмоқда.

Альфред Курелла,
немис ёзувчиси.

Алишер Навоий жамики гўзалликларнинг буюк ҳомийси ва ўз даврининг энг улуғ шоиридир.

Ян Рипка,
чех олими.

Адиблар, тарихчилар, иншопардозлар, муъаммо ёзувчилар, хаттотлар, мусаввирлар, котиблар, меъморлар, шатранжбозлар, мусиқашунослар, паҳлавонлар, заргарлар, кулоллар, тикувчилар ва ўша даврдаги бошқа турли-туман билим, санъат ва ҳунар соҳиблари, мутахассислари Амир Алишер ҳузурига тўпланишиб, ўша замон илми, талаби ва услубига биноан асарлар ёзишар эдилар. Амир Алишер ўшаларнинг ҳаммасига зўр ҳафсала, кунт ва эътибор билан маслаҳатлар берар, ҳусн-рағбат кўрсатар ҳамда уларга ҳомийлик қилар эди.

Саид Муҳаммад Абдулло,
покистонлик навоийшунос олим.

XV асрнинг охирида теурийлар салтанатининг маданий ҳаётига жуда муҳим таъсирини ўтказган инсон Мир Алишер Навоий бўлиб, у янги сиёсий ва иқтисодий шароитни яратишда ғоят катта ёрдам берди. Султон Ҳусайннинг яқин дўсти Мир Алишер муҳтожларга хайру эҳсон қилувчиларнинг машҳури, шоир ва олим эди.

Томас Ленте, Глени Лоуври,
АҚШ олимлари.

Ҳотами Тойи ҳақида

Ҳотами Тойига бир кўнгли очиқ одам деди:

— Эй, ҳимматда эркин табиат киши, сахийлик кафтингга одат бўлганидан буён ўзингга ўхшаган кишини ҳеч кўрдингми?

У деди:

— Бир кун мен ҳамма учун йиғин қилдим. Унга ўша чўлдаги одамларнинг ҳаммасини чақирдим. Пишириш учун юзта туя қурбон қилинди; сўйилган қўй-қўзиларнинг сон-саногии йўқ эди. Базм бўлиб турган вақтда бирпас соф ҳаво илинжида дашт томонга чиқдим. Айланиб юриб, бир қари чолни кўрдим. У орқасига бир кучоқ тикон-ўтин ортган эди. Гавдасини у юк эгиб, вужудига ҳассадан устун тиркаган эди. Ҳар қадам ташлаганда, бирпас тўхтаб, ҳар дам олганда маълум бир фурсат ўтарди. У чекаётган азоб ўти кўнглимни ёндириб, раҳм-шафқат билан унга шундай хитоб қилдим:

— Эй қалдини машаққат юки буккан, танасида ғам тиканлари ўрнашган одам! Даштда юриб хабаринг бўлмадими? Нега Ҳотамнинг уйига бормадинг. У ҳаммани ўзининг уйига чақириб, яхши-ю ёмонни бугун меҳмон қилмоқда-ку. Ўтинни ташла, иззат гулшанига бор, машаққат чекиб ўлтирмай, тур, чақирикқа бор!

У менинг унинг аҳволидан изтироб чекканимни тушуниб, бош кўтариб кулди-ю, шундай жавоб берди:

— Эй, оёғини очкўзлик банд этган, бўйнига ғараз ва қизғончиқлик сиртмоқ бойлаган, эй ғайрат водийсига қадам босмаган, ҳиммат қалъасига байроқ тикмаган одам, сен ҳам бу тикан ташиш азобини тортиб кўр. Ҳотами Тойи миннатини эса торта берма. Қийналиб, машаққат билан бир танга топиш биров берган хазинадан яхшироқдир.

Унинг сўзлари шундай ўринли эдики, шунинг учун ҳам унинг ҳиммати меникидан ортиқ эди.

Эй Навоий, агар сенда ҳиммат бўлса, Ҳотами Тойи ҳам сенга кулди.

“Ҳайрат ул-аброр” (насрий баёни)дан.

Ҳикматлар

Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт.

* * *

Элга шараф бўлмади жоху насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.

* * *

Бир деганни ики демак хуш эмас,
Сўз чу такор топти — дилкаш эмас.

* * *

Хушдурур боғи коинот гули,
Борчадин яхшироқ ҳаёт гули.



“Бирисин ой англа, бирисин қуёш”

Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг кўплаб асарларида оила ҳақида, фарзанд тарбияси борасида ибратли фикрларни билдирганлар. Бугун биз ул зотнинг ана шу хусусдаги айрим фикрларига қулоқ тутамиз.

Навоий бола тарбиясига унинг гўдаклигидан эътибор берилса дуруст эканлигини айтади. Аввал шуки, фарзандига ҳар ким яхши бир исм топиб қўйсин, кейин яхши муаллим-ўқитувчи танласин. Ҳўқитувчи қаттиққўл бўлса яна яхши. Оила бошлиғининг муҳим вазифаларидан бири — болалари билан бирга хотинига ҳам меҳрибон бўлиши, уни азиз, муҳтарам тутиши лозим:

*Завжаким ул бўлса аниси ҳарам,
Шаръ тариқи била тут муҳтарам.
Нафқа била нафсни тутма дариф,
Жонингға ифрот ила ҳам урма тиф.
Айламагил ҳулласини ранг-ранг,
Кийса дағи ҳужрада тутсун даранг.*

Лекин хотиннинг ҳар ерга бориши, бозор-қўйга ўрганиши, ясан-тусанга берилиши, Навоий фикрича, яхшилик аломати эмас. Эрнинг ҳамиятли, ғайратли бўлиши хотинга ҳам маъқул, хотинлар ижобий маънода рашк қиладиган эрларни яхши кўрадилар, деб уқтиради шоир.

Фарзанд зиммасидаги вазифалардан бири ота-она ҳақини адо этиш — уларнинг хизматини қилиб, розилигини олишдир. Бу ҳақда Навоий қуйидаги оташин сатрларни битган:

*Бир эрур макрумати волидайн,
Билки, мунунг қилмоғидур фарзи айн.
Бу икининг хизматини бир бил,
Ҳар неча ифрот эса, тақсир бил.
Бошни фидо айла ато қошиға.
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Икки жаҳонингға тиларсен физо,
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.
Тун кунунгға айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

Мазкур байтларнинг насрий мазмунини ҳам келтирамиз: “Бириси шуки, ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиш керак, шуни билки, буни қилишни фарз айн — зарурий вазифа деб ҳисобла. Иккаласининг хизматини бирдай бажар, ҳар қанча азоби ошиб кетса ҳам бош устига, деб қабул эт. Ота қошида бошингни, она-нинг бошига жисму жонингни фидо қил. Икки дунёнг обод бўлишини хоҳласанг — бу икковини рози қил. Уларнинг бирини ой, иккинчисини қуёш англаб, туну кунингни ёрит”.

Шундан кейин ота-онанинг насиҳати фарзанд учун қонун эканлиги, фарзанд ота-она олдида бурчдорлиги хусусида яна бир қанча байтлар келтиради. Навоий ота-онадан кейин қариндош-уруғ, ака-ука ва “силаи раҳм” — опа-сингилларга яхши муносабатда бўлиш борасида ҳам тўхталиб ўтган. Умуман, инсон ўз яқинларига раҳмдил бўлиши лозим. Ўз яқинларига раҳмдил бўлмаган одам бошқа бегоналарга ҳам раҳм-шафқатли бўлмайди — Навоийнинг тушунчаси шунақа.

Улуғларга хизмат, кичикларга шафқат. Шарқ кишилари учун асосий ахлоқ низомига айланган мазкур қоидани Алишер Навоий ҳам такрорлаб, аҳамиятини яхшилаб тушунтирган: бировни таҳқирлаш, беҳурмат қилиш ёмон, лекин номуносиб ҳурмат билдириш, ортиқча тавозе кўрсатиш ҳам керак эмас. Ўртача расмий муомала одоби, маҳалла-қўйда суҳбат, гап-гаштакларда ўтириш одоби ҳам Навоий эсидан чиқмаган. Ҳаммага яхшилик тилаб, яхши хулқ билан яшаш фойдали ҳаётга замин ҳозирлайди, дейди шоир.

Бадиҳа МУҲИДДИНОВА,
филология фанлари номзоди.

Муншаот — мактублар демак

Низомиддин Мир Алишер барчага баробар адолатнинг тимсоли эди.

Низомиддин Алишернинг адолати унинг катта-кичик барча ишлари, барча асарлари, жамият ва раиятга бўлган барча муносабатларида тўла намоён. Биз бу ерда Навоий шахсининг айрим бебаҳо қирралари гоят назик намоён бўлган — “Муншаот” асарига қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. Навоий даври ва Навоий номи билан боғлиқ ҳамда Навоийнинг ўз қаламига мансуб мактубларини ўрганган А. Ўринбоев, Ю. Турсунов, М. Ҳасанов сингари олимларнинг қимматли тадқиқотларига қараганда, Навоий умрининг иккинчи ярмида ўз замондошлари билан кўп ёзишмалар олиб борган. 1485-1499 йиллар орасида темурий шаҳзодалар ва подшоҳлар, ўз яқинларига ёзган мактубларини тўплаб, “Муншаот” номида асар яратган. Асар деганимизнинг боиси шуки, Навоий барча мактубларда мухотаблар (мактуб ёзилган шахслар)нинг номлари ва мактубларнинг қаерда, қачон, нима муносабат билан ёзилганлигини олиб ташлаган. Натижада муайян кишиларга жўнатилган мактублар шахсий воқелик доирасидан чиқиб, умуман бадийий ва чуқур инсоний қимматга эга бадийий асар турларига айланган. “Муншаот” — иншолар, яъни мактублар деганидир. Темур ва унинг издошлари даврида маданият юксак даражада гуллаб яшнаганлиги боисидан жамият, давлат ва фуқаролар ўртасида ёзишмалар ажиб бир тарзда ривож топди. Темурий подшоҳлар замонларида ва айниқса, ўн бешинчи асрда мактубларни йиғиб тўплам қилиш олижаноб одат тусига кирди. Навоий даврида ҳам кўпгина эътиборли муншаотлар яратилди. Ўзбек тилида яратилган илк муншаот китоби эса Навоий қаламига мансубдир. Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг биродари, Балх ҳокими Дарвиш Алининг тўқсонинчи йиллар атрофида бош кўтариши муносабати билан чиқарган нишонидан Низомиддин Амир Алишерни “салтанатнинг устун, давлатимиз таянчи, хоқонликнинг кифти”, деб баҳолайди. Навоийнинг мактублари у, чиндан ҳам, том маънода хоқонликнинг кифти бўлганлигини кўрсатади. Навоий шаҳзодалар ва кўпроқ Бадиуззамон Мирзога ёзилган мактубларида

уларни мамлакатни қандай бошқариш санъатига ўргатиб боради. Темурийлар учун алоҳида аҳамият ва моҳият касб этган ота ва ўғил муносабатларига муттасил диққатни жалб этади. Шаҳзодаларда қадим туркий ва исломий маданият асосида юксак ахлоқий сифатларни тарбиялашга жидду-жаҳд қилади. Шу билан бирга ўзи ва бошқа айрим замондошлари тўғрисида нозик маълумотларни қайд этиб боради...

Иброҳим ҒАҒУРОВ.

Ҳавас ва ҳайрат

- * Замондошлари унинг ҳақида кўпинча “Низомиддин Мир Алишер” деб ёзишган. “Низомиддин” — дин, диёнат низоми, дегани бўлиб, донишманд мансаб эгаларига бериладиган сифат, “Мир” — амир демакдир. Унинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад (уни Ғиёсиддин Кичкина ҳам дер эдилар) темурийлар саройининг амалдорларидан, хонадоннинг ишончли кишиларидан эди. Алишернинг бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан эмиқдош (кўкалдош) бўлган.
- * Алишер алоҳида тарбия ва назоратда ўсди. Кичиклик чоғидан шеър ва мусиқага ишқи тушди. Олиму фозиллар даврасида бўлди. Уч-тўрт ёшларида ўша даврнинг машҳур шоири Қосим Анворнинг бир шеърини ёд айтиб, меҳмонларни ҳайратга солди. Унинг зеҳни ва иқтидори ҳақидаги гаплар эса эл орасида тарқалиб борди.
- * Бўлажак шоир болалигиданоқ Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”, “Бўстон” асарларини, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” (“Қуш нутқи”) ни сўнгсиз иштиёқ билан ўқиди. Айниқса, қушлар тилидан келтирилган ҳикоятлар ва уларнинг чуқур мазмуни Алишернинг ўй-хаёлини батамом эгаллаб олди...
- * Бир муносабат билан у 50 минг байт, 100 минг мисра шеър ёд олганини айтади. Навоий 15 ёшларида ўз шеърлари билан замонасининг машҳур шоирлари диққатини тортди. Хондамирнинг ёзиши-

ча, шеърлари билан эндигина танилиб кела бошлаган Алишер ўз даврининг донгдор шоири Мавлоно Лутфий хизматига боради. Мавлоно ундан шеър ўқишни илтимос қилади. Алишер ўзининг:

*Оразин ёнғоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш.*

матлаъи билан бошланадиган ғазалини ўқийди. Шеърдан ҳайратга тушган Лутфий бундай дейди: “Валлоҳ, агар муяссар бўлса эди, ўзумнинг форсий ва туркий тилларда айтган ўн-ўн икки минг байтимни шу ғазалга алмаштирардим ва буни ўзимнинг катта ютуғим деб ҳисоблар эдим”. Бу туркий шеърятга жуда катта истеъдод кириб келаётганидан нишона эди.

Ҳ И К О Я Т

Уқувсиз боғбон, танбаллик ва хомхаёл хусусида

Бир уқувсиз боғбон бор эди. У боғбонлик санъатидан беҳабар эди. У на дарахтга пайванд қилиб, ундан ҳузур-ҳаловат берувчи мева олишни, на дарахтларни парвариш қилиб ўстиришни ва на ўз вақтида гули ҳосилга кира оладиган дон сепишни биларди. Боғ аро хас-хашак териш билан хурсанд эди. Аслида уни боғбон эмас, хашакчи дейиш керак эди. У шу тарзда заҳмат чекиб, ўз умрини ўтказар эди. Яқин ўртоқлари унга бу хил самарасиз ишни ташлаб, ўзингни фойдали иш билан овут, деган тарзда панд-насихатлар қилар, у эса буларга сира қулоқ солмас эди. Жоҳил боғбон бу машаққатли иш билан шуғулланишни тарк этмади. Кунлардан бир кун у жўяклар оралаб ток кесиб юрганида, уни илон чақиб ўлдирди.

Халқ орасида бир ишёқмас, танбал киши бор эди. Одамлар унинг беғайратлигидан ҳайрон қолар эдилар. У одамлардан мушт, шапалоқ ёки тепки ер, бунинг эвазига улардан бир бурда нон ёки таом олиб, кун кўрарди. Кишилар уни қувиб юборсалар ҳам, ҳеч қаерга кетмай, ўзининг ёмон қилиқларини тарк этмасди. У

тортадиган жафоларга маълум бир нарх тўғрилаб қўйган эди. Қайси бир киши уни бир тепса ёки урса, у ўша кишидан бунинг ҳақини талаб қилиб олар, қўлига тутган нарсани дарҳол оғзига солар эди.

Кунлардан бир куни кимдир унинг қўлига бир парча нон бериб, шундай мушт туширдик, натижада танбал ер тишлаб қолди. Гарчанд у шапалоқлар еб, қорнини тўйгазиб юрган бўлса-да, бир мушт билан энди қайта ўрнидан турмайдиган бўлди.

* * *

Бир тоғлик одам тоғдан айиқ тутиб олди ва уни кўп азият чекиб, қўлга ўргатди. Илгари саёқ юрган айиқ эгасига ром бўлгунга қадар кунда икки марта ўлгунча таёқ ер эди. Очлик азоби ва еган беҳисоб таёғи ичи ва ташини эзиб ташлаган эди. Шу сабабли эгаси унга бир ёғоч кўрсатса, айиқ ювошлик билан унга бўйин эгарди. Шу тарзда айиқ кўча-кўйларда ўйинчилик қилиб юрар, эгасининг уйига ўтин ташиб келтирар эди. Хўжаси унга ҳаддан кўп юк ортар, айиқ юк ташийверганидан эғнида ҳатто тук қолмаган эди. Хуллас, у бу дунёда қанча жабру жафо бўлса, ҳаммасини татиб кўрган эди. Аммо жаҳолати туфайли нафсида такаббурлик ортиб кетди. Гоҳ макру ҳийла ва хусумат тоши билан қоплон бошини янчиб ташлайман, деб хаёл қилар, гоҳ даҳшатли шер йўлиқса ҳам, таом учун унинг қорнини дадил ёриб юбораман. деб ўйларди. У шу сифат ҳар хил хом хаёлларга берилиб юрди. Охиروقибатда унинг ўзи бир кун итларга ем бўлди...

“Лисон ум-тайр” (насрий баёни) дан

“...Хизматим бўстони сидқ ва сафо саҳобидин сероб”

Бугун мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳридан бошлаб чекка ва олис гўшаларда ҳам муҳташам бинолар, иморатлар ва иншоотлар, киши ҳавасини келтирувчи йўллар ва кўприклар, шаҳарлар инфраструктурасини тубдан янгилашга қаратилган беқиёс бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Тарихимизга назар солсак, XIV-XVI асрда Амир Темуր томонидан олиб борилган бунёдкорлик яловини Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқалар давом эттириб, мадраса, хонақоҳ, кўприк, йўл, ҳаммом, шифохона ва бошқа иншоотларни қурдириб, юрт ободлигига, халқ турмушининг яхшиланишига улкан ҳисса қўшдилар. Биз қуйида Алишер Навоийнинг ана шу бунёдкорлиги ҳақида фикр юритамиз.

Ҳар сафар Алишер Навоий асарларини мутолаа қилганда, бу даҳонинг нафақат ўзбек адабиётини ривожлантириш, балки Ҳирот адабий муҳиtida юзларча адибларга устозлик вазифасини бажариб, уларни шахс сифатида камол топишларига кўрсатган беқиёс хизматлари, беҳисоб “бинои хайр”лар барпо этганлигига амин бўламиз. Навоий умр мазмуни ва ҳаётининг борини халққа бахшида этган зотдир. Унинг Фарҳод, Ширин, Искандар, Паҳлавон Муҳаммад, Сайид Ҳасан Ардашер шахсиятлари, салафларига бўлган муносабатида жамиятдаги яратувчанлик хислатлари алоҳида меҳр билан қуйлангани кўз ўнгимизда гавдаланади.

Навоий ижодидаги бу жиҳат ҳали у ҳаёт бўлган пайтидаёқ замондошлари томонидан алоҳида таъкидланган, дедик. Айниқса Бобурнинг “Бобурнома”, Фиёсиддин Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор”, “Ҳабиб ус-сияр”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”, Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” ва бошқа асарларида Навоий қурдирган жуда кўп бинолар ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Заҳириддин Бобур Навоийнинг бунёдкорлик хислатини “Бобурнома” асарида алоҳида меҳр билан таъкидлайди. У Навоийнинг бунёдкорлик ишларини номма-ном санаб ўтмаса ҳам унинг Хуросон султони Ҳусайн Бойқаро (Мирзо)га ҳатто моддий ёрдам бер-

ганлигини таъкидлайди. “Мирзодин нима олмас, балки йилда мирзога куллий маблағлар пешкаш қилур эди”, дер экан, унинг моддий имконияти нақадар юксак бўлгани ва қурдирган барча бинолари ўзининг маблағи билан бунёд эканлигига ишора қилади. Шу қатори, Бобур Навоийнинг хизматини энг аввало ўша давр адабий, маданий ҳаётидаги улкан улушида деб билади ва қуйидагича таърифлайди: “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай”. Бобурнинг таърифида Навоийнинг юқоридаги Хирот маданий ҳаётининг гултожлари бўлган санъаткорлар, машҳур шахсларни тарбиялаб камолга етказиши унинг хайр ишларни кўзлаб қурган бинолари қатори ижодкорлик, яратувчанлик сирасига киритилган.

Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор” асарида ёзишича, у Марҳани деган жойда ариқ қазиш, зовурларни тозалаш, кичик бинолар қуриш билан эзгу ишларга бош-қош бўлган бўлса, кейинчалик бу каби хайрли юмушлар қўлами кенгайиб борган. Хондамирнинг ёзишича, Навоий йигирмага яқин ҳовуз қаздирган, 16 кўприк ва 2 тўғон ҳам бунёд этганки, бу иншоотларнинг барчаси, энг аввало, оддий халқ манфаатига хизмат қилган.

Алишер Навоий қурдирган бинои хайрларнинг санаб адоғига етмайсан, киши. Ўзининг таъкидлашича, бу даврда у “фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариб ва мусофирларнинг фароғати учун” ушбу иншоотларни қурдиради. Улардан бири машҳур “Ихлосия” мадрасаси бўлиб, Навоий бу мадрасага юксак ихлос билан қараган, мадраса ва хонақоҳларда истиқомат қилувчи аҳли илмга моддий ёрдам берган.

Алишер Навоий “Вақфия” асарида бир умр ижодкорлик, яратувчилик иши билан шуғулланганлигини, бу иш унинг умр мазмунига айланганлигини қуйидаги нозик ва айна пайтда бадийий жило билан оро берил-

ган сатрларда баён этади: “Агарчи дарёға қатра мадад-корлигинин суде ва яди байзоға зарра ҳаводорлигинин мақсуде мумкин ва мутасаввар эрмас, аммо ул қадар хизматдаким, хастаға қувват эрди ва ул миқдор мулозаматдаким, бу шикастаға тенгри тоқат берди, жонсипорлиқ расмин унутмадим ва эҳмол ва тасоҳул раво тутмадим. Чун ниятим гулистонида зарқ ва риё хошоки ноёб эрди ва хизматим бўстони сидқ ва сафо саҳобидин сероб.”

Албатта, муҳтарам ўқувчимизда Алишер Навоий бунчалик хайр ишларини қайси даромад асосида амалга оширди экан, деган ҳақли савол туғилиши аниқ. Шунини айтиш мумкинки, Навоий ўз даврининг катта даромадга эга шахсларидан бири бўлган. Лекин, гап кишининг бой-бадавлат бўлишидан кўра, уни халқ манфаатига, ночор кишиларнинг мушуқулини енгиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлики, Навоий шахсияти бунга ёрқин мисолдир.

Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида Навоийнинг хайру саховати, шоғирдпешалиги, илм, адабиёт, санъат аҳлига кўрсатган ҳомийлигига оид нодир маълумотларга дуч келамиз. “Шундай қилиб ўша замонда халқнинг турли тоифалари ичидан фозил, беназир инсонлар чиққани унинг (Навоийнинг) саъй-ҳаракатлари туфайлидир. У Мир сифатида шундай жидду жаҳд кўрсатдики, натижада катта бойлик тўпланди, деҳқончиликдан ва бошқа тарафлардан тушган кунлик даромад ўн саккиз минг шоҳрухийни ташкил этган, ўз амирлик мансабининг барча жиҳатларини — хизматкорларни, мулозимларни, хазинани, сайисхонани, подшоҳлик иморатларини у Султон Ҳусайн мирзонинг нойиби амир Бобо Алига топширган, бу ўша даврнинг буюк сипоҳларидан эди. У қудрати етгунча унга ёрдам сўраб мурожаат қилган муҳтожларга, олиму фозилларга ҳомийлик қилди. Ўз мулкидан тушган барча даромадни эл-юрт фаровонлиги учун хайрия ишларига сарфлади”.

Биз Алишер Навоийнинг бундан қарийб олти аср муқаддам том маънода яратган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритдик. Улуғ шоирнинг бу фазилати кишиларини эзгулик сари тарбиялашга, илм ва таълимга юксак ихлос билан қарашга, инсонда фақат яхши

хислатларни сингдиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидирки, буларнинг барчаси кўз ўнгимизда буюк Навоий шахсиятини яна бир карра улуғлайди.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
*филология фанлари доктори,
профессор.*

Алишер Навоий мероси хорижий муаллифлар нигоҳида

Жаҳон адабиёти хазинасига бебаҳо дурдона бўлиб қўшилган классик мерос асрлар давомида авлодларни тарбиялаб келди ва бундан буён ҳам шундай улуғвор вазифани адо этаверади. Зеро, адабиёт тарихи мутахассислари зиммасига жаҳон классик адабиётини тадқиқ этиш орқали янги замон кишисини тарбиялашдай муқаддас вазифа қўйилган экан, улар энг аввало, ишни ўтмишдаги буюк сиймоларнинг бой меросларини замон хизматига йўналтирмоқ ва ўтмиш маданиятимиз тарихига ташна халқимизнинг талабларини қондирмоқдан бошламоқлари мақсадга мувофиқдир.

Улуғ зотлар асарлари ҳамиша инсон тарбиясида катта аҳамият касб этиб келгани азалдан аён. Бобокалонимиз Алишер Навоий ҳам ана шундай буюк ижодкорлар сафидан мустаҳкам ўрин олган. Унинг асарлари инсонпарварлик, дўстлик, халқлар дўстлиги ғоялари билан суғорилган бўлиб, уларда ҳақиқий севги, адолат каби энг олий инсоний хислатлар ўзининг муносиб ифодасини топган. Инсонни улуғлаш ва севгини тараннум этиш Навоий ижодининг марказида турган энг ҳаётий мавзулардан биридир.

Алишер Навоий шахсияти ва унинг ижодига бўлган қизиқиш у ҳали ҳаётлигидаёқ бошланган эди. Ғоявий-бадий жиҳатдан юксак бўлган асарлари илгаридан қардош халқлар тилларига таржима қилиниб келган. Кейинчалик форс-тожик тилида ҳам Навоий асарлари ҳақида қатор илмий ишлар юзага кела бошлаган. Яқингача Фарбий Европа адабиётшунослиги Навоий ижодига бефарқ қараб, унинг асарларини таржималардангина иборат деб янглиш тасаввурда бўлиб келди. Хо-

рижда Навоий ижодига бўлган муносабат 50-йиллардан кейин шаклланди.

Алишер Навоийнинг шоҳ асари “Хамса” жаҳон адабиётида ўзининг муносиб ўрнини олганлигини бу асарга бўлган дунё бўйича қизиқишнинг узоқ даврга бориб тақалишининг ўзидан ҳам билиб олса бўлади. Навоийнинг “Хамса” асари таркибига кирган «Сабъаи сайёр» достони асосида XVII асрда грузин шоири Нодар Цициашвили «Барамгуриани» асарини яратган. Шоир Навоийнинг ушбу достонини Низомий ва Хусрав Деҳлавийларники билан қиёсий ўрганиб, уни онгли равишда ўзининг келажак асари учун асос қилиб олади. Нодар Цициашвилининг асари билан юзаки танишишнинг ўзидаёқ унинг нақадар «Сабъаи сайёр» билан ҳамоҳанг эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

*Ақлга бовар қилмайдиган ушбу афсона форсча эди,
У ҳақда Низомий Ганжавий, доноларнинг доноси ёзди,
Унга тили бой хоҳон соҳиби Хусрав Деҳлавий татаббуъ қилди.
Хусрав ўздими ёки Низомийми, бизга буниси номаълум.
Лекин Навоий бу афсонани чигатой тилида ёзди.*

У каби шеър санъаткорини ким яна кўз олдига келтира олади.

Сўнгра Жомий, ақл заковатда тенги йўқ шоир форсча ёзди.

Буларнинг тўртталасини шеърларини ўқиган киши ҳайратда қолади. Мен фақир уларнинг тўртталасининг шеърларига қандай қилиб тасаннолар ўқий? Уларнинг шеърлари менга доноликни ўргатди. Мен бу достонни грузин тилига таржима қилиб, уни шеърини услубда баён қилмоқчиман. Худонинг мадади билан мен бу мушкул ишга қўл урдим, мен уларни ёза олармиканман?

Алишер Навоийнинг қадимги ҳинд ёзма адабиётидан, унинг тарихий манбаларидан, хусусан, турли ибратомуз эртақ ва қиссаларидан кенг истифода қилганлигини олиб борилаётган тадқиқотлардан биламиз. Дарвоқе, «Сабъаи сайёр» достонига кирган ҳикоялардан айримларининг илдизларини қадимги ҳинд адабиёти ва мифологиясининг ёрқин саҳифаларида кўришингиз мумкин. Алишер Навоий асарларини қадимий ёзма адабий ёдгорликлари билан қиёсий ўрганиш шунини кўрсат-

дики, энг аввало, уларда бир-бирларини яқинлаштирадиган қандайдир умумийлик, иккинчидан, ҳар бир тадқиқ этилаётган асар ўзининг прототипидан тарихий давр нуқтаи назаридан кескин фарқ қилиши аниқланади. Бу ҳолни Навоий “Хамса”сидаги қаҳрамонлар силсиласида яққол кўриш мумкин. Бу образлар орқали биз Ер юзидаги кўплаб халқларнинг ҳаёти, уларнинг урф-одатларини ўзида мужассамлантирган ёрқин лавҳаларни кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Ана шундай ҳикоялар мисолига, бизнинг фикримизча, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонига кирган Фаррухнинг муҳаббати ҳақидаги афсонани киритиш мумкин. Навоийнинг бу ҳикоясини қадимги ҳинд ҳикояси «Унмадаяпти ҳақида джатака» ва унинг Арья Шура (IV аср) томонидан тузилган «Джатакамала» номли санскрит тўпламига киритилган ҳикоялари билан солиштирса бўлади. Бу образнинг генетик куртаклари эса бошқа томондан араб адабиётида шуҳрат топган ва эзгуликка асос бўлиб хизмат қилиб келган Ахийлик ғоялари билан чамбарчас боғланади.

Ҳикояларнинг асосий мавзуида, воқеаларнинг баён этилишида катта ўхшашликлар бор, шу жиҳатдан Навоий ҳикоясидаги ҳинд шаҳзодаси Фаррух билан олижаноб Ахий тўғрисидаги афсонани қадимий ҳинд ҳикоясининг давоми, бадиий жиҳатдан тақомиллаштирилган варианты деб қараш ҳақиқатга яқиндир. Навоийдаги Ахий ҳинд ҳикоясидаги Абхипарагга, Фаррух-Бахтисаттвага, Ахийларнинг хотини Унмадаяптига ўхшайди. Навоий новатор ижодкор сифатида бу ҳикоя сюжетига инсонпарварлик йўналиши ва халқлар дўстлиги руҳини бағишлаш каби муҳим вазифа ҳам зиммасида турганлигини яхши билган. Шунинг учун Алишер Навоий ҳинд ҳикоясидаги амалдорнинг қиёфасини батамом ўзгартириб, ҳаётда инсонларга яхшилик қилишни асосий мақсад қилиб қўйган Ахийнинг идеал образини яратади.

Сўнгги йилларда Ҳиндистонда амалга оширилган изланишлар натижасида буюк шоиримиз Алишер Навоий ижодий мероси Ҳиндистон форсийгўй адабиётида маълум из қолдирганлигини далилловчи қатор манба ва қўлёзмаларни юзага чиқарди.

Изланишлар шуни кўрсатадики, ўзбек тилидаги асарларни форс тилига ағдаришда ва ҳинд ўқувчисига етказишнинг муҳим усулларида бири ўзбекча-форсча

луғатлар яратишдан бошланган. Шу боис бўлса керак, Ҳиндистонда бу соҳада жуда кўп ижодкорлар турли-туман луғатлар яратганларки, уларнинг қўлёзма нусхалари ниҳоятда кўп.

Алишер Навоийнинг мактаб дарслиги сифатида тартиб этилган оддий терма девони нусхасининг Бомбейдаги Кома тадқиқот маркази хазинасидан топилиши эса, шоир шеърӣ меросининг мактабларда ҳам қўлланма сифатида истифода этилган бўлиши мумкин деган тахминларни уйғотади. «Мажолис ун-нафоис» асарининг форсча қўлёзмасининг Мадрас Давлат Шарқ қўлёзмалари кутубхонасидан ўрин олганлиги, «Фаройиб ус-сигар» девонининг Ҳиндистонда тартиб этилган қўлёзмаси, «Садди Искандарий» асарига Муҳйиддин томонидан «Фавойиди Алишерий» номи билан форс тилидаги шарҳдан иборат қўлёзманинг Ҳайдарободдаги Усманий Дорулфунуни кутубхонасида сақланаётганлиги эса, Навоий асарлари таржималарининг кенг тарқалиш кўлами ва Навоий ижоди маҳсулларидан қадим қадимдаёқ барча халқлар истифода қилиб келганлигидан дарак беради.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, Ҳиндистонда Алишер Навоийнинг асарлари таржималари орасида кенг тарқалгани «Мажолис ун-нафоис» асаридир. У форс тилига бир неча бор ағдарилган. Бу ишда дастлаб Султон Муҳаммад Фаҳрий (1521 й., Ҳирот), Муҳаммад Қазвиний (1523 й., Истанбул) ва Шоҳали Абдулали (1598 й., Нишопур) хизматларини таъкидлаш керак. Изланишлар шоирнинг бу асари Ҳиндистонда ҳам таржима қилинганлигини кўрсатмоқда. Бу хайрли ишга Абдулбоқӣ Шариф Вафо қўл урган. У мазкур асарнинг 1491 йили кўчирилган нодир қўлёзмасидан фойдаланган ҳолда унинг форс тилига таржимасини муваффақиятли амалга оширган.

Мазкур асарларни тарғиб қилишнинг яна бир ёрқин намунаси туркий тилидаги асарларнинг асосий матни айна келтириш билан бирга уларнинг муқобаласида форсий таржималарини келтириш, айрим ҳолларда эса форс тилида шарҳлаш усулларидан кенг фойдаланилган. Шундай ишларнинг сирасига Муҳйиддиннинг Навоий «Садди Искандарий» асарининг форсий

тилидаги «Фавойиди Алишерий» номли шарҳи, Мирза Алибахт Азфарий Кўрагоний томонидан амалга оширилган «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг форс тилидаги шарҳий таржимаси, Бобурнинг мазкур таржимон бажарган «Аруз рисоласи»нинг форсий тилидаги шеърини таржимасини, Бобурнинг яна «Саларжанг» музейида сақланаётган девонининг ўзбекча матни ораларига майда хат билан амалга оширилган форсий таржимасидан иборат қўлёзмаларни келтириш мумкин.

Алишер Навоийнинг бой мероси нафақат шарҳ, балки ғарб олимларининг ҳам диққат марказида бўлиб келган.

XVI асрнинг охирларидан XVII асрнинг бошларигача Навоий асари италян тилида 4 марта, немис тилида 5 марта чоп этилган. Булар орасида «Фарҳод ва Ширин», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб» асарларидан немис тилига ўгирилган асарларни таъкидлаб ўтиш жоиздир. Олимларнинг таъкидлашича бу таржималар орасида А.Курелланинг «Фарҳод ва Ширин» дostonининг таржимаси ўзининг бадиий юксаклиги билан эътиборга моликдир.

Немис олими Альфред Курелла Навоий ижодига юксак баҳо бериб шундай илиқ сўзларни айтган экан: «Буюк новатор Навоийнинг дostonлари, рубоий ва эпиграммаларида тараннум топган озод руҳга Гёте бутун шодлигини бахшида этган бўлур эди».

Навоий меросига XIX асрдан бошлаб француз шарқшунослари ҳам кенг қизиққанлар. Француз олимларидан С. Де Саси, Э.Катрмер, Ф.Белен ва айниқса Луи Арагон Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва оммалаштиришда кенг фаолият кўрсатганлар. Луи Арагоннинг қайд қилишича Алишер Навоий адабий мероси асрлар оша халқ қалбида яшаб келди ва келажакда яшайди.

М.Холбековнинг қайд қилишича, Алишер Навоий ижодини чет эл китобхонларига етказишда ва тарғиб қилишда инглиз, немис, француз, испан, поляк, венгер, чех, словак тилларида чиқарилаётган «Леттр» («Адабиёт») журнали ҳам катта фаолият кўрсатиб келмоқда.

Сўнги маълумотларга кўра, Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарининг инглиз тилидаги наشري ҳам амалга оширилаётганлиги ғарбда Навоий асарларини ўрганишнинг янги палласи бошланганлигидан далолат беради. Шунини ғурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, Алишер Навоийнинг жаҳоншумул аҳамиятга молик бой меросидан Европа халқларини ҳам ошно этиш шарафига муяссар бўлмоқдамиз.

Навоий инсонийлик, тинчликсеварлик, маърифат-парварлик ғояларини катта санъаткорлик билан тараннум этган буюк ижодкор, туркий халқлар тили ва адабиётини жаҳон миқёсига кўтариб чиқа олган даҳо адибдир. Шу жиҳатдан у жаҳон адабиётининг энг ёрқин сиймолари Ҳомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Саъдий, Шекспир ва Бальзак қаторидан муносиб ўрин олган. Улуғ озарбайжон шоири Фузулий Алишер Навоий ижодига юксак баҳо бериб, уни «Султони салотини шуъаро» деб атаган. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас», деб Навоийни улуғлагани бежиз эмас. Мана, беш асрдан зиёд вақт ҳам ўтибдики, қомусий билимларни ўзида мужассамлаштирган бу улуғ мутафаккир шоирнинг жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган ўлмас асарлари янгидан-янги авлодларга хизмат қилиб келмоқда. Унинг бизга қолдирган улкан ва бой мероси умуминсоний маданиятнинг хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди. Уларда порлоқ ҳаёт билан боғлиқ олижаноб фикрлар олға сурилган. Шунинг учун ҳам Навоий асарлари ҳам макон, ҳам замон билан доимо ҳамоҳанг, ички муносибликка эгадир. Шоиримиз комил инсоннинг олий вазифаси ҳақида шундай деб ёзган эди:

*Одами эрсанг, демагил одами,
Они ким йўқ халқ ғамидин ғами.*

Навоийнинг ўлмас асарлари ҳаётга муҳаббат, инсон қадр-қимматини улуғлаш, халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик каби инсонпарварлик руҳи билан суғорилганлиги унинг жа-

ҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган-
лигидан гувоҳлик беради.

Саидбек ҲАСАНОВ

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги

*Давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари
доктори, профессор.*

Ажаб саодат эзур...

Ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий жаҳон адабиётининг сиймолари — Ҳомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Шота Руставели, Саъдий ва Жомий каби буюк сиймолар қаторида турадиган улуғ шоир ва мутафаккирдир. У “Муҳокамат ул-луғатайин” асарида “...умидим улдурки ва хаёлимга андоғ келурким, сўзум мартабаси авждин қуйи инмагай ва бу тартибим кавқабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай”, деган эди.

Улуғ бобомизнинг бундай деб айтишларига асослар кўп. У умр бўйи ўз ижодини инсониятнинг бахту саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ободчилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиётнинг тараққиётига бағишлади. У улуғ инсонпарвар давлат арбоби, донишманд, ўзбек адабий тили ва мумтоз адабиётини янги тараққиёт босқичига кўтарган буюк сўз санъаткори, қомусий олим сифатида иш юритган. У жуда қимматли ва гўзал бадиий асарлар яратиш баробарида даврнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига раҳбарлик қилди. Айниқса, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлига ҳомийлик қилиб, юзлаб олиму шоирларнинг камол топишига ёрдам берган. Фикримизнинг исботи учун қуйидаги маълумотларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Биринчидан, Темурийзода Ҳусайн Бойқаронинг марказлашган йирик давлат барпо этишига кўмаклашди ва унинг энг яқин маслаҳатчисига айланди. У мамлакатда қирқ йилга яқин вақт мобайнида тинчлик-осойишталик ўрнатишда унга кўмаклашди. Натижада мамлакатда деҳқончилик, чорвачилик, илм-фаннинг тараққиёти учун имкониятлар яратилди.

Навоий даврига қадар туркий-ўзбек тилини қолақ тил, бу тилда бадиий, илмий асар ёзиш мумкин эмас, деган қарашлар мавжуд эди. У туркий тилнинг камситилишини ҳимоя қилиб, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида тилимизнинг нечоғлик гўзал, жилвадор эканини исбот этди. Масалан, туркий тилдаги “ўт” сўзининг 26 хил маъноси борлиги, қушларнинг, паррандаларнинг юзлаб номлари бор эканини бу сўзлар орқали шеърийнинг ранго-ранг товланишларини, яъни, бир сўз орқали турли хил маъно англата олишнинг чексиз имконият мавжуд эканини ўз асарлари орқали кўрсатди.

Шоир ўткинчи дунёда кишиларнинг бир-бирига яхшилик қилишга, ўзидан яхши ном қолдиришга чақирар экан, мана бундай деб ҳайқиради:

*Бу гулшан ичра йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик билан от.*

XV аср Навоий яшаган даврда улуг озарбойжон шоири Низомий Ганжавий бошлаган ҳамсачилик анъанага айланган эди. Навоийгача ва Навоий даврида “Хамса” ёзганлар ва “Хамса” ёзишга киришганлар сони юздан ортиқ бўлса-да улардан уч киши: Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий ва Алишер Навоий ҳазратлари тан олинган.

Алишер Навоий ҳамсачиликда ҳам устозлар изидан бориб, улар бошлаган ишни энг юксакка кўтарди. У ёзган “Хамса” жаҳон илм аҳлини ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Устоз Абдурахмон Жомий ҳазратлари Навоий “Хамса”сини ўқиганда, ўз ҳайратини қуйидаги сатрларга солган эди:

*...Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от,
Қайта бошдан сўзнинг юзи порлади бот.
Сенинг ақлу фикринг билан сафо топти.
Эй Навоий, лутфинг билан наво топти,*

- деб ёзган эди.

Ҳазрат Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонида олам гўзаллигини қушлар номи билан тараннум этган бўлса, “Маҳбуб ул-қулуб” асарида жамиятдаги аҳвол ва кишиларнинг феъл-атворларини, одобу ахлоқлари қандай бўлиши лозимлиги ҳақида сўз юритади. Шу билан бирга юзлаб халқ мақолларини асарига олиб

киради ва унинг абадийлигини таъминлайди. Жумладан, “Саховатсиз киши — ёғинсиз абри баҳор”, “Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз” каби мақолларни ишлатганки, булар Навоий асарларининг гўзал ва таъсирчан чиқишида бир восита бўлса, Навоийнинг халқ ҳаёти билан нақадар яқин бўлиб яшаганини кўрсатади.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида 459 нафар бадий адабиёт билан шуғулланган турли касб эгалари ижоди ҳақида сўз юритган, улар томонидан яратилган асарларнинг ютуғидан қувонган, камчилигини тузатган. Шуниси эътиборга лойиқки, устоз Алишер Навоий ёшлар тарбиясига ҳам катта эътибор берган. У ўз маблағи ҳисобидан Беҳзод, Султон Али сингари юзлаб турли соҳа бўйича иш юритган ёшларнинг камол топишида беназир хизматларни амалга оширган.

Навоий тарихчи олим сифатида “Тарихи мулуки ажам” ва бошқа тарихий асарлар ҳам ёзган. “Насоим ул-муҳаббат”, “Вақфия”, “Қирқ ҳалис”, “Муншаот”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” ва бошқа асарларида ижтимоий-сиёсий масалаларнинг турли соҳаси ҳақида сўз юритилади.

Биз мустақиллик туфайли улуғ аждодларимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ва мустақиллик ғоялари асосида кўриб чиқиш имкониятига эга бўлганимздан кейин билдикки, аждодларимиз қолдирган маънавий ва моддий мерос жаҳон халқлари олдида беқиёс экан. Биз ана шу авлод вакиллари эканимиздан фахрланиш билан бирга уларнинг муборак номларини асрлар оша олиб ўтадиган ва ўшалардек дунё ҳамжамиятида из қолдирадиган авлод бўлиш учун курашмоғимиз керак.

Олимжон Жўраев,
Жиззах Давлат педагогика институти профессори.

ЭЙ САБО

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,
Йигларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.

Буки онинг аҳду паймонида мен ўлсам доғи,
Яхши фурсат топсанг ул бадахду паймонимға айт.

Буки онинг зулфи зуннорида диним ҳосили,
Куфр ила бўлмиш мубаддал, номусулмонимға айт.

Буки қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.

Буки юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,
Васлиға бир ваъда қилғандин пушаймонимға айт.

Буки юз минг фитна кўзлук бўлса пайдо онсизин,
Қилмағум наззора онсиз кўзи фаттонимға айт.

Буки чок айлаб яқо усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб, эл жон топар бебок нодонимға айт.

Даҳр боғи гуллари ҳусни вафосиз эрканин
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.

Эй Навой, ҳеч гулшаннинг сенингдек хуш наво
Булбули йўқ эрканин шоҳи суҳандонимға айт.

...ЎЗГАЧА

Ваҳки, чамандин яна эсти шамол ўзгача,
Ҳар дам ўлур атридин кўнглума ҳол ўзгача.

Булбулу қумри чекиб лаҳну наво ўзга навъ,
Кўргузадур сарву гул ғанжу далола ўзгача.

Савсан ўлуб сарбаланд, ғунча қилиб нўшханд,
Элга алардин етиб дафъи малол ўзгача.

Сунбули пуртоб ҳам, лолаи сероб ҳам,
Дуд ила ўтдин бўлуб шибху мисол ўзгача.

Кирди магар дилбарим, хури пари пайқарим,
Гулшан аро кўнглида фикру хаёл ўзгача.

Бўлса манга доғи йўл, андаки айш айлар ул,
Қилсам эди маст ўлуб қолу мақол ўзгача.

Умри абад топқамен, тутса манга бир қадах,
Нашъаи майдин анга ҳусну жамол ўзгача.

Даҳрда йўқтур карам, даҳрнинг аҳлида ҳам,
Қилмағасен, эй кўнгил, фикри муҳол ўзгача.

Зухд, Навоий санга бермади масжидда файз,
Эмди кириб дайр аро, тарҳни сол ўзгача.

САРВ ҚАД ГУЛРУХЛАР...

Сарв қад гулрухлар ўтмас хотири ношодима,
Сарву гул кўрсам, алар киргай магарким ёдима.

Уйла гардун зулми этмиш рўзгорим тийраким,
Ёрута олмас қуёш кирса харобободима.

Нега фарёд этмайин, ёхуд нетай фарёд этиб,
Бўйлаким, фарёд этиб, етмас киши фарёдима.

Қазмаса кўнглум яна ғам Бестунин яхшироқ,
Ҳеч Ширин лаб чу қилмас раҳм бу Фарҳодима.

Шўхлар мужгонидин зухдум қутулсин, ваҳ, неча
Игна бирла нақб тешмак қалъаи пўлодима.

Май қуёшин дайр аро ҳар дам чекар бўлсам, не ғам,
Гар қуёш тиғин фалак ҳар дам чекар бедодима.

Эй Навоий, офият кўйи ғаниматдур валек
Найлайн, гар кирмаса шайдо кўнгул иршодима.

КОШКИ

Очмағай эрдинг жамоли оламоро кошки,
Солмағай эрдинг бори оламда ғавғо кошки.

Чун жамолинг жилваси оламға солди рустахез,
Қилмағай эрди кўзум они тамошо кошки.

Бўлмағай эрди кўзум ўтлуқ юзунг кўрган замон,
Ишқинг ўти шўьласи кўнглумда пайдо кошки.

Айлагач ишқинг балоси зор кўнглумни ҳазин,
Қилмағай эрдинг мени маҳзунға парво кошки.

Тушмағай эрди фирибомиз лутфунг билмайин,
Нотавон кўнглумға васлингдин таманно кошки.

Лутф ила кўнглумни васлингдин тамагар айлабон,
Қилмағай эрдинг яна зулм ошкоро кошки.

Бевафолиғ англағач ишқингни кўнглум тарк этиб,
Қилмағай эрди ўзин оламда расво кошки.

Эмди ким девонаю расвойи олам бўлмишам,
Васл чун мумкин йўқ ўлтургай бу савдо кошки.

Эй Навоий, бевафодур ёр, бас не фойда
Неча ким десанг агар, ёхуд магар, ё кошки.



Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиг кун эдиким, ошно бўлдум санга?!

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Мен қачон дедим вафо қилғил манга, зулм айладинг,
Сен қачон дединг, фидо бўлғил манго, бўлдум санга.

Қай парипайкарга, дерсен, телба бўлдунг бу сифат,
Эй парипайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санга!

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим — аввора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга!

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиде, то тарки жоҳ айлаб, гадо бўлдум санга.

Гусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.



ҲАЙРОН АЙЛАМА

Ё Раб, ул юзни даме кўзумга пинҳон айлама,
Ё кўзумни андин ўзга юзга ҳайрон айлама.

Чехрасига мизбон ўлсун кўзум, ул чехрани
Кўзларим уйидин ўзга уйга меҳмон айлама.

Очмайин зулфи паришон кўнглума чектурма оҳ,
Ётмайин оҳим ели зулфин паришон айлама.

Жонима лаълидин ўзга лаълдин берма ҳаёт,
Лаълига жонимдин ўзга жонни қурбон айлама.

Бошима кўйидин ўзга кўйни қилма ватан,
Кўйида бошимдин ўзга бошни ғалтон айлама.

Эй кўнгул, давр аҳлидин минг йилчилик йўл гўша тут,
Ё алардин етса юз минг ғусса афгон айлама.

Истасанг, эй гул, Навойдек хуш илҳон булбуле,
Гунчадек кўнглуг маломат хоридин қон айлама.



КЎНГЛУНГ ИСТАР ЁРЛАР

Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамиша шод бўл,
Мендину кимдинки, кўнглунг истамас, озод бўл.

Гарчи сабрим уйи янглиғ айладинг вайрон мени,
Дойимо, ё рабки, ҳуснунг мулкидек обод бўл.

Мен чекиб андуҳ ўлай, эл жони бўлсун ул Масиҳ,
Соврул, эй чархи нигун, в-эй, даҳри дун, барбод бўл.

Бевафолар зулму бедодиға эрмассен ҳариф,
Эй синуқ кўнглум, агар худ шиша, гар шиша пўлод
бўл.

Тутгум ўлмақдин тирилмақ ҳажрида тенгдур манга,
Эмди гар бергил зилоли Хизр, агар жаллод бўл.

Чекма бошким, эмин эрмассен хазон яғмосидин,
Бу чаман ичра агар савсан, агар шамшод бўл.

Эй Навоий, олам аҳлиға чу йўқ эрмиш вафо,
Кел-у, мундин нари бекаслик бида мўътод бўл.



60000с.

АБАДИЯТ ГУЛШАНИ

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2013

Мухаррир Р. Бойтўра
Бадий муҳаррир Т. Қаноатов
Техник муҳаррир Б. Каримов
Саҳифаловчи Х. Шарипова
Мусахҳиҳ М. Зиямуҳамедова

Босишга рухсат этилди 20. 08. 2013. Бичими 84 x 108^{1/32}
Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли босма табоғи
6,72. Нашриёт-ҳисоб табоғи 6,17. Адади 15000 нусха.
Буюртма № 3109. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмаҳонаси, 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.